

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР



ТОШКЕНТ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ
МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА АҲОЛИ
ФАРОВОҢЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ:
МУАММО ВА ЕЧИМЛАР**

Монография

66^а/4

Тошкент–2019

УУК: 338.465

КБК: 65.6

X 48

X 48

Хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш: муаммо ва ечимлар. Монография. – Т.: «Fan va texnologiya», 2019 188 бет.

ISBN 978-9943-5959-5-8

Монографияда Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳолати ва уни модернизациялаш, хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари, мамлакатимиз аҳолиси фаровонлигини юксалтиришда тadbиркорликни риволантириш масалалари, шунингдек, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишда миллий иқтисодиётга инвестицияларни жалб этишнинг аҳамияти ва йўллари акс эттирилган.

Монография олий ўқув юрглари талаба ва ўқитувчиларига ҳамда докторантларга мўлжалланган. Ундан хизмат кўрсатиш соҳаси ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш муаммолари билан қизиқувчи мутахассислар ҳам фойдаланишлари мумкин.

УУК: 339.3 (575.1)

КБК: 65.42(5У)

Муаллифлар:

Б.Б.Мардонов, Л.У.Махмудов, Ғ.С.Мустафоев, З.К.Рахимова,
Ш.А. Султонов, Э.Ш.Шавқиев, А.С.Шералиев, Ш.О.Қувондиқов,
Р.Ж.Қурбонова, А.П.Ҳазратов.

Тақризчилар: Н.Ў.Арабов – и.ф.д., профессор;
Т.С.Шарипов – и.ф.н., доцент

Монография Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг илмий Кенгаши томонидан 2019 йил 24 июнь 11-сонли қарорига асосан chop этилди.

ISBN 978-9943-5959-5-8

© «Fan va texnologiya» нashриёти, 2019.

КИРИШ


Хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланган мамлакатларни юксак даражада ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутди ва миллий иқтисодиётининг асосий соҳасига айланди. Айниқса, табиий ресурслар чекланган шароитда хизмат кўрсатиш соҳаси имкониятларидан фойдаланиш янада кенгайди. Шу сабабли жаҳон иқтисодиётида унинг ялпи маҳсулотидаги улуши карийб 60 фоизни ташкил этди. Ўзбекистонда ҳам мустақиллик йилларидан бошлаб хизмат кўрсатиш соҳаси жадал суръатлар билан ривожланиш босқичига кирди. Унинг ЯИМ таркибидаги улуши 33,6 фоиздан¹ (1990 йил) 49,7 фоизни² (2017 йил) ташкил этиши шундан dalolat беради. Бироқ, бу кўрсаткичлар иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар кўрсаткичларидан 10-15 фоизга кам.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасининг кенг имкониятларидан мамлакат иқтисодиётининг равнақи йўлида унумли фойдаланаётганлари йўқ. Ваҳолаки, хизмат кўрсатиш соҳаси янги иш ўринларини яратишда, аҳоли даромадларини оширишда, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтиришда, электрон tijjоратни ривожлантиришда, умуман олганда аҳоли турмуш даражасини яхшилашда муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасида Президент фармонлари ва қарорлари қабул қилинган. Улар хизмат кўрсатиш соҳаси пойдеворини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади. Аммо баъзи масалалар хизмат кўрсатиш соҳасини юкори суръатларда ривожланишига тўскинлик қилади. Масалан, инновацион иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда ўзига хос вазифаларга эга бўлади.

¹ Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тарикатиининг мустақиллик йилларидан (1990-2010 йиллар) иқтисодий тенденцияси ва кўрсаткичлари ҳақида: 2011-2015 йилларда. Ўзбекистон Республикаси статистика агентлиги тўлима – Т. Ўзбекистон, 2011, 36-б.

² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси веб саҳи-
фа, dokid-uz-yanvar-dekabr17.pdf



соҳасининг тармоклари инновацион ривожланиш босқичига ўтади. Гарчанд, соҳани ривожлантириш ва уни мамлакат иқтисодиётида тутган ўрнини мустахкамлаш борасида қанчалик куплаб қарорлар ва фармонлар қабул қилинмасин, то уни инновацион иқтисодиётдаги ривожланиш йўллари ишлаб чиқилмас экан, уни жадал суръатларда ривожлантиришнинг имкони ҳам бўлмайди. Шунинг учун инновацион иқтисодиётда хизмат кўрсатиш соҳасининг жадал ривожланиши учун чуқур илмий тадқиқот ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Инновацион иқтисодиётда миллий иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқлари тубдан ўзгаради, унинг таркибий қисми модернизацияланади. Инновациялар кишиларнинг турмуш тарзига ҳам таъсир қилиб, уларнинг хоҳиш истақларини ўзгартиради. Шунинг учун ҳам хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш йўллари, унинг самарадорлигини ва миллий иқтисодиётда тутган ўрнини баҳолашнинг янги усулбларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорликнинг турли шакллари ривожланиши моддий ишлаб чиқариш соҳасига қараганда анча осон кечади. Уни ташкил этишда, айланма маблағларнинг ҳаракатланиш тезлигида, инновацияларни жорий этиш қулайлигида ва бошқа хусусиятлари шундан далолат беради. Инновацион иқтисодиётда тадбиркорликнинг хизмат кўрсатиш соҳасидаги фаолияти кенгайди. Бу ўз навбатида, иқтисодчи олимлар олдида хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорликни янада ривожлантириш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш борасида илмий тавсиялар ишлаб чиқиш вазифасини қўяди.

Ҳозирда мамлакат аҳолисининг деярли ярими қишлоқ жойларда истиқомат қилади. Уларни турли хизматларга бўлган талабини қондириш учун хизмат кўрсатиш соҳасининг тармоқларини қишлоқ жойларда ривожлантириш муаммоси юзага келади. Статистик маълумотларга қараганда узок муддатда фойдаланиладиган товарлар деярли барча хонадонларга кириб бorgan. Уларнинг таъминланганлик даражаси 80 фоиздан юқори. Шу сабабли республикамизнинг турли ҳудуд-

ларида, шунингдек, қишлоқ жойларда узоқ муддатли фойдаланиладиган товарларга техник хизмат кўрсатиш, уларни таъмирлаш, ташиш, урнатиш, ижарага бериш каби хизматларни ривожлантиришга тўғри келади. Шу билан, мамлакатимиз ҳудудларида хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини оширишга қаратилган иқтисодий ислохотларни изчиллик билан амалга ошириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда 2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантиришдаги устувор йўналишлар ва вазифалар белгилаб қўйилган ва унда хизматлар соҳасини ривожлантириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотни қупайтириш, унинг республика иқтисодиётидаги улушини 48,7 фоизгача етказиш, 2020 йилга бориб қишлоқ жойларда хизматларни 1,8 бараварга ўстириш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт инфраструктурасини ривожлантириш, тармоқларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳисобига хизматлар соҳасини, таркибий ўзгартиришларни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, рақобат ва рақобаткорлик муҳитини шакллантириш, турли инновация хизматларини, янги алоқа воситаларини кенгайтириш, аҳолининг телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш техник имкониятларини таъминлаш ва бошқа вазифалар ўрин олган.

Жамиятнинг социал, иқтисодий ва сиёсий ривожланишида инвестицияларининг, жумладан, хорижий инвестицияларининг аҳамияти каттадир. Буни, бугунги кунда ҳар бир мутахассис ва ҳужалик юритувчи субъект яхши тушунади.

Инвестициялар – аҳоли бандлигини, унинг иш ҳақини ва даромадларини ошириш, республикаимиз ҳудудлари, шаҳар ва туманларидаги энг муҳим социал муаммоларни ечиш демакдир.

Ҳозирги кунда, нафақат ички, айни пайтда ташқи инвестицияларни жалб этмай туриб, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналарни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари фаолиятини кенгайтириш мумкин эмас.

Шунинг учун ҳам давлатимиз томонидан ҳар йили амалга оширилиб келинаётган ислохотларнинг кун тартибидаги асосий масалаларидан бири – инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб қилиш масаласидир. Табиийки, бунинг учун фаол инвестиция сиёсатини юритиш ўта муҳимдир.

Юқорида аниқланган муаммолар, белгиланган вазифалар ва устувор йуналишлардан келиб чиқиб, инновацион иқтисодиётда хизмат курсатиш соҳасининг урнини ҳамда аҳоли турмуш даражасини ошириш борасидаги муаммоларни чуқур таҳлил қилиш ва улар ечимини ҳал этишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб бориш, муҳим аҳамият касб этади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, мазкур монография муаллифлари мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар ва инновацион иқтисодиётда хизмат курсатиш соҳасини модернизациялаш ҳамда аҳоли фаровонлигини юксалтириш йуллари борасида ўзларининг хулосаларини ва уларнинг ечими бўйича ўз тақлифларини беришган.

Муаллифлар жамоаси:

Кириш. Б.Б.Мардонов.

1.1. Б.Б.Мардонов, Ғ.С.Мустафоев

1.2-1.4. Р.Ж.Қурбонова

2.1. Ш.А.Султонов

2.2. Л.У.Махмудов, А.П.Ҳазратов

3.1. Э.Ш.Шавқиев

3.2. – 3.5. Ш.О.Қувондиқов

4.1. З.К.Рахимов, Э.Ш.Шавқиев

4.2. Ш.А.Султонов, Э.Ш.Шавқиев

4.3. Э.Ш.Шавқиев, А.С.Шералиев

I. БОБ. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ҲОЛАТИ ВА УНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ

1.1. Хизмат кўрсатиш соҳаси модернизацияси ва норасмий бандлик

Мамлакатни бозор муносабатлари асосида ривожланиш йўлига ўтиши, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан модернизациялаш ислохотларини босқичма-босқич амалга ошириш талабини қўйди. Кейинги йилларда миллий иқтисодиётни таркибий жиҳатдан модернизацияланиши натижасида барча соҳа ва тармоқларида барқарор ўсиш суръатига эришилди. Жумладан, 2017 йилда хизматлар ҳажми 116795,7 млрд сумни ташкил этди ва утган йилга нисбатан 108,9 фоизга ошди³.

Мамлакат иқтисодиётини таркибий жиҳатдан модернизацияланиши бу шунчаки, хоҳиш эмас, балки зарурат ҳисобланади. Чунки мамлакат аҳолиси турмуш даражасини ошириш, фаровонлигини таъминлаш муҳим устувор вазифа. Аммо табиий ресурсларни чекланганлиги аҳоли эҳтиёжларини доимий ва мунтазам равишда тўлиқ қондириш имконини бермайди. Шунинг учун мамлакатни ушбу муаммодан батамом ҳоли қилиш ва аҳолини ўсиб бораётган эҳтиёжларини ҳеч қандай муаммосиз тўлиқ қондириш учун иқтисодиётни таркибий жиҳатдан янгилаш зарурати юзага келади. Миллий иқтисодиётни тубдан ўзгартириш уни дунё мамлакатлари иқтисодиёти ичида рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек, ички ижтимоий сиёсат ва ташқи муҳит ўзгаришларига мослашиши учун ҳам модернизация муҳим аҳамиятни қасб этади.

Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш борасида Биринчи Президентимиз И. Каримов «Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари» номли асарида шундай дейилган: – «Бугунги кунда давлат ва

³www.stat.uz

жамият соҳасида мамлакатимиз олдида ўзининг микёси ва камровига кўра улкан вазифалар турибди. Шулардан бири, иқтисодиётимизни янада барқарор ривожланишини таъминлаш, уни диверсификация ва модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш борасидаги ишларни изчил давом эттиришимиз зарур⁴». Шунингдек, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ҳам 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга қилган мурожаатномаларида ҳам «Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификация қилиш» иқтисодий ислоҳотларнинг асосини ташкил этишини таъкидлаб ўтганлар⁵.

Иқтисодчи олимлар А.Аузан, К.Келимбетовлар ҳам «...глобализация шароитида иқтисодиёт тармоклари ўртасидаги алоқаларни янги босқичга кўтариш учун модернизация ишларини амалга ошириш нафақат муҳим, балки ривожланишнинг зарурий шарти ҳисобланади»⁶» -деб таъкидлашган.

Модернизациялаш сиёсати – мамлакат аҳолисининг иқтимоий ҳаётига таъсир этиб, дэстлаб аҳолининг дуиё қарашини ўзгартиради, маҳсулотлар ва хизматларга бўлган янги талабини шакллантиради. Иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати, шакли, тури, хизматларнинг эса усуллари ва тезлиги ҳам ўзгаради. Иқтисодиёт тармоқларидаги банд аҳоли янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиши учун янги инновацион технологиялардан фойдаланиши такозо этилади. Табиийки, бундай ўзгаришлар иқтисодиёт тармоқларида банд аҳолини янгича услубда ишлашига ундайди. Яъни банд аҳоли ўз касбини ўзгартириши ёки янги касбни эгалаши лозим бўлади. Бироқ, бу ўзгаришлар иқтисодиёт тармоқларидаги меҳнат ресурслари ўз иш ўринларини маълум муддагга ёки батамом бушагишга тўғри келади. Иқтисодиёт тармоқларида содир бўладиган бундай тарқибий ўзгаришлар нағҳасида ишчи кучига бўлган талаб қисқаради. Баъзиларнда эса ишчи кучи таклифи ошиб, улар ўртасида шиддатли рақобат муҳити пайдо бўлади. Мамлакат иқтисодиё-

⁴ Қаримов И.А. Жаҳон инновациянинг оқибатларини аниқлаш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққиёт топшириқларини доржасига кўтаришнинг сари. – 1. «Ўзбекистон», 2010 -118, 2646, 134 бет.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. //Халқ сузи, 2018 йил 29 декабрь.

⁶ Аузан А., Келимбетов К. Социально-ультурная формула экономической модернизации // Вопросы экономики 2012г., № 5, стр.38.

тида бундай ўзгаришларни содир бўлиши, дастлаб аҳоли бандлигини таъминлаш борасида ўзига хос, ечими оғир муаммоларни келтириб чиқаради. Шунинг билан бир қаторда, модернизациялаш махсулоғлар ва хизматларга булган янги талабларни шаклланиши орқали янги иш ўринларини очилиши ҳам мумкин. Модернизациялаш сиёсати натижасида келиб чиқадиган ушбу муаммоларни ҳал этмасдан туриб, хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш борасида стратегик қарорларни ишлаб чиқиш қийин. Иқтисодиётни модернизациялаш борасида олиб борилаётган чет эл иқтисодчи олимларининг тадқиқот ишларида ҳам буни тасдиғини топиш мумкин. Масалан, иқтисодиёт соҳаси В.В. Иноземцеванинг фикрича, «Агар модернизация меҳнат унумдорлигини Европа мамлакатларининг меҳнат унумдорлиги даражасида кўтарса, унда янги иш ўринлари яратилмайди, аксинча, меҳнат бозори беқарорликка юз тутаети»¹. И.А. Ашмаров «Агар иқтисодиёт тармоқларини модернизацияланса, ушбу тармоқда иқтисодий муаммолар туғилиши ҳам мумкин. Шунинг учун модернизация иқтисодиёт тармоқларида янги иш ўринларини очиб бориши лозим. Шунингдек, модернизация – бир тармоқда иш ўринларини қисқаришига олиб келса, бошқа тармоқда янги иш ўринларини очиб беради. Модернизациялаш иқтисодиёт тармоқларини ўзгартирмай, янги иш ўринлари очмасе мантиқсиз янгилик ҳисобланади»² деб таъкидлайди. Шу сабабли булса керак, кўплаб ривожланаётган мамлакатларда иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларини модернизациялашнинг аниқ йўллари ишлаб чиқилмаган. Тадқиқотимизда бозор иқтисодиёти йўлини танлаб ривожланишнинг дастлабки қадамларини қўяётган мамлакатларнинг биронтасида ҳам хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш сиёсатининг амалга ошириш модели ишлаб чиқилмаганлиги аниқланди. Фақатгина узоқ йиллар давомида режали иқтисодиёт ҳукмронлиги таъсиридаги собиқ социалистик мамлакатларда модернизациялаш жараёнининг ўзига хос стратегияси ишлаб чиқилган. Масалан, Россия Федерация-

¹ См. электронный ресурс: <http://www.infox.ru>

² Ашмаров И.А., Модернизация рынка труда в системе инновационного развития России // *Материалы Доклады конференции* 2012

сининг мамлакат иқтисодиётини модернизацияланиши учун «Стратегии-2020» деб номланган давлат дастури ишлаб чиқилган булиб, унда: «мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини турмуш даражасини ошириш, XXI асрда ҳаёт иқтисодиётида ўз ўрнига эга бўлиш, мамлакат иқтисодиётини халқаро миқёсида рақобатлаштиришда биринчилар қаторида туриши, шунингдек, мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш ва шу каби ижтимоий, ҳуқуқий мақсадларни қўзлаган»⁹. Кейинчалик ишлаб чиқилган «Инновационная Россия-2020»¹⁰ деб номланган давлат дастури ҳам шу мақсадларга қаратилган. Бу дастурларда мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш сиёсатини олиб бориш ислохотлари белгиланган. Аммо модернизациялаш сиёсати оқибатида келиб чиқиши муқаррар бўлган ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этиши назарда тутилмаган.

Юқорида айтилган иқтисодиёт соҳасининг модернизациялаш борасидаги фикрларига асосланиб айтиш мумкинки, хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш сиёсати биринчидан аҳоли бандлигини кескинлаштиради, иккинчидан ҳар бир меҳнат ресурси салоҳиятини мамлакат рағнақи йулида унумли фойдаланиш имконини беради. Шулардан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш сиёсати, мамлакат тараққиётида катта роль ўйнайди, шунинг билан бир қаторда, ижтимоий муаммолардан ҳоли ҳам эмас, деган қатъий ҳулосага келиш мумкин. Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш сиёсати натижасида иқтисодиёт тармоқларида бандлик ҳолати ҳам ўзгариб боради. Саноат, қишлоқ хўжалиги, тармоқларида ишчи кучи талаби кескин қаманиб кетди. 1.1.1-жадвалда келтирилган маълумотлар фикримизнинг ёрқин исботидир.

⁹ Аксёв А., О стратегии интегрированной модернизации экономики России до 2025 года // Вопросы экономики. № 4, 2012, стр 97

¹⁰ Инновационная Россия-2020 / М.: Молодая гвардия. 2010. www.garant.ru/infocenter/docs/doc101231_016

**Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларида ишчи кучи
талабини узғариши (жамига нисбатан фондда)**

1.1.1-жадвал

Тармоқлар	1991 йил	2000 йил	2010 йил	2016 йил	2017 йил	2017 йилнинг 2010 йилга нисбатан узғариши (+;-)
Иқтисодиётда жами бандлар	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	X
Шу жумладан тармоқларда						
Саноат	14,3	12,7	13,2	13,6	13,5	+0,3
Қишлоқ хужалиғи	42,0	34,4	26,9	27,4	27,2	+0,3
Қурилиш	8,2	7,5	9,2	9,5	9,5	+0,3
Транспорт ва алоқа	4,8	4,3	5,2	5,3	5,3	+0,1
Савдо, умумий овқатланиш, тайёрлов ва таъминот	5,6	8,4	10,7	10,9	11,0	+0,4
Уй-жой комму- нал хужалиғи ва асолига маиший хизмат курса- тишнинг но иш- лаб чиқариш турлари	2,3	2,8	3,4	2,3	2,3	-1,1
Соғлиқни сақлаш, jisмоний тарбия ва ижтимоий таъминот	5,9	6,5	7,7	4,5	4,5	+3,2

1.1.1-жадвалнинг давоми

Таълим, маданият, санъат, фан ва илмий хизмат курсатиш	13,7	12,8	13,8	8,8	8,7	+5,1
Молия, кредит ва сугурта	0,3	0,6	0,6	0,5	0,5	+0,1
Бошқа тармоқлар	2,9	10,4	9,3	17,2	17,5	+8,2

*Маълумотлар: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди

1.1.1-жадвал маълумотларидан қуриб турибдики, иқтисодиётнинг саноат, қишлоқ хўжалиги тармоқларида ишчи кучига бўлган талаб камайиб бормоқда. 1991 йилда жами иқтисодиётдаги банд аҳолининг 14,3 фоизи саноатда банд бўлган бўлса, 2017 йилга бориб, ушбу тармоқда банд аҳоли сони камайиб 13,5 фоизни ташкил этди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги тармоғида ҳам 2017 йили 1991 йилга қараганда ишчи кучига бўлган талаб 14,8 пунктга камайган.

2017 йилдан 2010 йилга нисбатан хизмат кўрсатиш соҳасининг савдо умумий овқатланиш, тайёрлов ва таъминоғ, транспорт ва алоқа тармоқларида ишчи кучига бўлган талаб ортиб борган. Шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳасининг соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот, таълим, маданият, санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатиш тармоғи, молия, кредит ва сугурта тармоқларида ишчи кучига бўлган талаб ошган. Бироқ уй-жой коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг но ишлаб чиқариш турлари каби тармоқларида эса ишчи кучига бўлган талаби камайган. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, иқтисодиётнинг савдо, умумий овқатланиш, тайёрлов ва таъминот, транспорт ва алоқа, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот тармоқларининг таълим, маданият, санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатиш ҳамда молия, кредит ва сугурта тармоқларига қараганда ортиб бориши, ушбу тармоқларда амалга оширилган модернизацион сиёсат нагжасидир. Хизмат кўр-

сатиш соҳасининг модернизациялаш сиёсати унинг тармоқлари уртасидаги мувозанатига таъсир этди. Жадвалда кўрсатилишича, бир тармоқда ишчи кучига бўлган талаб кескин камайиб айриларида эса ортиб борган. Демак, модернизациялаш сиёсати иқтисодиёт тармоқларини маълум мувозанатдан чиқаради. Мана шу вақт оралиғида эса банд аҳоли ўз иш жойидан айрилади. Шулардан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш сиёсатини яллит бир тизим сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблаймиз. Уни иқтисодиётнинг муҳим категориялари билан алоқасини таъминлаш керак. Модернизациялаш сиёсатини мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти учун фақат икки томонлама қараш лозим.

Биринчидан, модернизациялаш иқтисодиётни ЯИМ ҳажмини ошириш, меҳнат унумдорлигининг ўсиши, аҳоли даромадларининг кўпайиши, аҳоли турмуш даражасини яхшилланиши каби барқарор макроиқтисодий мувозанатни таъминлайди;

Иккинчидан, мамлакатнинг иқтисодий бекорорлигини келтириб чиқариш, жумладан, янги технологияларнинг кириб келиши оқибатида иқтисодиёт тармоқларида ишчи кучига бўлган талаб камайиб бориб аҳоли бандлиги муаммосини кескинлаштиради.

Шу қарашлардан келиб чиқиб биз, хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш сиёсатини иқтисодиётнинг муҳим бир категорияси нуқтаи назарда қарашни лозим деб ҳисоблаймиз ва хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш сиёсатини «Аҳоли бандлигини таъминлаш» нуқтаи назаридан қарашни тақлиф этамиз. Чунки модернизациялаш сиёсати аҳоли бандлигига таъсир ва акс таъсир этади. Шунинг учун ҳам модернизациялаш сиёсатини тўғри оқилона, босқичма-босқич аниқ модель ва маълум бир категория асосида олиб борилиши лозим. Модернизациялаш сиёсатини ушбу жараёни бозор механизмига ўхшайди. Яъни иқтисодиёт тармоқлари модернизацияланса, бандлик жараёни ҳам янгиланиб боради. Бироқ, бу механизм мамлакат тараққиётида ўта қийинчилик билан амалга ошади. Бу борада билдирилган қарашларни иқтисодчи олим А.Маддисоннинг «The World economy: a millennial perspective» номли асарида ҳам кўриш мумкин. А.Маддисон – «мамлакат иқтисодиётини модернизациялашда ЯИМнинг аҳоли жон бошидаги

улушининг усиш суръати муҳим аҳамият касб этишини, шунингдек, модернизация босқичига ижтимоий ларзаларсиз ўтиш низоҳатда мушкул эканлигини, бунга 1 ақатгина иқтисодий ўсиш суръати юқори ва барқарор даражага эга бўлган мамлакатларгина ўтиши мумкинлигини, иқтисодийни модернизациялаш жараёни назарий ва амалий жиҳатдан бой тажрибани ва у мамлакат тараққияти учун янги бир давр ҳисооланишини тушунтирган»¹¹.

Модернизациялаш сиёсати тўғрисида бу каби музокарали фикрларни қўплаб келтириш мумкин. Бироқ биз, хизмат курсатиш соҳасини модернизациялаш сиёсатини тўлиқ тушуниш учун «Модернизация» сўзининг мазмуни моҳиятини билишнинг ўзи кифоя деб, ҳисобладик ва тадқиқот ишимизда улардан қўнидаги энг муҳим фикрларини келтириб ўтишни лозим топдик:

1. «Модернизация» сўзи французча «modernization» – “moderne” сўзидан олинган бўлиб, «энг янги», «замонавий» деган маъноларни англатади. У амалиётда бирер нарсани янгилаш, уни замонавийлаштириш ёки замонавий талабга мувофиқ ўзгартириш маъноларида қўлланилади¹².

2. «Модернизация – объектни янгилаш, яхшилаш, такомиллаштириш, уни талаблар ва меъёрларга, техник шартларга сифат курсаткичларига мувофиқлаштириш. Асосан машина, асбоб-ускуналар, технологик жараёнлар модернизацияланади»¹³.

3. Б.В.Прыкина «модернизация» тушунчасини «трансформация» терминига яқин бўлиб, янгиланиш ва ривожланиш жараёндир деб ҳисоблайди¹⁴.

4. Т.Заславская ва В.Ядовларнинг фикрларича «Модернизация – рақобатбардошликни оширади»¹⁵.

5. С.Н.Гавров эса «Модернизация бу янги талабларга жавоб бериш, янги ислохотларни амалга ошириш, жамиятни янгиланиши ва янги жараёнлардир» деб таъкидлайди¹⁶.

¹¹ Jackson A. The World Economy. A Millennial Perspective. OECD 2001.

¹² Уз СС 7-том. – Т. 1976, 311-бет.

¹³ <http://www.economic.doco.ru>

¹⁴ Прыкина Б.В. Глобалистика. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007, стр. 463

¹⁵ Заславская Т. И., Ядов В. А. Социальные трансформации в России в эпоху глобальных изменений. Доклад на открытии III Социологического конгресса, 21 октября 2008 г. Режим доступа: http://www.isras.ru/publications_bank/1225398577.pdf

¹⁶ Гавров С.Н. Модернизация// Социокультурная антропология: история, теория, методология. Энциклопедический словарь. – М.: Академический проект, Константа, 2012, стр. 821-830

6. Б.Чарльтон ва П.Андрасаларнинг қарақларича «Модернизация қуп босқичли жараён бўлиб, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий анъаналарни узгартиради»¹⁷.

7. Юрген Хабермас ҳам «Модернизация – ижтимоий жараёнларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва бошқа соҳаларни қамраб олади»¹⁸ деб таъкидлаб утган.

8. Модернизациянинг кенг маънодаги мазмунини тушуниш учун иқтисодчи олим Р.Нуреев, унинг неоклассик ва кейнсча талқинларини келтириб шундай фарқлайди: «Жумладан, неоклассиклар томонидан модернизацияга хусусий мулкчилик ва демократияни мустақамлаш сифатида ёндашилса, кейнсчилар томонидан энг аввало ҳужаликнинг асосий тармоқларини қамраб олувчи таркибий узгаришлар сифатида тушунилади. Дастлабки уринга техник-иқтисодий муаммолар қўйилади. Ҳужаликда замонавий тармоқларнинг мавжуд бўлмаслиги тараққиётнинг асосий тўсқинлик кучи сифатида қабул қилади»¹⁹.

9. Маҳаллий олимларимиздан К.Уразов ҳам юз бераётган модернизациялашга Президентимиз маърузаларида уз аксини топган концепциялар, йўналишлар, тушунчаларга асосланган ҳолда қуйидаги таърифни беришни мақсадга мувофиқ деб топган: «Модернизациялаш – бу корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни техник ва технологик қайта жиҳозлаш, юксак самарали асбоб-ускуналарни харид қилиш ҳамда замонавий юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни билвосита давлат қўллатлари, бевосита тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар асосида амалга оширилиши, шунингдек, корхоналар ва аҳоли маблағлари, тижорат банклари кредитлари ҳамда давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан амалга оширилишидир»²⁰.

Юқорида номлари зикр этилган олимларнинг модернизация тўғрисидаги билдирилган фикрларидан модернизация сиёсатини узоқ давом этадиган мураккаб жараён бўлиб, у мамла-

¹⁷ Charlton B., Andras P. The Modernization Imperative. Imprint Academic. Exeter, UK, 2003. P. 85.

¹⁸ Хабермас Ю. Философский дискурс о модерне. – М., 2003, стр. 8.

¹⁹ Нуреев Р. Модернизация экономики: концепции и средства. <http://www.zoob.ru>

²⁰ К. Уразов. 3 Муҳаммадийн Модернизациялаш жараёни ҳисобини таъминлаштириш йўналишлари // Ўзгор, нури ва гўшти. 2012 йил, №10, 67-69 бетлар.

катнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий томонларига ҳам таъсир этишини билиш мумкин. Таъкидлаб ўқиш ҳам ўринлики, Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялашнинг илк назарий асослари Биринчи Президентимиз И.Каримовнинг иқтисодий ислохотлар муаммоларига бағишланган асар²¹ ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланишига бағишланган маърузаларида келтирилган. Унда асосан мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш ижтимоий ва иқтисодий тараққиётни таъминлашда катта роль ўйнаши ҳамда муҳим вазифаларни бажариши таъкидлаб ўтилган. Шунингдек, мамлакат иқтисодиётини модернизациясининг энг муҳим асосий йўналиши Инқирозга қарши чоралар дастурида белгилаб берилган²². Аммо шу вақтгача мамлакатимизда мавжуд бўлган «Иқтисодиёт назарияси»га онд адабиётларда ва чоп этилган дарслик ҳамда қўлланмаларда²³ модернизациянинг таърифи унинг имкониятлари, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига таъсири, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасининг модернизациялаш сиёсати ва унинг ишчи кучи талаби ҳамда таклифига таъсири таҳлил этилмаган, улар тўғрисидаги қарашлар умуман ўрганилмаган. Шунингдек, модернизациянинг иқтисодий категориялар билан ўзаро алоқаси ҳам қўриб чиқилмаган. Ўзбекистоннинг иқтисодчи олимлари асарларида мамлакат иқтисодиётини модернизациялашнинг айрим назарий жиҳатлари таҳлил этилган. Жумладан, иқтисодчи олим Э.Ш.Шодмоновнинг «Мамлакатни модернизациялаш жараёнида иқтисодиётни мувозанатли ва мутаносибли ривожлантиришнинг асосий йўналишлари»²⁴ номли монографиясида мувозанатлик ва мутаносибликни таъминлаш инқирознинг олдини олиш ва иқтисодий

²¹ Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини олқиш, ҳамажаматини модернизация қилиш ва гаровқий топқон дилалатлар даражасига дугўрилиш сўри. – Т. «Ўзбекистон», 2010. – 118. 264 бет

Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни яндал чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш қонунчилиги. – Т. «Ўзбекистон» НМНУ, 2010, 4 бет

²² Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози. Ўзбекистонда инқирозни унинг бартараф этилиши йўллари ва чоралари. – Т. Ўзбекистон, 2009, 56 бет

²³ Экономическая теория: Учеб. пособие: Кадиров А, М.Н.Сиддикаримова, Ноникова Т.Д., Натоплева Г.Ф. Ибрамов С.А., Алимов И., –Т.: 1998, стр 275, Вахоев А.В. Бозор муносабатларига ўтти босқичдаги қўш уқладли иқтисодиёт ва унинг таъсирини ҳосил бўлиши. –Т. «Молит», 2002, 289 бет, Ш.Ш.Шодмонов, У.В.Ғафуров «Иқтисодий назарияси» (дарслик). –Т. «Фан ва технология» нашриёти, 2005, 784 бет; А.Улмасов, А. Вахоев Иқтисодиёт назарияси (дарслик). –Т.: «Шарк» нашриёти, 2006, 445 бет, Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. «Иқтисодий назарияси» (Маъруза келтирилди). – Т. 2008

²⁴ Шодмонов Э.Ш. Мамлакатни модернизациялаш жараёнида иқтисодиётни мувозанатли ва мутаносибли ривожлантиришнинг асосий йўналишлари //Монография. – Т. «IQTISOD-MOLITYA» 2010, 228 бет


баркарорликка эришиш жараёнидаги муҳим йўналғш эканлиги асосланган. Ю.Қ.Йўлдошевнинг «Ўзбекистонда иқтисодиётни эркинлаштириш, модернизациялаш, халқни ҳаёт даражасини юксалтириш: натижа ва устувор вазифалар»²⁵ номли монографиясида эса мамлакат тараққиётидаги демократик янгилаш хусусида фикр юритилган. Иқтисодчилар М.Қ.Пардаев, Т.Х.Мамасоатов, О.М.Пардаев «Модернизация, диверсификация ва инновация-иқтисодий ўсишнинг муҳим омиллари» деб номланган монографиясида эса «иқтисодиётнинг модернизация қилишнинг туртга тури мавжудлигини, яъни ишлаб чиқариш воситаларини модернизациялаш, теҳнологик жараёнларни модернизациялаш, иқтисодиётни бошқариш усуллариини модернизациялаш ҳамда ходимлар малакаси ва кўникмасини модернизациялашни курсатиб берган»²⁶. Фақатгина иқтисодчи олим У.А.Мадраҳимов «Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизация қилиш асослари» -деб номланган илмий мақоласида эса, иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнини, ижтимоий ва иқтисодий турларга бўлган²⁷. У.А.Мадраҳимов иқтисодиётни модернизация қилишнинг иқтисодий турига қишлоқ хўжалигини, саноат тармогини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни модернизациялашни айтиб ўтилган бўлса, модернизациялашнинг ижтимоий турига эса хизмат кўрсатиш соҳасининг таълим тармогини, кадрлар тайёрлаш тизимининг таркибий тузилишини, меҳнат муносабатларини такомиллаштириш лозимлигини кўрсатиб ўтилган.

Бироқ бу фикрлар мамлакатни хизмат кўрсатиш соҳасидаги модернизациялаш жараёнида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечимини топишда аниқ илмий хулосалар чиқариш имконини бермайди. Шунинг учун ҳам модернизациянинг мамлакат ижтимоий ва иқтисодий тараққиётига таъсирини, унинг иқтисодий категориялар билан узаро алоқадорлиги чуқур таҳлил қилиниши лозим. Айниқса, уни бозор иқти-

²⁵ Йўлдошев Ю. Ўзбекистонда иқтисодиётни эркинлаштириш, модернизациялаш, халқни ҳаёт даражасини юксалтириш: натижа ва устувор вазифалар. Т.: «Наврўз», 2014. 104 б.

²⁶ Пардаев М.Қ., Мамасоатов Т.Х., Пардаев О.М. Модернизация, диверсификация ва инновация-иқтисодий ўсишнинг муҳим омиллари. Монография. -Т.: «Наврўз», 2014. 104 б.

²⁷ Мадраҳимов У.А. Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизация қилишнинг асослари. // «Иқтисод ва молия» № 1, 2012, 14 бет.



содиётини:г объектив қонунлари нуктаи назардан қараб чиқиш муҳим аҳамиятни касб этади. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда тадқиқотлар олиб борган бир қатор олимлар: «Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш учун охиригн 10 йил давомида иқтисодий ўсиш суръати ўртача 7,2 фоиздан кам бўлмаслиги заруриятини таъкидлаб, ЯИМ аҳоли жон бошига 19 минг АҚШ доллардан то 35 минг АҚШ долларгача бўлишини, меҳнат унумдорлиги эса камида 2 мартадан ортиқ ошиши лозимлигини таъкидлаб ўтишган²⁸»

Таҳлиллар Ўзбекистонни 2005 йилдан буён ЯИМ ўсиш суръати ўртача 8,2 фоиздан кам бўлмаганлигини кўрсатади ва бу мамлакатни модернизацияланиш босқичига ўтиш мумкинлигини англатади. Демак, Ўзбекистон иқтисоднётини модернизациялашнинг даслабки даври ХХІ асрнинг 2005 йилидан бошланади. Ривожланган мамлакатлар учун эса иқтисодиётни модернизациялаш жараёни ХХ асрнинг 50-60 йилларига тўғри келади²⁹. Демак, Ўзбекистон иқтисодиётни модернизациялаш сиёсати буйича 12 йиллик бой тажрибани эгаллади ва 2005 йилдан буён МДХ мамлакатлари ичида биринчилардан бўлиб иқтисодиётнинг хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш сиёсатини олиб борди. Буни МДХ мамлакатларининг ЯИМ тарққоидаги хизмат кўрсатиш соҳасининг улушини Ўзбекистоннинг ЯИМ таркибида хизмат кўрсатиш соҳасини улуши билан таққослашда кўриш мумкин. Шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш борасида бир неча фармон ва қарорлар қабул қилингани ҳам фикримизнинг ерқин исботидир. Ушбу қабул қилинган фармон ва қарорлар ижроси натижасида саноат тармоғи 56 фоизга, қишлоқ хўжалиги 44,2 фоизга қурилиш 43,2 фоизга, транспорт ва алоқа 36 фоизга, хизмат кўрсатиш тармоқлари эса ўртача 31 фоизга модернизацияланди³⁰. Лекин ушбу маълумотларни синчковлик билан таҳлил этадиган бўлсак, хизмат кўрсатиш соҳасини модернизация даражаси миллий иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги, са-

²⁸ Аляев А. О стратегий интегрированной модернизации экономики России до 2025 года. //Вопросы экономики. 2012. №4., стр.107.

²⁹ Мелуев В.М. Ценности современности в контексте модернизации и глобализации.//Электронный журнал «Знание, Понимание, Умение»- 2009 г., №1.

³⁰ Пронькина Т., Вопрос Модернизации. //Экономическое обозрение №8, 2012, 57-59 бет.

ноат, қурилиш, транспорт, алоқа ва бошқа тармоқларидан ўртача 13,1 фоизга кам. Демак, ушбу маълумотлар хизмат курсатиш соҳасини модернизациялаш борасида ҳали куп ишларни амалга ошириши лозимлигини билдиради. Аммо иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш сиёсатини бир ёки икки йилда амалга ошириб бўлмайди. Тадқиқотларда аниқланишича, биргина авиация тармоқларини модернизациялаш учун 10-15 йил талаб этилар экан. Шунингдек, иқтисодиётда ЯИМ ишлаб чиқариш тармоқлари бўйича олиб борилган таҳлилларимиз ҳам хизмат курсатиш тармоқларини жиддий ўзгартириш лозимлигини кўрсатди (1.1.2-жадвал).

1.1.2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, хизмат курсатиш соҳасининг савдо ва ижтимоий таъминот тармоғи 2000 йилда ЯИМнинг 11,7 фоизини ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб, ушбу тармоқ ЯИМнинг 10,3 фоизини ташкил этди. Бу кўрсаткич 2000 йилга қараганда 1,4 пунктга камайган. Транспорт ва алоқа тармоғи ҳам 2000 йилда ЯИМни 7,7 фоизини ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб, ушбу тармоқнинг ЯИМдаги улуши аниқ 2,1 пунктга кўпайган. Таълимнинг ЯИМдаги улуши 2017 йилда 2000 йилга қараганда қарийб 2,1 пунктга камайган. Соғлиқни сақлашда эса ушбу кўрсаткич 2000 ва 2017 йиллар давомида аниқ 1,5 пунктга кўпайган. Демак, 17 йил ичида хизмат курсатиш соҳасининг транспорт ва алоқа тармоғи 2,1 пунктга, соғлиқни сақлаш тармоғи 1,5 пунктга кўпайган. Савдо ва ижтимоий таъминот тармоғи эса 1,6 пунктга камайган. Бу рақамлар хизмат курсатиш соҳасини ЯИМдаги улушини ошириш учун жуда катта имкониятлар мавжуд деган, ҳулосага келиш мумкин. Чунки 17 йил ичида хизмат курсатиш тармоқларининг 2,1 ва 1,5 пунктларга ортиши жуда ҳам кам. Шунинг учун хизмат курсатиш соҳасини тармоқлар кесимида модернизациялашнинг аниқ концептуал йўналишлари ва уни курсатмалари мамлакат миқёсида ишлаб чиқиши лозим.

**Ўзбекистонда ЯИМни иқтисодий тармоқлари бўйича
ишлаб чиқариши ва инвестиция тақсироти (фондда)**

1.1.2-жадвал

№	Тармоқлар номи	2000 йил		2017 йил		2017 йилни 2000 йилга нисбатан узгариши (+;-)	
		ЯИМ	Инвес- тиция	ЯИМ	Инвес- тиция	ЯИМ	Инвес- тиция
1	Жами, шу жумладан	100	100	100	100	100	100
2	Саноат	14,2	29,7	23,9	34,8	+9,7	+5,1
3	Қишлоқ хўжалиги	30,1	5,7	17,3	3,3	+12, 8	-2,4
4	Қурилиш	6,0	0,5	6,1	4,1	+0,1	+4,6
5	Транспорт ва алоқа	7,7	16,8	9,8	16,5	+2,1	-0,3
6	Савдо ва ижтимоий таъминот	11,7	4,3	10,3	13,4	-1,4	+9,1
7	Коммунал хўжалиги	1,7	4,7	-	-	-	-
8	Уй-жой хўжалиги	2,5	13,0	-	-	-	-
9	Соғлиқни саклаш	2,4	2,7	3,5	2,3	+1,5	-0,4
10	Таълим	5,3	14,0	3,2	2,0	-2,1	-12,0
11	Бошқалар	18,4	8,6	25,9	23,3	+7,5	+14,7

*Маъба. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.
www.stat.uz

Хизмат кўрсатиш тармоқларини модернизациялаш сўёса-
ти иқтисодийнинг қишлоқ хўжалиги, саноат тармоқларини

модернизациялаш сиёсатидан кескин фарқ қилади. Масалан: қишлоқ хўжалигини модернизациялашда мамлакат аҳолисини озик-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз ва барқарор таъминлаш, ер ресурслари унумдорлигини ошириш, экологик мувозанатни сақлаш ёки соҳани экспорт салоҳиятини кескин кўтариш назарда тутилади. Саноат тармоқларини модернизацияси ҳам тикланадиган ва тикланмайдиган ресурсларидан самарали фойдаланишни назарда тутди. Хизмат курсатиш тармоқларини модернизациялашни эса асосан янги хизмат турларни курсатиш билан ажралиб туради.

Хизмат курсатиш соҳасининг модернизацияси ялпи хизматлар ҳажмини оширишда ва сифатини яхшилашда муҳим роль ўйнайди. Модернизация хизмат курсатиш соҳаси учун қуйидаги имкониятларни яратиб беради.

- хизмат турларини кўпайтиради;
- хизматлар ҳажмини оширади;
- хизматларнинг сифатини яхшилайтиди;
- хизмат курсатиш тезлигини оширади.

Хизмат курсатиш соҳасининг модернизациялаш сиёсати натижасида ишчи кучи талаби ва таклифи қуйидаги икки тарзда ўзгаради:

Биринчидан, хизмат курсатиш соҳасини модернизациялаш натижасида иқтисодиётда унумли бандлик таъминланади. Бунда модернизация сиёсати хизмат курсатиш тармоқлари ичида ишчи кучига бўлган талаб ва таклифи бир-бирига мувофиқ келтиради. Ишчи таклиф этувчилар талабгорларнинг ичидан энг қобилиятлисини танлаб олиб уларга муносиб иш ҳақини таъминлайди. Юқори иш ҳақи аҳолини унумли бандлигини таъминлашида муҳим роль ўйнайди.

Иккинчидан, соҳадаги банд бўлган ходимларга нисбатан талабнинг қисқариши натижасида аҳоли бандлиги муаммолари кескинлашади. Ушбу муаммоларни ҳам қуйидаги таркибий қисмларга бўлиш мумкин:

- хизмат курсатиш соҳасидан ортган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш муаммоси;
- хизмат курсатиш соҳасидаги ходимларнинг малакавий кўникмасини ошириш муаммоси;

➤ хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат унумдорлигини янада ошириш муаммоси. Бунда модернизация меҳнат унумдорлигини оширсада, бироқ ушбу соҳада банд ходимларнинг янада кўпроқ хизмат кўрсатиш учун рағбатлантиришнинг турли усулларини ишлаб чиқиш муаммосини қўяди.

Юқорида санаб ўтилган муаммолар ичидан энг мураккаби, хизмат кўрсатиш соҳасидан ортган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш муаммосидир. Чунки ушбу муаммо меҳнат ресурслари сафига келиб қўшилаётганларни иш билан таъминлаш муаммосидан, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ходимларнинг малакавий кўникмасини ошириш муаммосидан ёки хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат унумдорлигини янада ошириш муаммоларидан бирмунча қийин ҳисобланади. Хизмат кўрсатиш соҳасидаги ходимларнинг малакавий кўникмаси ёки меҳнат унумдорлиги ЯИМ ҳажмининг камайишига ва сифатига таъсир этсада, аммо мамлакат тараққиёти учун ижтимоий муаммони келтириб чиқармайди. Хизмат кўрсатиш соҳасида ишчи кучи талабсининг қисқариши эса ишсизлар сонини оширади. Хизмат кўрсатиш соҳасининг модернизацияланиши мамлакат учун янги бир муаммони келтириб чиқариш эмас, аксинча юзага келиши кутилаётган муаммоларни узил-кесил ҳал этишни ҳам назарда тутиши лозим. Шунинг учун биз хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш сиёсати натижасида юзага келган муаммони «Соҳадаги ишчи кучига бўлган талабнинг қисқариши» нуқтаи назаридан қарашни, аҳоли бандлигининг кескинлашишини олдини олиш учун эса қўйидаги икки хил ёндашувдан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

Биринчиси, хизмат кўрсатиш соҳасидан ортган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш.

Иккинчиси, меҳнат ресурслари сафига келиб қўшилаётган кишиларни иш билан таъминлаш

Аҳоли бандлигини таъминлашда биринчи ёндашув орқали амалга ошириш бирмунча мураккаброқ вазиятларни келтириб чиқаради. Хизмат кўрсатиш соҳасидан ортган меҳнат ресурсларни миқдор жиҳатдан, меҳнат ресурслари сафига келиб қўшилаётганлардан кўп. Шунинг учун ҳам уларни иш билан таъ-

минлаш биров мураккаброкдир. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, 2000-2017 йиллар давомида мамлакат аҳолиси 132,4 фоизга ўсган бўлса, меҳнатга лаёқатли аҳоли сони эса шу давр мобайнида 2,2 мартага қўпайган³¹. 2016 йилда эса 2017 йилга қараганда меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 169,3 минг кишига ортган. Ҳисоб-китобларимизга кўра, хизмат кўрсатиш соҳасида ишчи кучи талаби атига 1 фоизга қисқарса 67,322 минг киши ишсиз қолиши мумкин. Агар 5 фоиз қисқарадиган бўлса, 33,6 минг киши ишсиз қолади. Ваҳоланки, хизмат кўрсатиш соҳасида ишчи кучига бўлган талаби йилдан-йилга орғиб боради. Агарда хизмат кўрсатиш соҳасида ишчи кучи талаби борди-ю, 10-20 фоизга қисқарадиган бўлса, у ҳолда меҳнат ресурслари сафига келиб қўшилаётганлардан хизмат кўрсатиш соҳасидан ортган меҳнат ресурслари 2 ёки 4 барабардан ортиқ бўлади.³²

Хизмат кўрсатиш соҳасидан ортган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш муаммосининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, уларнинг малакасини оширишдир.

Илмий адабиётларда ва тадқиқот ишларида аҳолини иш билан таъминлаш муаммоси фақатгина меҳнат ресурслари сафига келиб қўшилаётган кишиларни айрим ҳолларда эса иқтисодиётдаги банд аҳолининг қисқариши оқибатида юзага келадиган ишсизларни бандлигини таъминлаш бўйича фикр мулоҳазалар юритилган. Аммо хизмат кўрсатиш соҳасидан ортган меҳнат ресурсларни бандлигини таъминлаш бўйича аниқ эътиборга молик ишлар амалга оширилмаган. Шу боис ҳам ушбу муаммони ечиш учун аввало унинг назарий жиҳатларини илмий асослаш ўта муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Олиб борилган тадқиқотларимиз натижасида хизмат кўрсатиш соҳасида ортган меҳнат ресурсларининг ўзига хос хусусиятлари аниқланди. Буларга: ишдаги қизиқиши, янгиликларни жорий этиш мойиллиги, ишга тезлик билан мослашishi, даромадига қониқиши қабиларни киритиш мумкин.

³¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

³² Ҳисоб-китоблар: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2013 йил маълумотлари асосида ҳисобланган.

Меҳнат ресурслари сафига келиб қўшилаётган кишиларнинг хусусиятлари эса хизмат кўрсатиш соҳасидан ортган меҳнат ресурсларининг хусусиятларидан бирмунча фарқ қилади. Масалан: юқори кўникма ва малака оширган ҳолатда меҳнат бозорига кириб келаш, янги хизмат турларини жорий этиш, сифатли хизмат кўрсатиш, соҳада банд бўлишга бўлган ҳоҳиш ва юқори мойилликка эга бўлиш ва ҳоказо. Умуман олганда, аҳолини иш билан таъминлашда юқорида айтиб ўтилган икки хил ёндашувлар мамлакат тараққиёти учун ишсизларни хизмат кўрсатиш соҳасига жалб этишда муҳим роль ўйнайди ва қўйидаги афзалликларни келтириб чиқаради:

1. Хизмат кўрсатиш соҳасига иш билан банд бўлишга бўлган талабнинг ортиши.

2. Хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат унумдорлигининг ортиши.


3. Хизмат кўрсатишнинг янги турларини вужудга келиши;

4. Хизмат кўрсатиш соҳасида унумли иш билан банд бўлиш имкониятининг пайдо бўлиши.

1.2. Хизмат кўрсатиш корхоналарини модернизациялаш ҳолатини баҳолаш


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси туғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонида ҳам мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгиланган. Жумладан, мазкур Фармон асосида қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да - “Хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматлар роли ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматларнинг тузилмасини, энг аввало, хизматларнинг замонавий, технологик турларини тубдан ўзгартириш” лозимлиги белгиланган бўлиши ушбу соҳанинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида нақадар қатта аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Хизматлар соҳасининг ривожланиш даражаси жамият фаровонлигини акс эттирувчи кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Ресурслар сарфини тежовчи самарали инновацион иқтисодиётни барпо этиш жараёнида хизматлар соҳаси алоҳида ўрин тутadi. Чунки у товар ишлаб чиқариш билан таққослаганда, материал сарфининг камлигига, харажатларнинг тез қопланиши ва юқори даромадлилика эгадир. Ялпи ички маҳсулот таркибида хизматлар соҳаси муҳим ва салмоқли ўрин тутadi. Республикада хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ислоҳ қилиш бўйича чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши натижасида мазкур тармоқ қисқа муддат ичида иқтисодиётнинг энг жадал ривожланаётган секторига айланди. Хизматлар соҳасининг ЯИМдаги улуши 2000 йилдаги 42,5 фоиздан 2017 йилда 47,3 фоизгача ошди. 2017 йилда ЯИМда алоҳида иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар улуши бошқа турдаги хизматлар - 26%; таълим ва сақлаш, ахборотлаштириш ва алоқа - 11,2 %; савдо, яшаш ва овқатланиш хизматлари - 10,1 % эгаллайди.



1.2.1-расм. ЯИМда хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши, фоизда³³.

³³Чулбро вакил уз. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари



1.2.1-чизма. 2017 йилда ЯИМда алоҳида иқтисодий фаоллият турлари бўйича хизматлар улуши³⁴.

Модернизация йўли билан ишлаб чиқариш комплекс ва юқори самарадорлик билан янгиланади. Бунда нафақат маҳсулотларни ишлаб чиқариш, балки ишлаб чиқариш техника-технологиясини, меҳнат ва бошқарувини ташкиллаштиришни, умуман барча иқтисодий муносабатларни ўзгартириш лозим бўлади. Юқорида келтирганимиздек, модернизация объекти сифатида умумий овқатланиш корхонасининг техник ва технологик даражасини ошириш иқтисодий, ташкилий, ижтимоий ва бошқарув аспектларини ўз ичига олиш вазифаси қўйилади. Чунки корхона асосий фондларининг янгиланиши унинг келгуси ишларида турли хилдаги техника носозлигини, технологияни, жиҳозлар ва машиналарнинг эскиришини олдини олиб, замонавийлигини таъминлайди. Шу билан бирга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш ҳам алоҳида урин эгаллайди.

Миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг энергия, материал ва капитал сифимдорлигининг юқорилиги, замонавий технологияни ўзида мужассамлантирмаганлиги маҳсулотларнинг рақобатбардошлигига салбий таъсир кўрсатади. Иқтисодий ислохотларнинг биргина бозор институтлари самарали иқтисодий ривожланишни таъминлаб бера олмаслиги маълум бўлди ва иқтисодий айланмага “модернизация”, “таркибий ўзгаришлар”, “миллий рақобатбардошлик” тушунчалари киритилди. Бунда модернизация кўпгина

³⁴ <https://stat.uz> Ушбу маълумот Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

мамлакатларда миллий дастур сифатида қабул қилина бошланди. Иқтисодий адабиётларда модернизациялаш категорияси а т'рлича иқтисодий қарашлар берилган.

В.Гельман иқтисодиётни модернизациялаш деганда, дастлаб, иқтисодий ўсиш, турмуш даражасини ошириш ва инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуаси³⁵ тушунилади.

Шундай келиб чиққан ҳолда, умумий овқатланиш корхоналарини фақатгина қабул қилинаётган чора-тадбирлар мажмуасининг узи билангина модернизациялаш рўй бермайди, уларни туғридан-туғри қайси соҳасига киритишни алаалга ошириш лозимлиги муҳимдир.

Е.Ясин фикрига кура, иқтисодий модернизация "...барқарор ривожланиш ва ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллашни таъминлаш учун давлат ва ундаги етакчи тармоқларнинг жаҳондаги рақобатбардоплигига эришишдир"³⁶. Ушбу таъриф модернизациянинг моҳиятини туларок очиб беради. Модернизациялаш оркали барқарор ривожланишга эришилади ва реал тармоқларда, жумладан, умумий овқатланиш корхоналарида иқтисодий ўсиш суръатлари юқорироқ бўлади.

Сервис корхоналарини модернизациялаш ва уларда хизмат курсатиш самарадорлигини ошириш мақсаднда илмий ҳамда амалий тадқиқот объекти сифатида фаолияти асосан хизмат курсатишга йуналтирилган Самарқанд вилояти умумий овқатланиш корхоналари олинди. Илмий тадқиқотларда таъкидлаганидек, умумий овқатланиш корхоналарида асосан уч функция бажарилади: тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш, уни тарқатиш (тақсимлаш, муомалага чиқариш) ва истеъмолини ташкил этиш. Ушбу функцияларнинг охирги иккитаси: тарқатиш ва истеъмолини ташкил этиш хизмат фаолиятига киради. Умумий овқатланиш корхоналари, шу билан биргаликда, инсонларнинг турли хилдаги ва рационал овқатга бўлган эҳтиёжини қондириш вазифасини ҳам бажарадики, бундай хизматларни бажаришда корхоналарнинг техникавий таъминланганлиги

³⁵ Гельман В. Авторитарная модернизация: каковы ее перспективы в России (Электронный ресурс) в Гельман 2008. <http://www.eu.srb.ru>

³⁶ Ясин Е.Г. Модернизация и общество. Докл. К VII Междунар. науч. конф. Модернизация экономики и общественного развития /Е.Г. Ясин, М. Г. ВШЭ, 2007, стр. 6

алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Сервис амалиётида икки томоннинг узаро муносабатда бўлиши талаб этилади. Бир томондан, турли ҳилдаги малакали меҳнат, бизнес ва бошқарувнинг талабини бажариб, хизмат кўрсатиш, хизмат маҳсулотини ишлаб чиқарувчи ихтисослашган тузилмаси туради. Иккинчи томондан, ўзларининг эҳтиёжларини ва муҳтожликларини қондиришдан келиб чиққан истеъмолчилар талаби туради. Бунда, хизмат кўрсатувчилар ёки хизмат маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар истеъмолчиларнинг иқтисодий бўлмаган, ўзларининг кизиқишлари, ҳиссиётлари ва кадриятлари, хоҳишларидан келиб чиқиб аниқ талаблари билан юзма-юз туради.

Умумий овқатланиш корхоналарининг самарадорлигини ошириш ундаги ишлаб чиқаришнинг янги инновацион югуллар асосида жадаллаштириш ва иқтисодиёт таркибини такомиллаштиришга боғлиқ бўлади. Бундай вазифаларни бажаришда унинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мавжуд асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ўта муҳим ҳисобланади. Корхона иқтисодиётининг ривожланиши унинг модернизациялаш ҳолатига боғлиқлигини юқорида кўриб чиқдик. Россия илмий изланиш институти томонидан корхоналарни модернизациялаш учун унинг инновацион фаолиятига қаршилик кўрсатувчи ва уларнинг ривожланишига ёрдам берувчи омиллар аниқланган. Унга қўра: инновацион фаолиятга тўсқинлик этувчи омиллар ва инновацион фаолиятни ривожлантирувчи омиллар ажратилган. Ушбу омилларни такомиллаштирган шаклда 1.2.1-жадвалда келтирамиз.

1.2.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибди, ҳақиқатан ҳам, улар таркибда асосий ўринни иқтисодий, ижтимоий-маданий, интеллектуал ва техник-технологик ва бошқалар ўрин эгаллайди. Демак, умумий овқатланиш корхонасида тадбиркорлик фаолияти амалиётида модернизация инновациянинг татбиғида, уларга қандай омиллар тўсқинлик кўрсатиши ва қайси омилларни жадаллаштиришимизни билишимиз учун уларни амалиётда синов мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун биз Самарқанд вилоят умумий овқатланиш корхоналарининг модернизация инновацион ҳолатини ва унга

таъсир этувчи омилларни аниқлашда асосий эътиборни икти-
содий, ишлаб чиқариш (техник-технологик) ва бошқа омил-
ларга қаратдик. Самарканд вилоятида танлаб олинган 191 та
умумий овқатланиш корхоналарининг (ресторан, ошхона, кафе
ва чойхоналар) инновацион ҳолатинг аниқладик.

Инновацион ҳолатни аниқлашда биз сўров усулини қў-
ладик. Барча корхоналарга (респондентларга) корхона (таш-
килот) модернизацияни амалга ошириш учун инновацион фао-
лиятига салбий таъсир этувчи омиллар кўрсатилган сўров ан-
кетаси берилиб сўров ўтказилди (1-илова). Сўров анкетасида
кўрсатилган омилларнинг ҳар бирига респондентлар томонидан
турт хил жавобдан: асосий, аҳамиятли; аҳамиятсиз; жавоб бе-
ришга қийналаман, деган жавоблардан бирини берди. Сўров ан-
кетасида келтирилган инновацион баҳолашнинг бундай сифат
баҳолаш шкаласи универсал характерга эга бўлиб, сўровга қат-
нашган барча катташчилар қийналмай жавоб бериши мумкин.

Корхоналарнинг инновацион фаолият (жараёни)га таъсир этувчи асосий омиллар³⁷

1.2.1- жадвал

Омиллар гурухи	Инновацион фаолиятга тўсқинлик этувчи омиллар	Инновацион фао- лиятни ривожлан- тирувчи омиллар
Иқтисо- дий, техни- кавий	Инновацион лойиҳаларни мо-лиялаштиришда маблағларнинг етишмаслиги, моддий ва илмий техника базанинг етишмаслиги, жорий ишлаб чиқариш бўйича қизқичиларнинг устунлиги, захира қувватларининг камлиги.	Моддий-техник ва молиявий захираларнинг, зарурий хужалик ва илмий-техник инфра- тузилмаларнинг борлиги.

³⁷ Тадқиқот асосида муаллиф томонидан гуноҳган

Сиёсий, ҳуқуқий	Антимонопол, солиқ, амортизация, патент лицензиялаш қонунлари томонидан чекланиш.	Инновацион фаолиятни, кенгайтириш бўйича қонунларнинг чоратадбирлари (айниқса, имтиёзлар), инновациянинг давлат томонидан қўллаб қувватланиши
Ижтимоий, психологик маданий	Ходимлар статусини ўзгартириш, янги иш излашга мажбур бўлиш янги ишни қайта режалаштириш, фаолият турини қайта дастурлаш, ахлоқ меъёrlapи ва шаклланган удумлaрнинг бузилишн, мавҳумликдан қўрқув, омадсизлик учун жазоланишдан қўрқиш каби оқибатларга олиб келувчи ўзгаришларга тўсқинлик қилиш.	Инновацион жараёнларда қатнашувчиларни маънавий рағбатлантириш, улуғвий тан олиш, ўз-ўзини намоёи қилишда имкониятлар билан таъминлаш. Меҳнат жамоасида психологик муҳитни яратиш.
Ташкилий-бошқарувли	Қисқа муддатда ўз-ўзини қоплашга йўналтириш, инновацион фаолият бўйича қатнашчиларнинг кизикишларин билан мослаштиришнинг режалаштиришда талабчанлик.	Ташкилий тузилманинг эгиловчанлиги, бошқаришда демократик услубга ёндашиш, горизонтал ахборот оқимининг устуворлиги, ўз-ўзини режалаштириш, коррективровкаларни ўтказиш, автономия, масъадли ишчи гуруҳларни шакллантириш.

Шу билан бирга, корхона қайси ташкилотга қарашли эканлигидан қатъи назар, бир йилда осон жавоб бериш мумкин. Суров шкаласининг турт даражалиги жавоб берувчининг максимум – юкори даражаларни, минимум – пастки даражани камраб олади.

Суровга жами 17 омилни уч гуруҳга: иқтисодии (6 та омил), ишлаб чи-қариш (6 та омил) ва бошқа турдаги (5 та омил)лар киритилди. Самарқанд вилоят умумий овқатланиш корхоналари инновацион фаолиятига тусқинлик этувчи омиллар 2017 йили ҳолати буйича утказилган суров натижалари 1.2.2-жадвалда келтирилган.

**Самарқанд вилоятидаги умумий овқатланиш
корхонасининг инновацион фаолиятига тусқинлик
қилувчи омиллар (2017 йил буйича)³⁵**

1.2.2-жадвал

Омиллар	Инновацион фаолиятга тусқинлик этувчи омилларни баҳолаш даражаси			
	Асосий	Аҳамиятли	Аҳамиятсиз	Жавоб беришга қийналаган
Иқтисодий омиллар				
Уз маблағининг етишмаслиги	10 6	34	18	33
Давлат томонидан моллиявий ёрдам- нинг етишмаслиги	50	38	22	81
Янги маҳсулотларга тулов истеъмоли- нинг камлиги	23	23	24	121
Янги техника киритиш юкори қиймат- лиги	82	36	31	42
Иқтисодий хавф-хатар юкори	67	40	44	40

³⁵ Таъдиқот асосини муаллиф томонидан тузилган

1.2.2-жадвалнинг давоми

Янгиликнинг узоқ муддатга коплани- ши	40	28	20	103
Ишлаб чиқариш (техник-технологик) омиллари				
Ташкилотнинг янги инновацион фао- лияти	40	60	70	21
Малакали кадрларнинг етишмаслиги	66	40	40	45
Янги технологиялар буйича ахборот- нинг камлиги	98	25	28	40
Соғиш бозори ҳақидаги информация- нинг камлиги	93	34	29	35
Корхонанинг янгиликни қабул қилиш қийинлиги	69	22	80	20
Илмий ташкилот ва бошқа корхоналар билан алоқанинг камлиги	60	83	20	28
Бошқа омиллари				
Истеъмолчининг инновацион маҳсу- лотга талабининг камлиги	50	60	20	41
Инновацион фаолиятни қўллаб-қув- ватловчи норматив ҳужжатлар ва қо- нунларнинг етишмаслиги	60	70	30	31
Инновацион жараён муддатининг но- аниқлиги	40	60	80	11
Инновацион инфраструктуранинг ри- вожланмаганлиги	40	63	75	13
Технологиялар бозорининг ривожлан- маганлиги	70	50	40	31

1.2.2-жадвалда келтирилган маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, кўпчилик корхоналарда иқтисодий омиллardan “ўз маблағининг инновацион фаолиятга етишмаслиги” кўпроқ тўсқинлик қилувчи омил ҳисобланмоқда. Сўров натижаларини таҳлил этишда биз А.Гусев³⁹ тақдим этган инновацион фаолиятга тўсқинлик кўрсатаётган омиллари даражасидан салмоқлилик коэффициентлари билан ранжировкалаш усулини қўлладик.

³⁹Гусев А. Б. Формирование признаков инновационного развития регионов России и разработка рекомендаций по стимулированию инновационной деятельности субъектов РФ: монография / А. Б. Гусев. – М.: 2008, стр. 88

Бунинг учун агар омил “асосий” деб характерланса, унга максимал салмоқлилиқ коэффициентини 1 га тенг деб олинади, “аҳамиятли” деганда 0,6 коэффициент, яъни 0,5 дан катта бўлиб максимал 1 га яқин ҳисобланади. Агар баҳолаш “аҳамиятсиз” дейилса, унга 0,2 коэффициентини тенглаштирилади. Охиргиси “жавоб беришга қийналаман” баҳосига 0 минимал коэффициентини берилади.

Ҳар бир омилни баҳолаш учун омил тўсқинлиқ индекси ҳисобланади. Индексни ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаландик:

$$I = \left[\frac{\sum_{i=1}^n (X_i \times Y_i)}{\sum_{i=1}^n X_i} \right] \times 100\%$$

Бу ерда, I – қаршилиқ индекси; n –инновацион фаолиятга берилган баҳолаш жавобининг сони (бизда $n=4$); i –жавоб вариантнинг тартиб номери; X_i – респондентлар сони (i вариантга жавоб берганлар); Y –салмоқлилиқ коэффициентини (i -вариантга жавоб) ($Y=1,0; 0,6; 0,2, 0$). Шундай қилиб, I – индекси 0 дан 100%гача нормаллаштирилиб, 100% максимал тўсқинлиқ омили ҳисобланади. Сўровда 17 омил катнашганлиги учун биз ўртача қиймагини топамиз. Самарқанд вилоятн умумий овқатланиш корхоналарининг инновацион фаолиятига тўсқинлиқ кўрсатувчи омилларнинг баҳоланишидаги ўртача тўсқинлиқ индекси – I ҳисобланди. (1.2.3-жадвалга қаранг). 2018 йилда бажарилган сўров тадқиқотида купгина корхоналар қайта ташкил этилганлиги натижасида бирлаштирилди, куплари ўз фаолиятини тугатди. Олиб борилган “Самарқанд вилоят умумий овқатланиш корхоналари”нинг инновацион фаолиятига тўсқинлиқ кўрсатувчи омиллар индексини аниқлаш бўйича қилинган илмий тадқиқотимиз қуйидаги хулосаларни берди:

- тўсқинлиқ индексларни ичида максимал даражадагиси «корхонанинг пул маблағининг етишмаслиги» ($I_{ypr}=68,08\%$). Ундан сўнг “янгиликни киритиш юқори қийматлилиги” ($I_{ypr}=59,9\%$) ва “давлат томонидан молиявий ёрдамнинг камлиги” ($I_{ypr}=39,66\%$).

**Самарқанд вилоят умумий овқатланиш корхоналари
инновацион фаолиятига тўсқинлик курсатувчи омиллар
индексини баҳолаш⁴⁰.**

1.2.3- жадвал

№	Омиллар	2017 йил	2018 йил	I-уртача
1	Иқтисодий омиллар			
1.1	Ўз маблағининг етишмаслиги	68,06	68,10	68,08
1.2	Давлағ томонидан молиявий ер- дамнинг етишмаслиги	40,41	38,91	39,66
1.3	Янги маҳсулотларга тулов истеъ- молининг камлиги	21,78	31,17	26,47
1.4	Янги техника киритиш юқори қийматлилиги	57,06	62,88	59,97
1.5	Юқори иқтисодий хавф-хатар	52,25	57,47	54,86
1.6	Янгиликнинг узок муддатга қоп- ланиши	31,83	29,54	30,68
2	Ишлаб чиқариш (технологик) омиллар			
2.1	Ташкилотнинг паст инновацион фаолияти	47,30	43,24	45,27
2.2	Малакали кадрларнинг етишмас- лиги	51,37	55,85	53,61
2.3	Янги техника-технологиялар бу- йича ахборотнинг камлиги	62,09	72,61	67,35
2.4	Сотиш бозори ҳақидаги инфор- мациянинг камлиги	62,40	73,15	67,77
2.5	Корхонанинг янгиликни қабул қилиш қийинлиги	51,41	56,03	53,72
2.6	Илмий ташкилот ва бошқа кор- хоналар билан алоқанинг камли- ги	59,58	52,07	55,82
3	Бошқа омиллар:			
3.1	Истеъмолчининг инновацион маҳ- сулотга талабининг камлиги	53,40	55,13	54,26

⁴⁰ Таҳлилни асосида муаллиф томонидан тузилган

1.2.3-жадвалнинг давоми

3.2	Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватловчи норматив ҳужжатлар ва қонунларнинг етишмаслиги	56,54	57,65	57,09
3.3	Инновацион жараён муддатининг ноаниқлиги	48,16	38,55	43,35
3.4	Инновацион инфраструктуранинг ривожланмаганлиги	48,58	40,36	44,47
3.5	Технологиялар бозорининг ривожланмаганлиги	56,54	53,15	54,84

Утказилган сўровномада кўрсатилганидек, маблағ ресурсининг етишмаслиги корхонанинг қўшимча инвестицияларга муҳтожлигини ва ушбу ҳисоб натижалари тасдиқлайди.

Ҳудди шундай, уртача гуруҳ омиллар индекслари ҳисоби 1.2.4-жадвалда келтирилган.

2017-2018 йилларда инновацион фаолиятга тўсқинлик қилувчи гуруҳлар омили⁴¹

1.2.4-жадвал

Омиллар гуруҳи	2017 йил	2018 йил	I- уртачаси
Иқтисодий	45,23	48,01	46,62
Ишлаб чиқариш (техник технологик)	55,69	58,82	57,25
бошқалар	52,64	48,96	50,8
Жами индекслар	51,18	51,93	51,55
барча жавоблар, бирлик	191	111	151

– тўсқинлик индексининг минимал қиймати ($I_{урт}=53,72\%$). Бу ишлаб чиқариш (технологик) гуруҳидаги «корхонанинг янгиликларини қабул қилиш қийинлиги ҳисобланар экан. Демак,

⁴¹ Таъриқот асосидан муаллиф томонидан тузилган.

бундан шуни айтиш мумкинки, корхоналарнинг қарийб 46 % инновацион янгиликка тайёр экан деб ҳисоблаш мумкин;

– тусқинлик индексининг 1,2 ва 3,2 омилларидан шуни куриш мумкинки, 2017-2018 йиллар давомида кузга қуринарли даражада давлат томонидан молиявий ёрдам берилмаганлиги, берилгани ҳам етарли даражада эмас. Худди шунингдек, инновациянинг ҳуқуқий бошқарув фаолияти ҳам қонунлар билан ҳам таъминланмаганлиги етарли даражада эмас;

– ҳўжалик субъектларининг янги техника ва технологиялар ҳамда бозорлар (2,3 ва 2.4 омиллар) тўғрисида кам ахборотга эгалиги, корхоналарда: замонавий телекоммуникацияларнинг талаб даражасида эмаслиги, тадбиркорлик ҳатариининг юқорилиги (1,5 омиллар), товламачиликнинг юқорилигини курсади;

– корхоналарнинг инновацион салоҳиятининг пастлиги ($I_{урт}=45,27\%$ 2,1 омил) ва малакали ходимларнинг етишмаслиги ($I_{урт}=53,61\%$ 2,2 омил);

– тусқинлик индексининг 1,3; 1,4; 1,6 омиллари бўйича ҳўжалик субъектларининг тасаввурида ҳали ҳам инновацион фаолият катта таваккалчилик қимматли зарар келтирувчи бўлиб қуриняпти;

Агар биз эксперт сўров ўтказылганлиги бўйича ҳулоса қиладиган бўлсак, унда қунидагиларни белгилаш мумкин:

– корхоналар инновацион фаолияти тўғрисида эксперт сўров давлат статистика бошқармаси тизими томонидан мунтазам равишда олинб бориш керак;

– сўров анкетасидаги саволларнинг қўплиги, унинг ишончлилиги ва самарасини пасайтиради;

– мутахассисларнинг сўров анкетаси саволларига жавоб беришда сўров маданиятининг пастлиги, эътиборсизлик билан қараш ва бу соҳадаги билимнинг етишмаслиги сезилади;

– сўровда омиллар сонини кескин камайтириб, бир заътнинг ўзида ҳам қарши омиллар, ҳам корхонада олиб бориладган (ёки олинб бориладган) инновация бўйича омилларини ҳам келтириш ва сўровга асосан мутахассисларни жалб этиш лозим бўлади.

Самарканд вилоят умумий овқатланиш корхоналари инновацион фаолияти ҳолатининг изланишида биз корхона инно-


вадия фаолиятига тусқинлик курсатувчи омиллар буйича умумий овқатланиш корхоналари юзасидан суров утказилиб, тусқинлик индексини ҳисобладик. Жумладан, «Оби Раҳмат» МЧЖ «Юлдуз» ресторани буйича ҳам утказилди. Лекин утказилган суров натижаларини ва утказиш жараёнида таҳлилдан намоён бўлган камчиликларни эътиборга олган ҳолда, биз 2018 йилда «Оби Раҳмат» МЧЖ «Юлдуз» ресторани буйича қайта суров утказдик. Суров утказиш учун махсус 10 кишидан иборат суров комиссияси ташқил этилди. Суров анкетасига бир вақтда инновацион қаршилик омиллари билан инновацияни ривожлантирувчи омиллар ҳам келтирилди. Инновацион тусқинлик курсатувчи омиллари 17 дан 6 тагача камайгирилди ва яна 6 та ривожлантирувчи омиллар берилди. Бунда, иқтисодий таъсир этувчи омилларга:

- уз маблағининг етишмаслиги, юқори иқтисодий хавфхатар;
 - сотув бозорлари ҳақидаги ахборотнинг етишмаслиги;
 - техник-технологик омилларга: янги техника технологиялар ҳақидаги ахборотнинг етишмаслиги, янги товарга талабнинг ва малакали кадрларнинг етишмаслиги инобатга олинди.
- Худди шунингдек, олинган натижалар буйича инновацион ривожланиш курсаткичларининг сифат таҳлили утказилди ва иқтисодий ривожлантирувчи омилларга:

- Ўзбекистонда янги сотиш бозорларини яратиш;
- стандарт буйича таъминланганлик ҳолати;
- техник-технологик омиллар: меҳнат шароитини яхшилаш, маҳсулот сифатини яхшилаш, маҳсулот ассортиментини кенгайтириш;
- интеллектуал маданий омиллардан: малакали кадрларни кўпайтириш киргилди.


Бунда икки гуруҳ инновацияга тусқинлик курсатувчи ва корхона инновацион фаолиятининг ривожланиш омилларини баҳолаш амалга оширилди. Баҳолашда биз интеграллашган 4 баллик рейтинг баҳолаш усулини: 3-курсаткичнинг энг юқори даражаси, 2-уртача; 1-аҳамиятсиз, 0-таъсир даражасининг йук-

лигини қўлладик. Бундай усулни қўллаш кўрсаткичларнинг нисбий таҳлилида аниқ маълумотларни олишга ёрдам беради.



1.2.2-расм. Корхонанинг модернизация инновацион фаолиятига тусқиник кўрсатувчи омилар рейтинг⁴².

Худди шундай, корхонанинг 2017-2018 йилдаги инновацион фаолиятининг ривожланишига таъсир этувчи омилар таъсири рейтинг⁴³ ўтказилиб, натижалари 1.2.3 - расмда келтирилган.



1.2.3-расм. Корхона инновацион фаолиятининг ривожланишига таъсир этувчи омилар рейтинг⁴³.

Корхона инновацион фаолиятига қаршилик кўрсатувчи омилар рейтинг балли баҳолаш натижаси 1.2.3 - расмда келтирилган. Баҳоланган омилар ичида корхона янги техникалар ҳақидаги ахборотларнинг етишмаслиги (рейтинг 2,9) ва янги

⁴² Таълиқот асосида муаллиф томонидан тузилган.

⁴³ Таълиқот асосида муаллиф томонидан тузилган.

махсулотга булган талабнинг пастлиги (рейтинг 1,5) нисбатан баҳоланди. Олиб борилган инновацион ҳолат тадқиқоти, инновацион фаолиятининг ривожланишига тўсқинлик кўрсатувчи ва унга таъсир этувчи омиллар рейтинги шуни кўрсатдики, корхоналарнинг модернизациясида унинг техник-иктисодий даражаси, яъни ланчалик техника-технологиясининг самарали, янги эканлиги алоҳида ўрин эгаллайди.

1.3. Хизмат кўрсатиш корхоналарини модернизациялаш жараёнлари тадқиқи

Самарқанд вилоятида умумий овқатланиш корхоналарини модерни-зация инновация ҳолати ўрганилганда, шу маълум бўлдики, тадқиқотни чуқурлаштириш мақсадида ундаги аниқ корхоналар буйича илмий тадқиқотларни олиб боришни тақозо этади. Бунда корхоналардаги асосий фондлардан фойдаланиш, улардаги меҳнат унумдорлигининг динамик ҳолати ва корхоналар ривожланишининг истикболлари тадқиқотлари муҳим ҳисобланади. Шунинг учун биз, ушбу тадқиқотларни Самарқанд вилояти умумий овқатланиш корхоналаридан “Юлдуз” ресторани мисолида олиб бордик. “Юлдуз” ресторанининг асосий фондларидан фойдаланиш самарадорлигининг таҳлили тадқиқоти олиб борилди ва олинган натижалар 1.3.1-жадвалда келтирилди. Ушбу жадвал маълумотларининг таҳли-лидан умумий овқатланиш корхонасининг асосий фондлари-дан фойдаланиш самарадорлиги, яъни фонд билан қуроллан-ганлиги ва фонд таъминотининг пасайиб кетганлигини кўри-шимиз мумкин. Маълумки, моддий - техника базаси ўз ичига барча асосий фондларни ва бир қием айланма фондларни ўз ичига олади. Корхона асосий фондлари унинг моддий-техника базасининг бир қисми бўлиб, уларнинг мунтазам равишда эс-кириши билан ўз қийматининг бир қисмини тайер маҳсулотга ўтказди.

**“Юлдуз” ресторанининг асосий фондларидан
фойдаланиш самарадорлигининг таҳлили
(минг сум)**

1.3.1-жадвал

№	Курсаткичлар	2017 й	2018 й	Фарқи	2017 й 1008 и, %
1	Ялпи товар айланиши	12142	44542	+32400	366,8
2	Чакана товар айланиши	10582	44212	+33630	417,8
3	Ўз ишлаб чиқарган маҳсулоти буйича айланиши	1023	3214	+2191	314,1
4	Фойда	1010	930	+80	92,7
5	Асосий фондларнинг уртача қиймати	31245	45678	+1443	146,2
5.1	Фаол қисми	3360	4242	+146,1	126,2
6	Урин миқдори	200	250	+50	12,5
7	Уртача рўйхат, киши	46	98	+52	213,0
7.1	Савдо ишлаб чиқариш персоналлари	28	62	+34	221,4
8	Асосий фондларнинг фонд қайтими	0,38	0,97	+0,59	255,2
9	Асосий фондларнинг фаол қисмининг фонд қайтими	0,30	0,75	+0,45	250
10	Асосий фондларнинг фонд сўғими	2,57	1,02	-1,55	39,6
11	Асосий фондларнинг фаол қисмининг салмоқлиги	3,28	1,32	-1,96	40,2
12	Асосий фондларнинг фаол қисмининг салмоқлиги	0,10	0,09	-0,01	90

1.3.1-жадвалнинг давоми

13	Асосий фондларнинг фойдаланиш самара- дорлиги коэффициенти	0,003	0,020	+0,017	666,6
14	Бир уриндан олинган фойда	0,50	3,72	+3,22	744
15	Бир уринда чакана товар айланмаси	52,91	176,8	+123,8	334,1
16	Бир уринда ишлаб чиқариш маҳсулотн буйича айланмаси	5,11	12,85	+7,74	251,4
17	Уринлар сони ҳисобда: бир ишчи учун	4,34	2,55	-1,79	58,7
	Бир савдо ишлаб чиқариш учун	7,14	4,03	-3,11	56,4
18	Асосий фондлар самарадорлигининг интеграл курсаткичи	0,001	0,02	+0,02	2000
19	Фонд қуроллаиғанлиги	679,2	466,1	-213,1	68,62
20	Фонд таъминоти	120	68,42	-51,58	57,01

Шунинг учун уларга бир хил ҳисоб меъёрлари берилади. Шундай қилиб, корхона асосий фонди ишлаб чиқаришнинг асоси бўлиб, ишлаб чиқариш меҳнат воситалари, кулинар маҳсулотлар реализацияси ва истеъмолини ташкил этиш комплексини яратади.

Умумий овқатланиш корхоналарининг асосий фондиди, унинг биноси, иншоолари, машина ва жиҳозлари, транспорт воситалари, инструментлари, ишлаб чиқариш инвентари ва бошқа меҳнат воситаларидан таркиб топади.

Корхона ўзининг махсус хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда унинг асосий фондиниң бир қисми (машиналари, жиҳозлари ва асбоблари), ундаги ишлаб чиқаришдаги овқатлар, ярим тайёр маҳсулотлари, хомашё ва бошқаларнинг қайта ишлови учун қўлланилса, қолганлари унинг реализацияси ва истеъмолини ташкил этиш учун фойдаланилади.

Агар биринчисида, янги истеъмол қиймати ва қийматлар яратилса, иккинчисида асосий фондлар истеъмол этиш шароитини яратишга ҳам сабабчи бўлади. Умумий овқатланиш корхоналарининг узига хос хусусияти унинг асосий фондларнинг қўлланилиши билан чегараланмайди. Уларнинг айримлари ишлаб чиқариш жараёнларида ҳам, реализацияда ва истеъмолини ташкил этишда ҳам қўлланилса, айримлари фақат бир функционал жараён операцияларида қатнашади. Масалан, бино ва иншоотлар хомашёнинг келишидан, тайер маҳсулот реализациясигача бўлган барча босқичларда қўлланилади. Лекин совитиш жиҳозлари фақат ишлаб чиқариш ва реализацияда, механик жиҳозлар эса фақат ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилади. В.И.Кузнецов томонидан ўтказилган илмий тадқиқотлар натижаси бўйича⁴⁴ умумий овқатланиш корхоналари асосий фондининг қарийб 55% ишлаб чиқаришни, 35% истеъмолни ва 10% маҳсулот реализациясини ташкил этишини таъминлаши аниқланган. Худди шундай ҳисоб “Юлдуз” ресторани бўйича олиб борилганда ҳам ишлаб чиқариш 59%, истеъмолга 32% ва 9% реализацияда фойдаланилганлиги маълум бўлди.

1.3.2-1.3.3-жадвалларда “Юлдуз” ресторани асосий фонди гуруҳининг таркибий қисми ҳақида маълумотлар келтирилган.

“Юлдуз” ресторани асосий фонди гуруҳининг таркибий қисми. 2017 йил боши⁴⁵

1.3.2-жадвал

№	Жиҳоз номи	тавсифи				
		Маркаси	Унумдор- лик, км/с	Эл. қуввати	Массаи ки	Эътибор қилинган юзати м ²
Механик жиҳозлар						
I	Мясорубка	МС2-70	70	0,6	6,5	0,019
	(гушт қиймалагич)	МИМ-88	180	1,1	75	0,109

⁴⁴ Кузнецов В.И. Основы фондов общественного питания и их воспроизводства – М., МИНХ 1975, стр 6

⁴⁵ Таъқиқот асосида муаллиф томонидан тузилган.

1.3.2-жадвалнинг давоми

2	Идиш ювиш маши- наси	МИ9-1000	1000	40	1000	4,1
		ММУ-500	500	26	350	1,36
3	Хамиркоргич	ТММ-1М	140л	2,2	350	1,08
4.	Купиртирувчи машина	МВ-60	60л	2,2	400	0,72

Иссиқлик жиҳози

1	Қайнатиб пишириш қозони	КПЭСМ-60	60	10,5	103	0,75
2	Газплитаси	ПЭСМ-1Н	0,48	14	180	0,65
3	Қовуриш шкафи	ЭП-4ЖШ	0,48	9,6	260	0,66
4	Электротова	СЭ-0,45	0,5	12	275	0,41
5	Электро-фритюрница	ФЭСМ-20	20	7,5	9,0	0,36
6	Электро-фритюрница	ФНЭ-5	8	4	25	0,11

Совитиш жиҳозлари

1	2 камерали совитгич	ШХ 1,12	1,2м ³	0,43	275	1,33
2	«Пингвин» совутгич прилавкasi	ПВХС 1 0,5	0,5м ³	0,36	400	2,42
3	Совутгич шкафи	ШХ 1,25	1,25/250	0,7	450	1,3
4	Музгенера- тор	ЛГ 10М	3кг/с	1,1	295	5,1
5	Музлатгич		1,5кг/с	0,3	115	0,3

Салқинловчи жиҳозлар

4	Кондицио- нер	ВЕКО OSI	2,5/0,4	1,2/1,5	10,4/34	0,1
---	------------------	----------	---------	---------	---------	-----

**“Юлдуз” ресторани асосий фонди гуруҳи таркибий қисми
2018 йил боши**

1.3.3-жадвал

№	Жихоз номи	тавсифи				
		Маркаси	Унумор- лаги кг/соат	Эл.хув- вати кВт	Массаи кг	Э-аллаган юзаси м ²
Механик жихозлар						
1	Мясорубка (Тўшт киймалагич)	НФУ	90	1,1	12	0,1
		МИМ 82	250	1,1	55	0,17
2	Идиш ювиш маши- наси	МУ 500А	500	12	250	1,5
3	Хамирқорғич	ТММ 1М	160	2,6	250	0,89
4.	Купиртирувчи машина		80	2,2	300	0,86

Иссиқлик жихози

1	Қайнатиб пишириш қозони	КТЭ 60	60	9,33	210	0,6
		КТЭСМ 60	60	10,5	103	0,88
2	Газплитаси	ПЭСМ 1Н	0,24	3,6	110	0,35
		ПЭСМ 4	0,48м ²	14	210	0,71
3	Қовуриш шкафи	ЖШ ЭП 4	0,48	14	200	0,32
		ЭШ 3М	0,38	9	310	0,95
4	Электротова	СЭ 0,45	0,45	11,2	220	0,1
		СЭСМ 0,5	0,5	12	275	1,23
5	Электрофрипорница	ФЭСМ 20	20	7,5	90	0,36
		ФНЭ 5	8	4	25	0,11

Совитиш жихозлари

1	2 камерали совитгич	ПХ 1,056	1,056м ³	0,47	330	1,7
2	«Бирюза» совутгич прилавкаси	Бирюза	0,4	0,45	120	0,5
3	Совутгич витринаси	ПВХ 1 0,30	0,54м ³	0,375	275	1,7

4	Совутгич шкафи	ШХ 0,4	0,4/80	0,45	180	0,5
---	----------------	--------	--------	------	-----	-----

Салқинловчи жихозлар

1	Кондиционер	AQ 24	3,5/3,9	1,28/1,8	10,4/34	0,2
2	Кондиционер	Ferette	5,0/0,55	1,8/1,7	14/42	0,8
3	Кондиционер	Ferette	5,0/0,55	1,8/1,7	14/42	0,8

Умумий овқатланиш корхонасининг асосий фондларини “Юлдуз” ресторани мисолида таҳлил қилар эканмиз, уларнинг ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулот реализациясида ва маҳсулотлар истеъмолини ташкил этишдаги функцияларига қараб актив ҳамда пассивга бўлинишини куришимиз мумкин.

Умумий овқатланиш корхонасининг актив асосий фондларни таркибига: жихозлар, машиналар, аппаратлар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш инвентари ва инструментлари, ҳисоблаш машиналари ва меҳнат воситалари қиради, улар корхонанинг техникавий қуролланганлигини ташкил этади. Бу фондлар ўзларининг хусусияти билан корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ва ундаги меҳнат унумдорлигининг ўсишига туғридан-туғри таъсир этади.

Корхонанинг пассив асосий фонди таркибига унинг биноси, иршооти ва шу қабилар қирадики, улар маҳсулот ишлаб чиқаришда туғридан-туғри таъсир этмасаларда, лекин унинг ишлаб чиқаришда қулқар маҳсулотининг реализациясида ва маҳсулотлар истеъмолини ташкил этишда қатнашади.

“Оби-Раҳмат” МЧЖга қара-шли “Юлдуз” ресторанининг асосий фондлар рўйхаги 2018 йил ҳолатида, яъни 2017-2018 йилларда ўтказилган модернизациялашдан кейинги ҳолатида “Оби-Раҳмат” МЧЖ асосий фондларининг умумий баланс қиймати 1,022 миллиард сўм бўлса, шундан “Юлдуз” ресторани 891107257 сўмни ташкил этди.

Ушбу ҳолатни ўзгартириш учун корхонага модернизациялаш лозим бўлади. Модернизациялаш биринчи навбатда корхонанинг инновацион фаолиятига боғлиқ ҳисобланади. Чунки унинг натижасида олинadиган ишлаб чиқариш маҳсулоти (хизмат), унинг ривожланганлик даражасини белгилайди.

Маълумки, “инновация” (ингл. innovation янгилик кири-тиш, новатор-лик) деганда модернизациянинг бош омили янги жараён, маҳсулот ёки хизматнинг “янгилигига берилган инвестиция” натижасида амалиётга татбиғини тушунамиз. Шунинг учун модернизациялашдагидек инновацион жараённинг (фао-лияти) ривожланишига ижтимоий-маданий, иқтисодий, интел-лектуал ва техник-технологик ҳамда бошқа омиллар таъсир этади.

“Юлдуз” ресторанининг меҳнат унумдорлигининг динами-мик ҳолати ва корхоналар ривожланишининг истикболларини аниқлаш тадқиқоти учун биз иқтисодий илмий изланишлари-да кенг тарқалган дисперсион ва регрессион таҳлилни олиб бордик. Маълумки, регрессион таҳлил деганда иқтисодий жа-раёнларнинг бир-бирига боғлиқлик қонуниятининг изланиши тушунилади. Кўп ҳолда ўзгарувчан “ x ” ва “ y ” кўрсаткичлар орасида боғлиқлик бўлса-да, ҳамма вақт ҳам улар бир маром-да бўлмаслиги, битта “ x ” кўрсаткичининг натижасига “ y ” на-тижаларига тўғри келиши мумкин. Бундай ҳолларда боғлиқ-лик регрессион боғлиқлик деб юритилади. Шундай қилиб, $y=f(x)$ функцияси, агар аргументга “ y ” статистик катори кел-са, регрессионли деб юритишимиз мумкин. Агар кўрсаткичлар боғлиқлигини аниқлаш регрессион таҳлил деб юритсак, унда кўрсаткичлар бир-бирига яқинлиги корреляция ёки нуқталар майдони деб юритилади.

Регрессион таҳлилининг асосий мақсади, бир-бирига боғ-лиқлиги бор кўрсаткичларнинг боғлиқлик регрессион тенгла-масини ишлаб чиқишдан бу факторлар натижаларининг бир-бирига яқинлиги (корреляцияси), ишончлилиги ва мослиги (адекватлиги) ҳам аниқланади.

Бир факторли – жуфт боғлиқликда тўғри чизик, парабола, гипербола, логарифмик, даражали ва кўргазмалли функцияли, полиномол ва бошқа турларни бўлиши мумкин. Агар икки ва кўп факторли бўлса, унда текислик, параболоид, гиперболонд кўринишда аппроксимация қилиш мумкин.

Ўзгарувчан факторли боғлиқликни қуйидаги тенглама билан ифода этиш мумкин:

$$y = b_0 + \sum_i b_i x_i + \sum_j b_{ij} x_i \cdot \sum_l b_{il} x_l^2.$$

Бунда y – мақсадли функция; x_i – эркин факторлар, b_i – регрессия коэффициентга, қайсиким x_i -у га бўлган боғлиқлигини ифода этади. b_{ij} – факторларнинг иккиламчи x_i ва x_j таъсирларни ифода этади.

Регрессион боғлиқликни ифодалашда минимал квадрат шarti бажарилса оптимал бўлади, яъни:

$$\sum (y - \hat{y})^2 = \min$$

бу ерда, y_i – ҳақиқий натижа майдони;

$\hat{y}$ – ўртача қиймат.

Корреляция майдони эса туғри чизиқли тенглама ифода-сида:

$$y = a + bx$$

бўлиши мумкин.

Бундаги a ва b қуйидагича ҳисобланади:

$$b = \frac{(n \sum xy - \sum x \sum y)}{n \sum x^2 - (\sum x)^2}$$

$$a = y - b = \frac{\sum y}{n} - b \frac{\sum x}{n}$$

“ x ” ва “ y ” ўзгарувчанларнинг бир-бирига қанчалик яқин боғлиқлигини коэффициент корреляцияси кўрсатади ва қуйи-дагича топилади:

$$r = \frac{n \sum x_i y_i - \sum x_i \sum y_i}{\sqrt{n \sum x_i^2 - (\sum x_i)^2} \sqrt{n \sum y_i^2 - (\sum y_i)^2}}$$

Бу ерда, n – аниқлашлар (ўлчамлар) сони корреляция му-носабати ёки коэффициент қиймати 0 дан 1 гача ўзгаради. Агар $r=0$ бўлса, унда ўрганилаётган омиллар (кўрсаткичлар) орасида боғлиқлик яқинлигини билдиради, $r=1$ бўлса, унда боғлиқлик функционал ҳисобланади. Амалиётда бундай абсол-ют 0 ёки 1 бўлиши кам ҳолларда кузатилган. Масалан, ишлаб чиқаришдаги ва муомала сарф-харажат 0 абсолют даражаси, товар айланмаси билан ҳеч вақт 0 ёки 1 бўлиши мумкин эмас.

Фақат 1 ёки 0 га интилиш, лекин ҳеч қачон унга эришишнинг мулкини эмас. Қанчалик 1 га яқинлашса, шунчалик бир-бирига боғлиқлиги яқин ҳисобланади.

Кўп ҳолда $r > 0,5$ бўлса, боғлиқлик қониқарли $r = 0,9 \dots 0,5$ яхши ҳисобланади. Аниқланаётган кўрсаткичларнинг ўртача қийматларининг ўзгариувчан x дан қанчалик ўзгариувчанлигини (ёки ёйилганлигини) детерминация коэффиценти аниқлайди:

$$R_x = r^2$$

Тўғри чизикли боғлиқлик регрессияси қуйидагича ифодаланadi:

$$y = y + r \frac{\sigma_y}{\sigma_x}$$

«Юлдуз» ресторанининг 2014-2018 йиллардаги меҳнат унумдорлигининг регрессион таҳлилининг ҳисоблашда охириги 5 йил кетма-кетликда. $x = 1, 2, 3, 4, 5$ деб қабул қилинган ва юқорида келтирилган усулда барча ҳисоблар 1.3.4-жадвалга киритилган.

«Юлдуз» ресторанининг 2014-2018 йиллардаги меҳнат унумдорлигининг регрессион таҳлил ҳисоби

1.3.4-жадвал

Йил- лар	x	y	$x - \bar{x}$	$y - \bar{y}$	$(x - \bar{x})^2$	$(y - \bar{y})^2$	x^2	y^2	xy	$(x - \bar{x})(y - \bar{y})$
2014	1	608,1	-2	-509	4	2590,8	1	3697856	608,1	101,8
2015	2	647,2	-1	-118	1	139,2	4	4188678	1294,4	11,8
2016	3	652,2	0	-6,8	0	46,2	9	425364,8	1956,6	0
2017	4	691,1	1	32,1	1	1030,4	16	477619,2	2764,4	32,1
2018	5	696,4	2	37,4	4	1398,7	25	484973	3482	74,8
	15	3295	0	0	10	5205,3	55	2176610,	10105,	220,5
							4	5		

Бунда ҳисоб йилларга туғри келадиган меҳнат унумдорлиги минг сум ўлчов миқдорида y_i деб қабул қилинган.

Келтирилган усулига асосан, аниқланган йиллар ўртача қиймати $x = \frac{15}{5} = 3$ га ва меҳнат унумдорлиги эса $y = \frac{3295}{5} = 659$ минг сум ташкил этади.

Йиллар кетма-кетлиги давомида меҳнат унумдорлигининг ўзгариши туғри чизикли деб олиниб, унинг регрессион тенгламаси:

$$y = a + bx$$

қурилишида бўлади. Регрессион таҳлил жадвалидан a ва b коэффицентларни топамиз:

$$b = \frac{(5 \cdot 10105,5 - 15 \cdot 3295)}{5 \cdot 55 - 15^2} = \frac{5052 \cdot 7,5 - 49425}{275 \cdot 225} = \frac{1102,5}{50} = 22,05.$$

$$a = \frac{3295}{5} - 22,05 \cdot \frac{15}{3} = 659 - 66,15 = 592,8.$$

Шундай қилиб, корхонада охириги 5 йилда меҳнат унумдорлигининг ўзгариши регрессион тенгламаси:

$$y = 592,8 + 22,05x$$

корреляция коэффицентини аниқласак,

$$r = \frac{(5 \cdot 10105,5 - 15 \cdot 3295) \cdot (50527,5 - 49425)}{\sqrt{(5 \cdot 55 - 15^2) \cdot (5 \cdot 2176610,4 - 3295^2)}} = \frac{1102,5}{2241,8} = 0,5.$$

Демак, аниқланган регрессион тенглама қониқарли даражада меҳнат унумдорлигининг динамикасини ифодалайди ва бу тенгламани келгуси йиллар учун, меҳнат унумдорлигини прогнозлаш учун қўллаш мумкин.

Жадвалда ушбу тенглама ёрдамида 1-7 йиллар меҳнат унумдорлигини ҳисобланган прогнози келтирилган.

Меҳнат унумдорлигини 1-7 йиллар учун ҳисобланган прогноз

1.3.5-жадвал

Йиллар	1	2	3	4	5	6	7
	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018
Y	608,1	647,2	652,2	691,4	696,4	718,3	740,2
y _x	614,8	637	659	682,8	703	725,1	747,1

Олинган натижаларнинг адекватлигини, яъни тенглама ёрдамида ҳисобланиб топишган натижаларнинг статистик ҳисоботлардан олинган натижаларга қанчалик мослигини Фишер критерийси орқали аниқлаймиз.

Бунда статистик маълумотлар учун Фишер критерийси - $R_{\text{ф}}$ тенглама ёрдамида, назарий ҳисобланган Фишер критерийсини - $R_{\text{фн}}$ ҳисоблаймиз ва ишончли эҳтимолли даражасини $\rho_{\text{э}} = 0.95$ деб олсак (Фишер критерийси жадвалидан) унда $R_{\text{фн}} < R_{\text{ф}}$ булса математик модель, яъни тенглама адекватли (мос). Агар $R_{\text{фн}} > R_{\text{ф}}$ булса, унда модель адекват эмас, ҳисоблашга (қуллашга) яроқсиз ҳисобланади.

Меҳнат унумдорлигини аниқлаш тенгламасининг адекватлигини ҳисоблаш

1.3.6-жадвал

№	y_i	$y_{\text{н}}$	$y_i = \sum y_i / n$	$y_{\text{н}} - \bar{y}_i$	$(y_{\text{н}} - y_i)^2$	$\sum \frac{(y_{\text{н}} - y_i)^2}{m}$
1	608,1	614,8	614,8	7,7	59,29	59,29
2	647,2	637	637	-10,2	104,04	104,04
3	652,2	659	659	6,8	46,24	46,24
4	691,4	682,8	682,8	-8,6	73,96	73,96
5	696,4	703	703	6,6	43,56	43,56
					327,09	327,09

Меҳнат унумдорлигининг $R_{\text{ф}}$ статистик маълумотлардан ҳисобланган Фишер критерийси:

$$R_{\text{ф}} = D_{\text{э}} / D_{\text{н}}$$

Бунда, $D_{\text{э}}$ – адекватлик дисперсияси;

D_{yp} -- урта-ча дисперслик.

$$D_o = \frac{\sum (y_k - \bar{y}_1)^2}{n - d}$$

$$D_{xy} = \frac{\sum \sum (y_{ik} - y_i)^2}{m \cdot n}$$

Бунда, $y_k - y_i$ - жадвалдан олинади;

n -- ҳисобга олиш (ўлчаш) сони, $n=5$;

m -- неча марта аниқланган бир йилда, $m=1$

$$D_o = 327,09 / (5 - 1) = 87,77$$

$$D_{xy} = 327,09 / 5 = 65,42$$

$$R_{xy} = 87,77 / 65,72 = 1,34$$

$$q_1 = 5 - 1 = 4$$

$$q_2 = 5 \cdot 1 = 5.$$

Булар учун: жадвалдан олинган Фишер критерийси $R_{\alpha} = 6,3$.

Демак, $1,34 < 6,3$ бўлганлиги учун регрессия тенгламаси адекват ҳисобланади ва тадқиқ этилаётган “Юлдуз” ресторанининг сўнгги йиллар ишидаги меҳнат унумдорлигининг математик модели ҳисобланади.

Шундай қилиб, математик модель, яъни “Юлдуз” ресторанининг сўнгги 5 йилда ишлаганида меҳнат унумдорлигининг динамикаси туғри чизиqli тенглама қонуниятига бўйсунган ҳолда ошиб борган.

Агар биз регрессион ўсишнинг унинг “ y ” ва “ x ” га нисбатан, яъни йиллар давомида меҳнат унумдорлигининг қанчалик ўсиш қонуниятига бўйсуниб, ривожланганлигини янада аниқлаштириш мақсадида детерминация коэффициентини аниқласак:

$$R_s = r^2 = 0,5^2 = 0,25$$

бундан шундай фикр туғилдики, меҳнат унумдорлиги шу йилларда оз миқдорда, яъни 25 % га таъсир кўрсатган, корхонанинг ривожланишида 75 % бошқа муносабатлар таъсири борлигини тушунишимиз мумкин.

Юқоридаги тахлилларимиздан кўриниб турибдики, “Юлдуз” ресторанида меҳнат унумдорлигининг пасайиши, ресторани фаолияти самарадорлигининг камайишига олиб келган. Шунинг учун ҳам, умумий овқатланиш корхонасини модернизациялаш заруриятини келтириб чиқаради.

Самарқанд вилояти умумий овқатланиш корхоналарини модернизациялаш мақсадида олиб борилган инновацион ҳолат тадқиқоти, худди шунингдек, “Юлдуз” ресторани инновацион фаолиятининг ривожланишига тўсқинлик қилувчи ва унга таъсир этувчи омиллар рейтингини унумдорлигининг ривожланиш динамикаси ўсиш даражасида бўлса-да, меҳнат унумдорлиги шу йилларда оз миқдорда, 25 % га таъсир кўрсатгани, яъни корхонанинг ривожланиши меҳнат унумдорлигини замонавий меҳнат шуроллари билан ўстириш ўрнига корхонанинг ривожланишида 75 % бошқа муносабатлардан фойдаланилган, бундан эса унинг замонавийлигини пасайиб борилиши тенденцияси борлигини тушунишимиз мумкин.

Шунинг учун корхоналарни модернизациялашда, энг аввало, маҳсулот сифатини яхшилаш, унинг ассортиментини кенгайтириш, стандартлар талабларини қондириш, меҳнат шароитини яхшилаш ва ходимлар малакасини ошириш керак. Демак, бунинг учун корхона моддий - техника базасини, унинг асоси ҳисобланган техника-технологик базасини вақт-вақти билан замонавий, иқтисодий кўрсаткичлари юқори бўлган техника ва технологиялар билан алмаштириш керак бўлади. Бундай вақтда табиий ҳолатки, корхонанинг қайси техника-технологиясини янгилаш керак деган амалий савол вужудга келади. Бунинг учун корхонадаги мавжуд техника технологиялар асосида унинг “техник-иқтисодий даражаси”ни аниқлаш лозимлигини таъкиф этамиз. Чунки, корхона моддий-техника базасининг асосий қисмини унинг ассортиментини кенгайтирувчи стандарт талабларни қондирувчи, меҳнат шароитини яхшиловчи, юқори малакали ишчиларни талаб қилувчи (ва ҳ.к.) ҳисобланади. Корхона техник-иқтисодий даражаси деганда баҳоланувчи техниканинг базавий кўрсаткичларига нисбатан такомиллаштирилган кўрсаткичларни таққослашга асосан нисбий тавсифи тушунилади. Асосий мақсад техника-

нинг миқдорий такомиллашганлигини, унинг функционал мўлжалланганлигига мослигини аниқлашдир. Шу билан техникани режалаштириш, сифатини яхшилаш ва жаҳон намуналарига мослигини библиш мумкин бўлади. Агар маҳсулотларни таққослашда истеъмол қиймати ва ижтимоий зарур сарфи билан олиб борилса, унда техника-иқтисодий даражаси деб тушунилади. Яъни бир томондан, бир-бирини алмаштириши мумкин булган иш қуролининг истеъмол қийматини миқдор жиҳатдан аниқланиши ва таққослаш бўлса, бошқа томондан, уни яратишдаги ва эксплуатациясида сарфланган ижтимоий меҳнатни аниқлашдир⁴⁶.

Ҳозирги вақтда меъёрий ҳужжатларда (ГОСТ, ОСТ, ГОСТ 15467-79) техникавий даражани аниқлашда маҳсулотнинг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларини бир-бирига таққослаш билан аниқланиши кўрсатилган. Бироқ бу ҳолат тушунчаларнинг назарияда аниқ такомиллашмаганлигидан дарак беради ва бундай ёндашиш кўп ҳолда маҳсулотларни чет эл намуналари билан ҳамма вақт ҳам таққослашга йўл қўймайди. Агар техник даража маҳсулотнинг иқтисодий кўрсаткичларига бефарқ равишда такомиллашганлигини тавсифласа, техник-иқтисодий даража эса иқтисодий кўрсаткичларга боғлиқ ҳолда техникавий такомиллашганлигини билиб, унда маҳсулотларнинг техник даражасини чет эл намуналари билан тулақонли таққослаш мумкин бўлади.

Ҳозирги вақтда, кўп ҳолда корхона жиҳозларини янгилашда (айниқса, хизмат кўрсатиш корхоналарида) эксперт усули, яъни бир гуруҳ мутахассислар фикри буйича қайси жиҳозни қай бирига алмаштириш масаласи мавҳум ҳолда, аниқ ҳисобларсиз ҳал этилади. Бундай ҳолат ҳамма вақт ҳам масалани туғри ечишга олиб келмайди ва натижада корхона рентабеллигига салбий таъсир этиши мумкин.

⁴⁶Ямпольский С.М., Галуза С.Г. Экономические проблемы управления научно-техническим прогрессом - Киев: Наук. думка, 1976, стр. 241-242

1.4. Хизмат кўрсатиш корхоналарини модернизациялашнинг техник-иқтисодий усулини аниқлаш

Хизмат кўрсатувчи корхоналарини модернизациялаш учун техник иқтисодий даражасини аниқлаш усули мавжуд эмас. Шунинг учун биз қуйида бошқа соҳаларда мавжуд усуллар таҳлилини олиб бориб, сўнг уларнинг такомиллаштирилган усулини ишлаб чиқдик.

В.И.Терехин⁴⁷ таъкидлашича, ушбу масала қуввати юқори бўлган саноат корхоналарида моделлашган турли усулларда ҳисобланади. Бунда маҳсулотнинг техник даражаси куп параметрли функция сифатида қаралиб ҳисобланади. Яъни j – маҳсулотнинг техник даражаси X_i ($i=1,n$) кўрсаткичлар билан ифодаланади⁴⁸:

$$K_{\text{тех},j} = \varphi(x'_{1j}; x'_{16j}; a_1)$$

бунда: x'_{16j} – кўрсаткичи базали қиймати;

a_1 – i – кўрсаткич қиймати (самоемпилик).

Агар техник-иқтисодий даража баҳоланса, қўшимча иқтисодий кўрсаткичлар ҳам инобатга олинаши керак бўлади. Унда техник-иқтисодий даража коэффициентини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$K_{\text{тех}} = \psi(x'_{1j}; x'_{16j}; 3_{1j}; 3_{16j}),$$

бунда,

3_{1j} – l соҳадаги харажатлар ($l=1,L$)

Ушбу математик моделдан техник даража ва техник-иқтисодий даража бир-бирига қарши бўлмай, балки бир-бирини тўлдиришини куриш мумкин.

Ушбу моделларнинг ихсаласи ҳам корхонанинг модернизация инновацион янгилигини ҳисоблашда қўлланилиши керак деб ҳисоблаймиз. Агар техникавий даража корхона жиҳозларининг қанчалик такомиллашганлигини кўрсатса, техник-иқтисодий даража корхона рентабеллигига туғридан-туғри боғлиқ бўлишини ифодалайди.

⁴⁷ Терехин В.И., Повышение эффективности производства новой техникой – М., Экономика, 1987, стр. 220.

⁴⁸ Терехин В.И., Повышение эффективности производства новой техникой – М., Экономика, 1987, стр. 220.

Корхона техник ва техник-иқтисодий даражасини ҳисоблашда ҳам турли ҳилдаги фикрлар мавжуд. Техник-иқтисодий даражани ҳисоблашда нисбатан кенг тарқалган қуйидаги фикрларни эътиборга лойиқ деб ҳисоблаймиз:

– техник ва иқтисодий кўрсаткичларни аниқлашда экспертлар ёрдамида ёки бошқа йўл билан уларнинг салмоқлилик коэффициентини аниқлаш зарур⁴⁹;

– ҳисоблашда асосий параметрларни танлаш, масалан, натурал кўрсаткичлар (солиштирма материал сифими, солиштирма энергия сифими) ва қийматли солиштирма баҳоси, солиштирма жорий сарф-харажат). Техник-иқтисодий даража кўрсаткичларнинг умумий кўрсаткичи сифатида иш унумдорлигига ҳисобланган келтирилган сарф-харажати олиш таклифи⁵⁰;

– ГОСТ 15467-70 бўйича техник-иқтисодий даража кўрсаткичлари интеграл ва комплекс сифат кўрсаткичлари билан мос тушади;

– янги машина самарадорлигини соҳа ўртача даражасидан йиллар ўтиши билан орқада қолиши техник-иқтисодий даража деб тушунилади⁵¹;

– техник-иқтисодий даражани аниқлашда маҳсулотнинг истеъмол қиймати ва меҳнат сарфининг мослигини аниқлаш⁵²;

– техникавий даражани аниқлашда жаҳон бўйича энг илғор ишлаб чиқариш жиҳозларига таққослаш.

Худди шунингдек, техник-иқтисодий даражани ҳисоблашда электрон техника ва асбобсозлик саноати корхоналарида ҳисоблаш усулига таклифлар киритилган.

Шунинг учун юқорида келтирилган асосан саноат ҳисоблаш усулларидан фойдаланиб хизмат кўрсатиш, сервис корхоналарининг техник-иқтисодий даражасини ҳисоблаш учун қуйидаги усулни таклиф этамиз:

⁴⁹ Там, 7.

⁵⁰ Розенблюм А.З., Широкорядова Б. С. Основы управления созданием новой техники. - Киев: Вища шк., Прогр. СНТД, 1984, стр. 61.

⁵¹ Ямалетдинов С.М., Галуза С.Г. Экономические проблемы управления научно-техническим прогрессом. - Киев: Наука, 1976, стр. 78.

⁵² Там же, стр. 242.

1. Корхона моддий-техника базаси (асосий фондини)нинг техник-иқтисодий даражасини аниқлаш вақтидаги ҳолатини аниқлаш;

2. Корхона моддий-техника базаси (асосий фондини)ни функционал ва улар туғрисида маълумотларни йиғиш.

3. Ҳар бир функционал гуруҳ учун $\bar{K}_{\text{тех}}$ – техник-иқтисодий даража коэффицентини аниқлаш ва уларнинг ўртача математик қийматини корхона техник-иқтисодий даражаси деб қабул қилиш керак:

$$K_{\text{тех}} = \left[\frac{\sum_{i=1}^n \bar{K}_{\text{тех}i}}{n} \right]$$

Бунда: n – гуруҳлар сони;

4. $\bar{K}_{\text{тех}}$ – ҳар бир гуруҳдаги ҳисоблаш объектининг (техника, асбоб-ускуналар (ва ҳ.к.) техник-иқтисодий даража коэффицентининг ўртача қиймати:

$$K_{\text{тех}i} = \left[\frac{\sum_{j=1}^n \bar{K}_{\text{тех}ij}}{n} \right]$$

Бунда, n – шу гуруҳдаги объектлар сони.

$K_{\text{тех}}$ – объектлар (жиҳоз, асбоб-ускуна (ва ҳ.к.) техник иқтисодий даража коэффиценти.

5. Янги техниканинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Ушбу усул асосида 2017 – 2018 йиллардаги Самарканд вилоятидаги “Оби Раҳмат” МЧЖ “Юлдуз” ресторани, “Ургут Файз савдо” МЧЖ ошхонаси, “Жума Файз” ресторанининг модернизация давридаги техник-иқтисодий даражасини аниқлаш билан олиб борилди. Умумий овқатланиш корхоналарнинг ишлаб чиқаришида модернизация инновацион техника ва технологиянинг татбиғи, корхона иқтисодий самарадорлигига қанчалик таъсирини олдиндан аниқлаш муҳим ҳисобланади.

Янги техниканинг умумий овқатланиш корхонасида қўлланилиши иқтисодий самарадорлигини аниқлаш учун В.И.Шалун⁵³ таклиф этган, ҳар бир ишлаб чиқариш маҳсулолига (иш-

⁵³Шалун В.И. Общественное питание на новый технологический уровень. – М: Экономика, 1987, стр. 45-84.

га) келтирилган сарф-харажат ҳисоби усулидан фойдланамиз. Бунда бир хил ҳажмда бажарилган маҳсулот ёки бажарилган ишга энг кам сарф-харажат қилган модернизация инновацион тадбир самарали деб ҳисобланади.

Корхона иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш усулининг асосий формулалари, уларни ташкил этувчи курсаткичлари б-иловада келтирилган.

“Юлдуз” ресторани асосий фондларининг техник-иқтисодий даражасини аниқлаш мақсадида биз корхона буйича функционал гуруҳларга ажратамиз.

Улар қуйидагилардан ташкил топади:

1. Ишлаб чиқариш жиҳозлари.
2. Мебеллар ва инвентарлар.
3. Бино ва иншоотлар.
4. Бошқа жиҳозлар ва инвентарлар.

Ресторан асосий фондларидан ишлаб чиқариш жиҳозлари функционал гуруҳи рўйхати 2017 йил ҳолатида (1.3.2-жадвал) яъни техник-иқтисодий модернизациялашдан олдинги ҳолати ва ундан кейинги 2018 ҳолати 1.3.3-жадвалда келтирилган.

Ушбу функционал гуруҳга кирувчи кўп сонли, турли мақсадда қўлланиладиган жиҳозларни, уларнинг функциясида келиб чиққан ҳолда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, уни тарқатиш ёки муомалага чиқариш ҳамда овқатланишни ташкил этишда қўлланилиши билан турлича гуруҳланиши мумкин. Жиҳозларни функционал гуруҳлашда уларнинг умумий аломатларидан келиб чиқиб: нимага тайинланиши, маҳсулотга таъсир характери, функционал белгиси ва бошқалардан фойдаланиш мумкин.

Шуларни инобатга олган ҳолда, уларнинг функционал кайси жараёнини бажаришига қараб:

1. Механик жиҳозлар.
2. Иссиқлик жиҳозлари.
3. Совитиш жиҳозлари.
4. Салқинловчи жиҳозлар гуруҳига бўлинади.

Жиҳозларнинг техник-иқтисодий даражасини аниқлашда уларга қўйилган умумий талаблардан келиб чиққан ҳолда, улардан унумли фойдаланишга, яъни эксплуатация қилишда фойдаланиладиган курсаткичлардан фойдаландик. Овқатла-

ниш корхоналари жиҳозларига қўйилган умумий талаблар, шартли равишда технологик, эксплуатацион, энергетик, конструктив ва иқтисодий талабларга бўлинади. Корхона асосий фондларининг бундай гурухланиши унинг техник-иқтисодий даражасини аниқлаш мақсадида ҳамда асосий фонд таркибидagi жиҳозларни ва бошиқаларни инновацион йул билан янгилаш корхона ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Асосий фондини ташкил этувчи бошқа гуруҳ моддий бўйликлари эса амортизацион эскириш ҳолати ҳисоби бўйича қабул қилинган ва техник-иқтисодий даража коэффициентига тенглаштирилди.

Жиҳозларнинг техник-иқтисодий даражасини аниқлашни иссиқлик жиҳозининг техник-иқтисодий даражаси ҳисоби миқсолида кўриб чиқамиз. Узгарувчан база асосида иссиқлик жиҳозининг техник-иқтисодий даражасини аниқлаш мазкур усул бўйича ҳисоби 1.4.1 - жадвалда келтирилган.

Узгарувчан база асосида иссиқлик жиҳозининг техник-иқтисодий даражасини ҳисоблаш

1.4.1-жадвал

Жиҳозлар		Курсаткичлар				Техникавий-иқтисодий даража коэффициенти			
		X ₁ кг/ соат	X ₂ кВт	X ₃ кг	X ₄ м ²	1-база буйи- ча K _{тд1}	2-база буйи- ча K _{тд2}	1-база буйи- ча 2-база шар- тида	2-база буйи- ча 1-база шар- тида
А	Электрофригорионига ФЭСМ-20	20	7,5	9,0	0,36	1	2,52	0,9	2,28
Б	Фритюрница ФЭСМ-16	16	6	18	0,2	0,57	1,5	0,7	1,49
База									
1	ФЭСМ-20	20	7,5	90	0,36				
2	ФНЭ-5	8	4	25	0,11				

1.4.1-жадвалнинг давоми

Курсаткичлар буйича салмоқлик коэффициенти	0,25	0,25	0,25	0,25	Ҳаммаси учун
	0,13	0,69	0,07	0,09	1 база учун 2 база шароитида
	0,14	0,44	0,21	0,19	2 база учун 1 база шароитида

1.4.1-жадвалда ҳисобга олинган корхона модернизацияси-га корхонада нормал ишлаб турган ФЭСМ-20, ФНЭ-5 фригюр-ница турдаги жиҳозлари, янги ишлаб чиқарилган жиҳозлар (фритюрницалар) ФЭСМ-20, ФЭСМ-16 билан таққосланди. Бунда, уларнинг x_1 - (иш унумдорлиги) кг/соат, x_2 -куватига кВт, x_3 - эгаллаган жойи, m^2 , инобатга олинади. Ушбу курсаткичлар ҳам техникавий, ҳам иқтисодий томондан муҳим ҳисобланиб, уларнинг миқдори корхона самарадорлигига салмоқли таъсир этади. Ҳисобланаётган жиҳозларнинг танланган курсаткичларини бир хил салмоқликка эга деб қабул қиламиз (0,25дан) ва 1 база жиҳозлари курсаткичлари буйича салмоқлик (оғирлик) коэффициентини ҳисоблаймиз. Ушбу ҳисоб натижасининг таҳлилидан куришиб турибдики, бир хил шароитда иккала база жиҳозлар курсаткичларидан уларнинг қуввати бошқалардан кўп, худди шундай иккаласидан ФЭСМ - 20 кўпроқ энергия сарфлар экан. Лекин шу жиҳоз курсаткичларининг салмоқлик коэффициентларини таққослаганда қарийб бир хил унумдорликка эга бўлса-да, унинг оғирлиги (металл сўғими) эгаллаган жойи қарийб 10 баробар кам экан. Энди янги ишлаб чиқарилган ҳозирда сотувда мавжуд ФЭСМ-20, ФЭСМ-16 фритюрницаларни базада мавжудлиги билан таққослаймиз ва олинган ҳисоблар натижасини 2.16-жадвалга киритамиз. Янги тақлиф этилаётган ФЭСМ- 20 нинг худди шундай базадагиси билан $K_{тид}=1$ эканлигини кўряпмиз. Лекин базадаги иккинчисидан $K_{тид}$ 2,52 баробар катта экан. Худди шундай ФЭСМ -16, ФЭСМ- 20дан кичик $K_{тид1}=0,57$, ФНЭ- 5

дан эса $K_{\text{пл}2} = 1,5$ катталигини куришимиз мумкин. Агар ишлаб чиқаришда булган 1 база буйича 2 база шарти билан, аниқроғи, иккинчи эскирган бўлса ҳам унинг (ФНЭ-5) шартларини инобатга олган ҳолда ҳисоблаганда А жиҳоз ФЭСМ-20 $K_{\text{пл}}^* = 0,9$, Б жиҳоз ФЭСМ-16 $K_{\text{пл}}^* = 0,7$ бўлиб устунлиги қўрсатилган. Худди шундай 2 база буйича 1 база (узига ўхшаган, факат иил ҳисобида олдинроқ ишлаб чиқарилган) шартида ҳам уларнинг техникавий-иқтисодий даражаси юқори эканлигини куришимиз мумкин $K_{\text{пл}2a}^* = 2,28$ $K_{\text{пл}2b}^* = 1,49$

Бунда, X_1 – жиҳоз унумдорлиги, кг/соат; X_2 – эл. двигатели қуввати, кВт; X_3 – массаси, кг; X_4 – эгаллаган жойи, м^2

1) 1-база буйича оғирлик коэффициентини ҳисоблаймиз:

$$r=1 \quad i=1 \quad a_{11}^* = \frac{x_{11}'}{x_{12}'} \times a_{12} = 0,25 \times \frac{8}{20} = 0,1$$

$$r=1 \quad i=2 \quad a_{21}^* = a_{21} \times \frac{x_{11}'}{x_{22}'} = 0,25 \times \frac{4}{7,5} = 0,53$$

$$a_{31}^* = a_{31} \times \frac{x_{11}'}{x_{32}'} = 0,25 \times \frac{1,5}{90} = 0,06$$

$$r=1 \quad i=4 \quad a_{41}^* = a_{41} \times \frac{x_{41}'}{x_{42}'} = 0,25 \times \frac{0,11}{0,36} = 0,07$$

$$\sum_{i=1}^4 a_{i1}^* = a_{11}^* + a_{21}^* + a_{31}^* + a_{41}^* = 0,1 + 0,53 + 0,06 + 0,07 = 0,76$$

a_{11}^* номерлаймиз ва

$$a_{11} = \frac{a_{11}^*}{\sum} = \frac{0,1}{0,76} = 0,13 \quad a_{21} = \frac{a_{21}^*}{\sum} = \frac{0,53}{0,76} = 0,69$$

$$a_{31} = \frac{a_{31}^*}{\sum} = \frac{0,06}{0,76} = 0,07 \quad a_{41} = \frac{a_{41}^*}{\sum} = \frac{0,07}{0,76} = 0,09$$

2) 2-база буйича оғирлик коэффициентини ҳисоблаймиз:

$$r=1 \quad i=1 \quad a_{11}^* = a_{11} \times \frac{x_{11}'}{x_{12}'} = 0,25 \times \frac{20}{8} = 0,62$$

$$r=1 \quad i=2 \quad a_{21}^* = a_{21} \times \frac{x_{21}'}{x_{22}'} = 0,25 \times \frac{7,5}{4} = 1,87$$

$$r=1 \quad i=3 \quad a_{31}^* = a_{31} \times \frac{x_{31}'}{x_{32}'} = 0,25 \times \frac{90}{25} = 0,9$$

$$i=1 \quad i=4$$

$$a_{42} = a_{41} \times \frac{x_{42}}{x_{41}} = 0,25 \times \frac{0,36}{0,11} = 0,81$$

$$\sum_{i=1}^4 a_{i2}^* = a_{12}^* + a_{22}^* + a_{32}^* + a_{42}^* = 0,62 + 1,87 + 0,9 + 0,81 = 4,2$$

a_{i2}^* номерлаимиз ва

$$a_{12} = \frac{a_{12}^*}{\sum} = \frac{0,62}{4,2} = 0,15 \quad a_{22} = \frac{a_{22}^*}{\sum} = \frac{1,87}{4,2} = 0,44$$

$$a_{32} = \frac{a_{32}^*}{\sum} = \frac{0,9}{4,2} = 0,21 \quad a_{42} = \frac{a_{42}^*}{\sum} = \frac{0,81}{4,2} = 0,19$$

Ҳисоб: $K_{\text{тшд}_1} = \sum_{i=1}^4 a_i \frac{x_{i2}}{x_{i1}}$

1) 1 база буйича

$$A. K_{\text{тшд}_1} = 0,25 \times \frac{20}{20} + 0,25 \times \frac{7,5}{7,5} + 0,25 \times \frac{90}{90} + 0,25 \times \frac{0,36}{0,11} = 0,25 \times 4 = 1$$

Б.

$$K_{\text{тшд}_1} = 0,25 \times \frac{16}{20} + 0,25 \times \frac{6}{7,5} + 0,25 \times \frac{18}{90} + 0,25 \times \frac{0,2}{0,36} = 0,25 \times (0,8 + 0,8 + 0,2 + 0,5) = 0,57$$

2) 2 база буйича

$$A. K_{\text{тшд}_2} = 0,25 \times \left(\frac{20}{1} + \frac{7,5}{4} + \frac{90}{25} + \frac{0,36}{0,11} \right) = 0,25 \times (2,5 + 1,8 + 2,6 + 3,2) = 2,52$$

$$B. K_{\text{тшд}_2} = 0,25 \times \left(\frac{16}{8} + \frac{6}{4} + \frac{18}{25} + \frac{0,2}{0,11} \right) = 0,25 \times (2 + 1,5 + 0,72 + 1,81) = 1,5$$

1- база буйича 2 база шартлари

$$A. K_{\text{тшд}_1} = 0,13 \times 1 + 0,69 \times 1 + 0,07 \times 1 + 0,09 \times 1 = 0,13 + 0,69 + 0,07 + 0,09 = 0,9$$

$$B. K_{\text{тшд}_2} = 0,13 \times 0,8 + 0,69 \times 0,8 + 0,07 \times 0,2 + 0,09 \times 0,5 = 0,10 + 0,55 + 0,01 + 0,04 = 0,7$$

2- база буйича 1 база шартлари

$$A. K_{\text{тшд}_1} = 0,14 \times 2,5 + 0,44 \times 1,8 + 0,21 \times 2,6 + 0,19 \times 3,2 = 0,35 + 0,79 + 0,54 + 0,60 = 2,28$$

$$B. K_{\text{тшд}_2} = 0,14 \times 2 + 0,44 \times 1,5 + 0,21 \times 0,72 + 0,19 \times 1,81 = 0,28 + 0,66 + 0,15 + 0,34 = 1,49$$

Албатта, бундай ҳисобнинг бажарилиши ва ҳисоб натижаларининг таҳлили асосида жиҳозларни янгилаш, яъни корхона жиҳозланиши буйича купгина қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлади.

Корхонадаги қолган жиҳозларнинг техник-иқтисодий даражасини аниқлашда айнан юқорида келтирилган усул асосида ҳисоблаб, корхона асосий воситалари жамланган $K_{\text{тшд}}$ - техник-иқтисодий даража жаъвалига киритамиз (1.4.2-жадвал).

1.4.2-жадвалдаги натижалардан кўриниб турибдики, корхона асосий фондининг жиҳозлар гуруҳи ўртача техник-иқтисодий даражаси $K_{\text{таж}} = 1,68$ тенг бўлиб, бу корхонадаги жиҳозларнинг катта қисми ҳозирги замон талабига биноан янгиланганлиги ва янгиликса, совутиш жиҳозлари гуруҳи бошқаларга нисбатан янги эканлигини билдиради. Ушбу ҳисобларнинг ўтказилиши яна шу билан эътиборлики, бунда корхонанинг модернизация инновация ҳолатини ҳам аниқлаш мумкин.

Худди шундай, янги олинadиган жиҳозларнинг турли кўрсаткичларининг рационал миқдорини, типини, энергия сарфини, шунингдек металл сифимини, эгаллаган ишлаб чиқариш майдонидан рационал фойдаланиш мумкин. Худди шунингдек, корхона асосий фондининг бино ва иншоотлар, мебель ва инвентарлар ва бошқалар ҳам янгиланганлиги самарадорлигини оширишда катта таъсир этади.

“Юлдуз” ресторани асосий фондлари $K_{\text{таж}}$ техник-иқтисодий даражасини ҳисоблаш⁵⁴.

1.4.2-жадвал

№	Корхона асосий воситалар гуруҳлари ва унинг таркиби	Маркаси	Техник-иқтисодий даража коэффициенти		уртача $K_{\text{таж}} = \left[\frac{\sum K_{\text{таж}i}}{n} \right]$ киймати	
			1-база буйи-ча	2-база буйи-ча	$K_{\text{таж}2}$	
1	Механик жиҳозлар:					
1.1	Гушткиймалагич	НФУ	2,47	1,94	2,2	
1.2	Гушткиймалагич	МИМ-82	5,65	1,36	3,5	
1.3	Купиртиргич	МВУ 60	1,06	1,06	1,06	
1.4	Купиртиргич	МВ 35М	0,9	0,9	0,9	

⁵⁴ Таъдқиқот асосидан мултиф томонлидан тузилган.

1.4.2-жадвалнинг давоми

1.5	Хамирқорғич	ТММ-1М	0,9	0,9	0,9	
1.6	Идиш ювиш машинаси	ММУ 00	0,85	1	1	
			1,9	1,4	1,49	
2	Ёссиқлик жиҳозлари:					
2.1	Электрофрит юрнича	ФЭСМ-20	1	2,52	1,76	
2.2	Электрофрит юрнича	ФЭСМ-16	0,57	1,5	1,03	
2.3	Қайнатиб плашириш қозони	КПКИ-60	0,83	1,4	1,1	
2.4	Қовуриш шкафи	ШПЭС М-3	3,8	2	3	
2.5	Электр това	СЭСМ-0.5	1,02	1	1,01	
2.6	Электроплита	ПЭСМ ИМ (2дона)	2,4	2,8	2,6	
					1,75	
3	Совитиш жиҳозлари					
3.1	2 камерали совитгич	ШХ 1,056	2,02	1	3,02	
3.2	«Бирюза» совутгич прилавкаси	Бирюза	4,31	3	3,6	
3.3	Совутгич витринаси	ПВХ 1 0,30	0,2	0,6	0,4	
3.4	Совутгич шкафи	ШХ 0,4	0,4	0,5	0,45	
					1,87	

4	Салқинлов- чи жиҳозлар					
4.1	Кондиционер	AQ 24	2.03	1,02	1,5	
4.2	Кондиционер	Ferette	2.06	1.2	1,6	
					1,53	
						1,68

Шундай қилиб, корхонанинг моддий-техника базаси асосий фондлари бўйича ўртача техник-иқтисодий даражаси $K_{\text{т}} = 1,68$ га тенг бўлади. Ундаги қўлланилаётган механик жиҳозларнинг гуруҳи $K_{\text{гг}} = 1,59 K_{\text{тг}} - 1,59$ ва салқинловчи жиҳозлар $K_{\text{ж}} = 1,53$ бошқаларга нисбатан анча паст экан. Масалан, корхона жиҳозларининг ўртача техник-иқтисодий даражасидан 5,4 % га паст. Совитиш жиҳозлари гуруҳи 11,3%га қуп. Иссиқлик жиҳозлари гуруҳининг техник-иқтисодий даражаси эса корхона ўртача техник-иқтисодий даражасига яқинроқ экан. Шунинг учун корхонада хизмат сифатини кўтариш мақсадида ишлаб чиқаришдаги механик жиҳозларни ҳамда хизмат кўрсатиш жойларидаги салқинловчи аппаратларни замонавий типдагилари билан алмаштириш кераклиги тасдиқланди. Юқорида айтиб утилгандек, корхона иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш усулини бир ва бир неча вариантини қиёслаш билан иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш мумкин. Бунда йиллик иқтисодий самарадорлик ҳисоб йилидан олдинги ҳолат билан таққосланади. Шунинг учун корхона 2017 йилгача ҳолат билан 2018 йил модернизация йили ҳисобини бажардик ва ушбу йилни модернизация инновацион йили деб белгилладик. Модернизация инновацион йилида келтирилган харажатлар ишлаб чиқариш ва муомала харажатлардан ва ишлаб чиқариш фондига қўйилмалардан иборат деб биламиз. Шу билан бирга, капитал қўйилма иқтисодий самарадорлигининг норматив коэффиценти ҳам инобатга олинishi лозим бўлади. E_n –норматив коэффиценти изланиш объекти учун 0,15 га тенг деб олдик. Корхона йиллик иқтисодий самарадорлиги оу йиллик қўйилма ва ишлаб чиқариш, муомала харажат-

лар суммасида ифодаланган. техникавий тадбирларнинг татоли-
ғидан келиб чиққан фойда ҳисобланади. Корхона асосий фон-
дига қўйилган капитал қўйилмалар: янги техникани олиш, уни
селтириш, монтаж қилиш, қурилиш харажатлари, техникавий
хизмат курсатиш ва бошқалардан иборат бўлади. Барча хара-
жатлар корхона модернизация тадбирининг режаси, сметаси
буйича ҳисобланади. Агар булар тузилмаганда, улар тизимда
оёлгнланган миқдорда қабул қилинадн. Масалан, янги жиҳоз-
ларни келтириш харажати унинг улгуржи баҳосининг 5% ни
ташқил этади. Жиҳозларни урнатиш ишлари смета харажагла-
ридан олинса, демонтаж қилиш реал бажарилган ишлар қий-
матида ҳисобланиши мумкин. Жиҳозларнинг амортизация
булмаган қиймати корхона баланси асосида олинди ва ликвид-
ация ишлари харажати унинг сотилиши нархига ёки метал-
лом ҳисобида ҳисобланади. Жиҳозларни қайта таъмирлаш
харажатлари, алмаштирилиши ёки қўшимча урнатиладиганла-
рининг сони, улар эгаллайдиган юза ҳисобида умумий овқат-
ланиш корхоналарида сарфланадиган харажатлар ҳисобига
олинди. Худди шунингдек, алмаштириладиган жиҳозларни
демонтаж этиш харажати, корхонада ҳақиқий сарфланадиган
харажатлар ҳисобида ёки уларнинг сонига қараб қурилиш
ишларида қўлланиладиган баҳоларда ҳисобланиши мумкин.
Техникавий модернизация самарадорлигининг ҳисобида хара-
жатларни ҳисоблашда: иш ҳақи, бинонинг ижара ҳақи, асосий
фонд амортизацияси, бинони сақлаш, кундалик таъмирлаш,
ишчи кийим, кам қиймагли ва тез сарфланадиган нарсалар,
овқатланиш идиш-товоқлари, асбоблари, энергия, сув ва бош-
қа ҳамда харажатлар ҳам ҳисобланади. Умумий овқатланиш
корхона бино ва ҳоаларининг таркибига сарфланалган хара-
жатларнинг аммортнзация ажратмалари суммасига нисбати
коэффициентидан фойдаланамиз (ресторанлар учун - 1.41).
Уларни таъмирлаш ва жиҳозларга комплекс хизмат курсатиш
харажати ҳақиқий ҳолагга қараб кетган харажатлар ҳисобида
олинади ёки бундай ишларни режалаштирганда эса аморти-
зацион ажратмаларнинг 30-50% миқдорида қабул қилинади.
Жиҳозларга курсатиладиган хизматларга кетган сарфлар бу
ишларнинг улгуржи нархларида ҳисобланади. Ишчи кийим-

ларнинг эскириши бўйича харажатлар, ишсизлар сони, жиҳозларнинг бир кундаги ишлаш вақти, бир йилдаги ишлаш кунлари, кийимлар оир комплектининг нархи, тозалашига кетган сарф-харажатлар ҳисобида олинади. Агар олдиндан режалаштирилса, унда асосий ва қўшимча иш ҳақининг 6% бирлигида қабул қилинади. Жиҳозларга кетадиган энергия ҳисобида электр энергия сарфи ҳисобланади. Бунда унинг қуввати, уни ишлатиш коэффициенти, ишлаш вақти, электр энергия тариф баҳоси инобагга олинади. Ҳисоблашда ишлатиш коэффициенти турли гурӯҳ жиҳозлари учун турлича қабул қилинади. Механик жиҳозлар электр двигателининг ишлашига 0,5-0,7 идиш ювнш машинасига 0,7; совитгичларга 0,75; назорат касса аппаратурасига 0,2-0,3 тенг деб олинди. Мақсадга мувофиқ шуни айтиш керакки, ушбу усулда умумий овқатланиш корхоналарида янги техника татбиғи бўйича мулжалланган иқтисодий самарадорлигини аниқлашда қўллаш учун қайта ишланиб, Республика корхоналаридаги қўлланиладиган тариф ва коэффициентларни меъёрий ҳужжат сифатида ишлаб чиқиб расмийлаштириш лозим. Барча умумий овқатланиш корхонасининг механик жиҳозлари учун, иссиқлик жиҳозлари совитиш жиҳозлари, салқинловчи жиҳозлари учун корхона иқтисодий самарадорлиги ҳисобланиб олинган натижалар 1.4.3-жадвалга киритилди.

Корхона асосий фондининг қолган: мебель жиҳозлари, бино ва иншоотлар, бошқа жиҳозлар ва воситаларнинг иқтисодий самарадорлиги куйидаги формулалар ёрдамида ҳисобланди⁵⁵:

$$K_3 = \Pi : \text{Оф}$$

Бунда, Π – олинган фойда, сўм; Оф -асосий фондларнинг ўртача қиймати, сўм.

1.4.3-жадвалда корхона техник-иқтисодий даражаси ва самарадорлигининг боғлиқлиги келтирилган. Корхонанинг ўртача техник-иқтисодий даражаси коэффициенти 1,34 бўлганда, унинг иқтисодий самарадорлиги 670 минг сўмни ташкил этади. Корхона иқтисодий самарадорлигига ундаги ишлаб чиқа-

⁵⁵Бермачева С.П. Экономика общественного питания. Учебное пособие. –Мн.: Новое знание, 2008, стр 200

ришда қўлланилади. Ҳан техчологик жихозларнинг техник-иктисодий даражаси катта таъсир курсатар экан. Шунинг учун барча қўлланиладиган жихозлар соз ҳолатда булиши, вакти-вакти билан эксплуатация регламентига асосан техник хизматлар курсатилиши ва замонавий турларига алмаштирилиб туриши лозим.

**Самарқанд вилоятидаги умумий овқатланиш
корхоналарининг техник-иктисодий даражаси ва унинг
самарадорлиги⁵⁶**

1.4.3-жадвал

Гуруҳлар номи	$K_{нш}$			Σ минг сум		
	"Юлдуз" ресторани	"Ургут Файз Савдо" ошхонаси	"Жума Фанз" ресторани	"Юлдуз" ресторани	"Ургут Файз Савдо" ошхонаси	"Жума Файз" ресторани
Механик жихозлар	1,59	0,8	1,3	420	270	230
Иссиқлик жихозлари	1,7	0,5	1,2	2384, 6	1164, 3	2354
Совутиш жихозлари	1,8	1,2	1,2	1289, 7	754,5	574
Салқинловчи жихозлар	1,53	1,2	1,3	600,3	356,7	543,2
Мебель жихозлари	0,94	0,85	0,84	0,5	0,3	0,3
Бино ва иншоотлар	0,84	0,6	0,4	0,011	0,4	0,2
Бошқа жихозлар ва воситалар	0,88	0,7	0,54	0,55	0,5	0,64
Уртача қиимати	1,34	0,8	0,9	670	363,8	528,6

⁵⁶ Муаллифнинг тадқиқотлари асосида таянчланган

II. БОБ. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИДА САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

2.1. Хизмат кўрсатиш корхоналари самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари

Инновацион иқтисодий ривожлантириш шароитида мулкчилик шаклидан қатъи назар барча турдаги корхона ва ташкилотлар самарадорликка оид масалаларда ҳозирги давр талабидан келиб чиққан ҳолда янгича ёндашishлари талаб этилади. Айнан самарадорлик ҳужалик фаолиятининг энг муҳим ва умумлаштирилган кўрсаткичларини узида умумлаштиради. Яъни фаолиятнинг охири натижалари самарадорликда ўз аксини топади. Иқтисодий адабиётларда самарадорлиkning моҳияти, тушунчасига кўплаб қарашлар мавжудлиги каби, унинг ҳар хил мезонлари ва кўрсаткичлари тасниф қилинади. Кўпгина муаллифлар самарадорликни нисбий кўрсаткич деб таъкидлаб, у олинган (эришилган) натижа билан харажатлар нисбати орқали аниқланишини тавсия қилади.

Бизнинг фикримизча, “самара”, “натижа” ўз табиатига биноан сон ва сифат кўрсаткичларида ифодаланади. Сон кўрсаткичлар сифатида абсолют миқдорлар – қиймат, натурал ва шартли улчов бирликларида ифодаланса, сифат кўрсаткичлари сифатда ҳар хил солиштирма, яъни нисбий кўрсаткичлар ишлатилиши мумкин.

Самарадорлиkning умумий ҳолати, жумладан, ижтимоий-иқтисодий самарадорликни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик – чегараланган ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда эришилган, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий даражасини юксалтиришдир. У – инсон камолотининг юксалиш, моддий ва ижтимоий фаровонлиги ўсиши, маданий ва маънавий жиҳатдан ривожланишида кўринади. Инсон фаровонлиги ҳамда камолоти нақадар юксалса,

шу кадар юкори ижтимоий-иқтисодий самарадорликка эришган бўлади.⁵⁷

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг иқтисодиёт тармоқларидаги самарадорлигини урганишда унинг мезонлари ва кўрсаткичларини туғри тушуниш ва ҳисоблаб чиқиш катта аҳамиятга эга.

Бизнинг фикримизча, муҳим масалалардан бири бўлган ижтимоий-иқтисодий самарадорликни ҳар томонлама чуқур урганиш ва тушуниш учун алоҳида ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик мезонлари ва кўрсаткичлари ишлаб чиқилиши керак. Лекин бунда ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик мезонлари ва кўрсаткичлари ўзаро боғлиқ эмас, деган фикр келиб чиқмайди. Аксинча, улар узвий боғланган ва бир-бирининг тақозо этади, тўлдиради.


Иқтисодий самарадорлик сифат жиҳатидан ҳисоблаб чиқилмаса ва ўлчанмаса, унинг мунтазам ошиб бориши буйича белгиланган ишларни бажариб булмайди.

Иқтисодий самарадорликнинг ўсиши ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳар қандай шакли ривожланишининг объектив қонуниятидир. Чунки, жамиятнинг ривожланиши ишлаб чиқариладиган маҳсулот ёки кўрсаткичларидиган хизматлар ҳажми ва сифати ортишини, ишлаб чиқариш ва муомала, кенгайтирилган тақдор ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун кўпайтиришни талаб этади. Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини комплекс таҳлил қилиш фақат самарадорлик мезонини ўз ичига олиш билан чегараланиб қолмаслиги керак. Негаки, мезон асосан самарадорликни оширишнинг моҳиятини ва асосий вазифаларини ифода қила олмайди. Бу вазифани иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари бажаради.

Фаол тадбиркорликни ривожлантириш комплекс дастури мезонининг мураккаблиги унинг мақсадлари ва ресурсларини тавсифловчи кўрсаткичлар зарурлигини тақозо этади. Бизнинг фикримизча, республикада хизмат кўрсатиш, фаол тадбиркор-

⁵⁷ Абдукаримов Б.А. ва бошқалар Корхона иқтисодиёти (олий ўқув юрталари учун дарслик) - Т.: "Тан", 2005, 122-123 бетлар

лик иктисодиётнинг замонавий тармоқлари сингари ривожланиб бораётган соҳадир. Шунга кура, мазкур соҳада фаолият юритувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иктисодии самарадорлигининг барча ижтимоий, иктисодий ва бошқа жиҳатлари куйидаги мезонларда ўз аксини топади (2.1.1-расм).



2.1.1-расм. Хусусий тадбиркорликнинг самарадорлик мезонлари.

Мазкур мезонлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади. Иктисодий адабиётларда самарадорлик кўрсаткичларининг – баҳолаш миқёси бўйича, ресурслардан фойдаланиш даражаси бўйича, кўрсаткичларнинг аҳамияти ва уларнинг қарорлар қабул қилишдаги роли бўйича, умумлаштириш даражаси ва ҳоказолар бўйича таснифлари учрайди.

Бизнинг фикримизча, иктисодий самарадорлик курсаткичларини икки гуруҳга – алоҳида (хусусий) ва умумлашган курсаткичларга бўлиш мумкин. Фаол тадбиркорлик фаолиятининг иктисодий самарадорлигини тавсифловчи алоҳида курсаткичларга меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳамда моддий ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш курсаткичларини киритиш мумкин.

Хусусий тадбиркорликнинг иктисодий самарадорлиги курсаткичлари тизимида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини курсаткичлари алоҳида урин эгаллайди. Бизнинг фикримизча, хизмат курсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда меҳнат унумдорлиги даражаси ва динамикаси (натурал ва қиймат курсаткичлари); ўртача меҳнат ҳақи; бир ходим ҳисобига туғри келадиган хизматлар ҳажмининг ўсиш суръати ва меҳнатга ҳақ тўлаш суръатининг нисбати, меҳнат ҳақининг бир сўмига олинган натижа курсаткичлари тизимидан фойдаланиб, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини кенг тавсифига эга бўлиш мумкин.

Меҳнат унумдорлиги даражаси натурал ва қиймат шаклида ҳисобланиши мумкин. Натурал шаклда ҳисобланса, товарлар ҳажмининг ходимлар ўртача сонига нисбати олинади.

$$MY = \frac{T}{X_c} \quad (1.1)$$

Бу ерда, T_m -- товарлар ва хизматлар ҳажми;

X_c – ходимларнинг ўртача йиллик сони.

Хусусий тадбиркорликда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги меҳнат унумдорлиги, меҳнат қиймати ва меҳнат сўмига каби курсаткичларда аниқланади.

Меҳнатнинг фойдалилик (рентабеллик) даражаси. Ушбу курсаткич бир сўмлик иш ҳақиға туғри келадиган соф фойда суммасини ифодалайди.

$$MK = \frac{C\phi}{M_x\Phi} \quad (1.2)$$

Бу ерда, $C\phi$ – соф фойда суммаси;

$M_x\Phi$ – иш ҳақи фонди.

Меҳнат сифими ($M_{сиз}$) меҳнат унумдорлигига тескари кўрсаткич бўлиб, бир сўмлик тушумга туғри келадиган меҳнат сарфини ифодалайди.

$$M_{сиз} = \frac{X_c}{T_M} \quad (1.3)$$

Фаол тадбиркорликда меҳнат унумдорлигининг умумий ўсиши (ΔMU умумий) ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши ва ходимлар сонининг камайиши ҳисобига бўлинади ва у қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\Delta MU = \frac{100 (\Delta B + \Delta Y_n)}{100 + Y_n} \quad (1.4)$$

Бу ерда, ΔB – фаол тадбиркорликда жорий даврда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиш ҳажми фоизи.

ΔY_n – корхоналарда ишловчилар сонининг камайиш фоизи. Агар ишловчилар сони камаймай, қупайиб борса, ишловчилар сони фоизи тескари белги билан ифодаланади.

Хусусий тадбиркорликда маҳсулот ишлаб чиқариш микдори ёки кўрсатилган хизматлар ҳажми (сони)нинг ўсишида қанча қисми меҳнат унумдорлигининг ошиши, қанча қисми қўшимча ресурслар (меҳнат ресурслари)ни жалб қилиш эъвазига бўжарилишини ифодаловчи кўрсаткич билан аниқланади. Бу кўрсаткич интенсив омил ҳиссаси формуласи деб юритилади.

$$H_{ок} = \left(1 - \frac{\Delta Y_{ис}}{\Delta Y_n} \right) \times 100\% \quad (1.5)$$

Бу ерда, $H_{ок}$ – интенсив омил ҳиссаси;

$Y_{ис}$ = ишчилар сонининг қўшимча ўсиши;

Y_n = хизматлар ҳажмининг қўшимча ўсиши;

Ўртача меҳнат иш ҳақи жамғармасининг ходимлар ўртача сонига нисбати билан аниқланади.

$$ИХ_{урли} = \frac{ИХЖ}{C_{ир}} \quad (1.6)$$

Хусусни тадбиркорлик фаолиятлари самарадорлигини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиш учун самарадорликнинг алоҳида кўрсаткичлари билан бир қаторда умумлаштирилган кўрсаткичлари ҳам қўлланилади. Иқтисодии адабиётларда умумлаштирувчи кўрсаткичларга, рентабеллик, харажатлар нисбий даражаси, фонд самарадорлиги, сарфланган барча ресурслар фонд самарадорлиги ва бошқа кўрсаткичлар киради.


Бизнинг фикримизча, хусусий тадбиркорликда ижтимоий самарадорлик деганда ходимларнинг ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнида уларнинг ижтимоий жиҳатдан ривожланишни таъминлаш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирлар мажмуаси тушунилади.

Инсон ҳар томонлама ва уйғун ривожланиши учун замин яратишни мақсад қилиб қўйган жамиятнинг пировард мақсадга эришуви ижтимоий самарадорликни бош мезони ҳисобланади.

Ижтимоий самарадорликнинг иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларидаги иккинчи мезони ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсишига билвосита таъсир қилувчи истеъмол харажатларини камайтиришдир.

Хусусий тадбиркорлик тизимида ижтимоий самарадорликни ягона мезон билан ўлчаб бўлмайди. Чунки соҳада ижтимоий самарадорликнинг мезони ва кўрсаткичлари бир хил эмас. Агар ижтимоий самарадорликнинг мезони унинг мазмуни ва вазифасини ифодаласа, кўрсаткичлари эса самарадорликни ўлчаш ҳамда баҳолаш вазифаси бўлиб хизмат қилади.

Бизнинг назаримизда, ижтимоий самарадорлик кўрсаткичларини уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин (2.1.2-расм).



2.1.2-расм. Ижтимоий самарадорлик кўрсаткичлари.

2.1.2-расмда таъкидланган кўрсаткичлардан алоҳида биттаси қўлланилса, умумий натижадорликни ифодаламайди. Чунки ҳар бир кўрсаткич ижтимоий самаранинг кичик бир йуналишини характерлайди. Бу кўрсаткичлар биргаликда қўлланилса, хизмат кўрсатиш корхоналарининг ижтимоий самарадорлиги янада ошади.

Юқорида қайд этилган мезонлар ва уларнинг кўрсаткичларидан хусусий тадбиркорлик фаолиятларини баҳолаш, комплекс таҳлил қилиш ва стратегик режалаштиришнинг методо-

логик асосларини яратишда ва уларни тадқиқ этишда фойдаланиш мумкин.

2.2. Хизмат кўрсатниш корхоналарн самарадорлигини оширишда электрон тижоратнинг ўрни

XX асрнинг 70-йилларида рақамли иқтисодиётининг яратилишида бир қатор олимларнинг илмий изланишлари муҳим роль ўйнади. Ахборот технологияларининг кириб келиши, компьютерни меҳнатнинг асосий воситасига айланиши ҳамда маълумотлар узатиш тармоқларида глобал тармоқнинг вужудга келиши ва шу каби омиллар рақамли иқтисодиётни шакллантиришга сабаб бўлди.

Рақамли иқтисодиётни шаклланишининг ўзига хос тарихи мавжуд. Бизнинг назаримизда рақамли иқтисодиётнинг дастлабки босқичи 1960 иилларга туғри келган бўлса-да, ишлаб чиқаришда компьютер технологияларидан фойдаланиш деярли бўлмаган. Маълумотларга қараганда, 1960 йилгача бутун дунёда атига 7000 дан камроқ компьютер ишлатилган. Ишлаб чиқаришнинг жадал ўсиб боришига қарамай, тарихий бурилиш нуқтаси деярли ўттиз иилдан сўнг юз берди. 1993 йилда шахсий компьютерлар ишлаб чиқариш ҳажми биринчи марта енгил автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажмидан ошиб, 35,4 млн. донани ташкил этди. Бугун қўлаб мамлакатларда шахсий компьютерлар ишлаб чиқарилмоқда.

Ушбу жараённинг энг муҳим катализатори интернет тармоғининг бутун дунё бўйлаб тан олинishi эди. Интернетнинг кўпгина афзалликлари, деярли бутун дунё бўйлаб, ўзларининг корпоратив ёки бўлимларига ажратилган тармоқларнинг ривожланишидан оммавий фойдаланишга олиб келди.

Рақамли иқтисодиётнинг асосий белгисини электрон тижорат ташкил этади. Электрон тижорат концепциясини қуйидаги таърифлари мавжуд. "электрон тижорат глобал ахборот тармоқларининг имкониятларидан фойдаланиб, ички ва ташқи алоқаларни даромад олиш мақсадида узгартиришдир"⁵⁸.

⁵⁸ Успенский И.В. Энциклопедия Интернет-бизнеса - СПб. Питер, 2001, стр. 432

Замонавий иқтисодий алабберда кўп ҳолларда UNCTAD (БМТ қошидаги Савдо ва тараққийот бўйича комиссия) томонидан берилган электрон тижоратнинг таърифидан фойдаланилади унга кўра, "электрон тижорат" рақамли ахборотни қайта ишлаш ва узатиш, шу жумладан матнлар, ташкилотларнинг ва жисмоний шахсларнинг тижорат фаолияти билан боғлиқ бўлган барча битимлар, товушлар ва визуал маълумотларни" англатади.

Ушбу таърифнинг мукамаллигига шубҳа йўқ, бироқ ҳозирги пайтда электрон тижорат томонларнинг ўзаро электрон ва жисмоний таъсирини ўз ичига олади. Чунки ҳозирги глобллашув шароитида электрон тижоратда мавжуд бўлган вазиятни тулиқ баҳолашнинг имкони йўқ.

Электрон тижорат концепцияси ва унинг қуламини илмий асослаш мавжуд ёндашувларни таҳлил қилиш ва тасинфлаш натижалари 2.2.1-жадвалда келтирилган.

Келтирилган ёндашушларнинг энг муваффақиятлиси шубҳасиз Н.Соловьевнинг "электрон тижорат" тушунчасига берган таърифини тасдиқлаш жонз. Унга кўра, электрон тижорат - анъанавий тижорат турлари билан солиштирганда юқори иқтисодий самарадорликни таъминлаш учун энг илгор ахборот технологиялари ва алоқа воситаларини қўллаш билан боғлиқ ҳар қандай тижорат операциялари ва битимлардир.⁵⁹

"Границы электронной торговли" китобининг муаллифлари куйидаги умумий тавсифни тақдим этадилар: "Электрон тижорат - корхоналар, улгуржи сотувчилар ва истеъмолчиларга кетадиган харажатларни камайтириб, маҳсулот ва хизматларнинг сифатини яхшилаш ҳамда етказиб бериш тезлигини ошириш имконини берадиган замонавий тижорат усулидир"⁶⁰. Қўриб турганимиздек, муаллифлар умуман олганда, электрон тижорат ва тижорат уртасида фарқни ажратмайди. Бундан ташқари, "Электрон тижорат" концепциясининг юқоридаги таърифи анъанавий савдонинг концепциясидан фарқ қилади. Ҳам биринчи, ҳам иккинчи ҳолатларда харажатларни

⁵⁹ Соловьев Н. И. Приоритеты законодательства в области электронной коммерции // Мир электронной коммерции. 2000. № 1. Янв. стр. 62.

⁶⁰ Воробьев К.Ю. Границы электронной торговли - СПб: Спектр, 2015

камайтириш, товарлар ва хизматларнинг сифатини ошириш, буюртмаларни бажариш тезлигини ошириш керак.

**"Электрон тижорат" тушуничасининг таснифи
ва ушнинг мавзу майдонини белгилашга ёндавушлар**

2.2.1-жадвал

Муаллифлар томоидан белгилаш учун ишлати- ладиган ко- тигориялар усуллар	Ишлатилиш соҳасининг қисқача тавсифи	Муаллифлар
Этимологик	электрон тижорат	Дэвид Уорье, Рейналд Д., Волокитин А.В., Манюшкін А.П., Самойлов А.Б., Савченко С.Л.
	интернет-тижорат	Голдовский И., Даниэл Этмор, Соловьев А.П., Геращенко Н.И.
Этимологик ва эмпирик бирикма	электрон маркетинг	Успенский И.В.
	интернет-маркетинг	Смирнов С.И., Эвод Иланес
Эмпирик	маркетинг, логистика, Интернетдан фойдаланишни давлат томонидан тарғибга солиш, турли фаолиятлар руйхати, шартномавий муносабатлар шакллари ва бошқалар. (Электрон савдо буйича UNCITRAL Модел Қонунининг таржимасига асосланган)	Пяррип В.А., Кузьмин А.С., Смирнов С.И., Соловевко И., Царев В.В., Кантарович А.А., Пирогов С.В., Коблев О.А., Резго Г.Я., Скиба В.И.

Эмпирик умумлаштирув	"тижорат битимлар" ни тузиш ва юқро этиш	Мэт Хэнг, Успенский И.В., Соловейко Н.
	Интернет тижорат (тижоратнинг кенг маъносида)	Саммер Л., Дункан Г.
	Электрон воситалардан фой- даланган ҳолда савдо опе- рациялари ва ишлаб чиқаришни назорат қилиш	Пировов С.В., Кобелев О.А., Резго Г.Я., Скиба В.И.
Назарий	Электрон ахборот техноло- гиялари қўлланиладиган иқтисодий муносабатлар; электрон ахборот технологияларидан фойда- ланган ҳолдаги тижорат фаолияти.	Юрасов А.В.

Маъба: Копачев А.А. Электронная коммерция как

фактор инновационного развития деятельности предприятия, Санкт-Петербург, 2009.

Маъба: Копачев А.А. Электронная коммерция как фактор инновационного развития деятельности предприятия, Санкт-Петербург, 2009.

Электрон тижорат – электрон шаклда амалга оширилган ҳар қандай тижорат операцияларини ўз ичига олган ва турли телекоммуникация технологияларидан фойдаланадиган умумий тушунчадир. Тижоратга оид битимлар туғридан-туғри фирмалар, фирмалар ва мижозлар ўртасида, шунингдек, фирма ва давлат органлари ўртасида амалга оширилиши мумкин.

"Электрон тижорат" тушунчаси қўллаб-қувватлаш турли технологияларни, жумладан EDI (Electronic Data Interchange - электрон маълумотлар алмашуви), электрон почта, интернет, интранет (компания ичидаги маълумот алмашиш), экстранет (ташқи дунё билан ахборот алмашиш) каби хизмат турларини бирлаштиради.

Электрон тижорат – электрон тижорат тизимининг алоҳида ҳодисасидир. Ушбу савдо (улгуржи ёки чакана савдо) маҳсулот ёки хизматларни етказиб берувчига ҳақ тулашни аниқлади.

Савдо еки тижорат – фойда олиш учун товар еки хизматлар алмашиш учун иқтисодий фаолият туридир. Бундай ҳолда, тижорат ҳар қандай савдо, ишлаб чиқаришни, шунингдек, тижорат фаолиятидаги иштирокчи ва қизиқишни ўз ичига олиши керак. Бунда, технологик жихатдан аниқ ифодаланган ушбу савдо белгилари мавжуд:

- аниқ фаолиятни амалга ошириши;
- сотилган еки сотиб олинган активларга мулкдорлик ҳуқуқи;

- маҳсулотни сотилиши ушун амалга ошириладиган ишлар;
- активни сотиш шартлари;
- фойда олиш истаги.⁶¹

Қунида келтирилган тижорат белгиларига асосан, электрон тижоратнинг хусусиятларини шакллантириш мумкин:

- операция. электрон тарзда амалга оширилади, яъни ахборот технологияларидан фойдаланиш;

- анъанавий ва асосан янги (масалан, электрон шаклда маълумотлар) сотиладиган еки сотиб олинган активларга эгалик қилиш ҳуқуқини берилиши;

- моддий ва электрон маҳсулотларни сотиш учун тайерлаш;
- маҳсулотни, шу жумладан электрон қурилишларини ҳам сотиш шартлари;
- фонда олиш истаги.

Электрон тижорат катта хусусиятларга эга куп тармоқли тижорат амалиётларини ўз ичига олади⁶².

- маълумот алмашиш;
- миждоз ва етказиб берувчи ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш;
- сотувдан олдинги ва кейинги хизматларни қўрсатиш;
- товарлар ва хизматлар сотиш;
- электрон тўлов;
- товарлар ва хизматларни таркатиш;
- виртуал корхоналарни ташкил этиш имконияти;

⁶¹ Полишаев В. E-commerce: штрихи к портрету // CONNECT! Мир связи. - 2004. №6

⁶² Электронный маркетинг: Учеб. пособие / под ред. Т.П. Данило, Н.Б. Завьяловой, О.В. Саттыковой – М.: ИНФРА-М, 2003. стр 377; Батукин Е. Call-центр в концепции CRM // Sales business/ Продакт. 2004. №3. стр 16-19.

- компания ва унинг савдо шериклари томонидан бир-галикда бошқариладиган тижорат-жараёнларни амалга ошириш.

Электрон тижорат глобал миқёсда тижоратни амалга ошириш имкониятини беради. Компаниялар ички имкониятлардан самарали ва мослашувчан фойдаланиши, етказиб берувчилар билан самарали ҳамкорлик қилиши ва миждозларининг талаб-ларига тезроқ жавоб беришлари мумкин.⁶³

Электрон тижорат билан жорий қилинган замонавий тижоратнинг қўйидаги хусусиятлари эътиборга олингани мумкин:

- рақобатни кучайтириш;
- фаолиятнинг глобаллашуви;
- ҳамкорликни яқинлаштириш;
- товарлар ва хизматлар учун тарқатиш каналларини қисқартириш;
- харажатларни тежаш.

Бундан ташқари, интернетга кириш орқали очик электрон маълумотларга эга бўлган электрон тижоратдан фойдаланиш унинг барча иштирокчиларининг хавфсизлигини, махфийлигини ва аутентификациясини таъминлашни талаб қилади. Қабул қилинган хавфсизлиқни таъминлаш механизмлари учинчи томон сертификатига асосланганлиги сабабли глобал электрон тижорат глобал сертификатлаштириш тизимларини талаб қилади⁶⁴.

Электрон тижоратни ва электрон тижорат салоҳиятини туғри баҳолай олмаслик рақобат бозорида компанияларнинг позицияларини йўқотишга олиб келиши мумкин. Буни олдини олишнинг ягона усули қўйидаги қоидалар билан боғлиқ:

- замонавий ахборот технологияларининг ривожланишини диққат билан кузатиш;
- инновациялардан фойдаланишда бозордан бир қадам олдинда бўлиш.

Электрон тижорат юридик регламентлардан фойдаланиш-ни талаб қилади, бу глобал бозорнинг ривожланишига ёрдам беради. Қонунчилиқни бирлаштириш ва турли давлатларда қўлланиладиган қоидалар ва тартибларни соддалаштириш

⁶³ Быков В.А. Электронный бизнес и безопасность. – М.: Радио и связь, 2000, стр. 200.

⁶⁴ Батиев Г.Л., Асаул А.Н. Организация предпринимательской деятельности. Учебное пособие/ Под редакцией проф. Г.Л. Батиева. – СПб.: Изд-во СПбГУЭФ, 2001, стр. 231

зарур, бу тижорат ва ҳукумат вакиллари ўртасидаги ҳамкорликни талаб қилади.

Электрон тижорат компьютер тармоқлари орқали фақатгина пул маблағларини сотиш ва сотиб олиш билан бошланар эди. Бугунги кунда электрон тижорат мақсадлари тижорат нуқтан назаридан кенгайтирилди. Улар фойда олиш учун товарлар ва хизматлар сотиб олиш ҳамда сотиш билан бевосита боғлиқ бўлган тижорат жараёнларни ўз ичига олади. Электрон тижорат, шунингдек, қазиб олишни фойда олиш мақсадида қўллаб-қувватлашни назарда тутати⁶⁵.

Электрон тижорат фаолияти тижорат операцияларини амалга оширишда қуйидаги шаклларида бўлиши мумкин: савдо, тарқагиш, шартномалар, факторинг ва лизинг, саноат объектларини қуриш ва консалтинг хизматларини кўрсатиш, товарлар ва хизматлар сотиб олиш ҳамда сотиш, суғурта, инвестиция ва молиялаштириш, банк хизматлари, қўшма корхоналар ва тижоратнинг бошқа шакллари.

Электрон тижорат тузилмаси жуда кўп қиррали бўлиб, компаниянинг интернетдаги ваколатхоналаридан бошлаб бир нечта компаниялар (масалан, аутсорсинг ёки виртуал корхона) томонидан олиб бориладиган қўшма фаолият учун электрон қўллаб-қувватлашдан иборат бўлган кўп босқичли тизимдир. Электрон тижорат асосан глобалдир. Халқаро миқёсда миллий тизимга нисбатан электрон тижорат солиққа тортиш, боғхона туловлари ва банк қондалари ўртасидаги фарқлар каби мураккабдир.

Электрон алоқалар иштирокчиларининг тоифаларига қараб, электрон савдо тижорат тармоқларига бўлиниди⁶⁶. Электрон тижоратнинг узаро алоқасига кўра қуйидагича таснифлаш мумкин (2.2.2-жадвал).

Business-To-Business (B2B) модели товарлар ёки хизматлар ишлаб чиқарувчи компаниялар ўртасида амалий ишларни ташкил этишга йўналтирилган сектор ҳисобланади. Ушбу электрон тижорат сектори корпоратив мижозлар томонидан хомашё, ярим тайёр маҳсулотлар, маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат

⁶⁵ Воедев Д. Российские реалии и перспективы. Рынок систем управления предприятием // Connect. Мир сегун. 2001. №12. стр. 42-44.

⁶⁶ Галлицов Г. С. и др. Основы инновативной и инновационной деятельности. С.-Пб.: Политехника, 2000.

курсатиш учун компонентларни сотиш билан бир каторда, электрон маълумотларни йиғиш ва узатиш учун махсус тизимларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш билан шуғулланади, савдо ҳамкорларнинг зарур интеграциясини таъминлайди.

Электрон тижорат иштирокчиларнинг гуруҳлаш таснифи

2.2.2-жадвал

Фао- лият тури	Тижорат (Business)	Истеъмолчи (Customer)	Ҳукумат (Government)
Тижорат (Business)	Тижорат- тижора- ратга (Business 2 Business) (B2B): • савдо ва таъминот платформалар; • таъминотни бошқариш тизимлари (Электрон харидлар); • етказиб берувчиларни, таъмирлашнинг тўлиқ циклли тизимлари (SCM); • тарқатиш бошқарув тизимлари (e-тарқатиш); • миқозларни қўллаб-қувватлашнинг тўлиқ айланма тизими (CRM); • саноат электрон савдо майдончалари; • Электрон бозорлар; • ауцорсинг; • Электрон тулов тизимлари;	Тижорат-истеъмолчиларга (Business 2 Customer) (B2C): • савдо марказлари; • дўконлар ва каталоглар; • Электрон дўконлар, • Электрон аукционлар; • Интернет-савдо; • Электрон тулов тизимлари; • интернет-суғурта; • вирусли маркетинг тизимлари; • интернет-реклама; • ҳомийлик дастурлари; • туристик ва бошқа хизматлар	Тижорат – ҳукуматга, давлат эҳтиёжлари учун махсулотни сотиб олиш учун электрон савдо-ларда иштирок этиш (Business 2 Government) (B2G); • давлат буюртмалари ни бажариш; • солиқ, статистика, божхона ва бошқа ҳисоботларни тақдим этиш

	• виртуал корхоналар; • Электрон биржа; • Электрон аукционлар; • Интернет-савдо; • Интернет инкубаторлар; • Интернет-реклама; • мобил тижорат тизимлари; • сугурта тизимлари.		
--	--	--	--

Истеъ- молчи (Customer)	Истеъмол-чилар - бизнесга (C2B): ➢ хусусий хизматлар; ➢ сўровномада қатнашиш ва бошқа реклама акциялар; ➢ ҳамкорликда иштирок этиш дастурлари ва ҳомийлик қилиш дастурлари	Истеъмол-чилар – истеъ-молчиларга (C2C): ➢ ахборот бюллетенларини; ➢ онлайн аукционлар; ➢ Вирусли тизимлар маркетинги; ➢ Тизимлар қатламли маркетинги;	Истеъмол-чилар – ҳоки-мият (C2G): ➢ сайловлар; ➢ иштирок этиш; ➢ сўровлар; ➢ оммавий фикрлар; ➢ солиқлар тулаш; ➢ туловлар, жарималар;
--	---	--	--

Ҳукумат (Government)	Ҳукумат-тижоратга (G2B) (электрон ҳукумат): ❖ тизимлар тарқатиш давлат буюртмалар; ❖ электрон савдолар; ❖ алоқа билан таъминлаш; ❖ солиқ, божхона органлари; ❖ давлат органлари; ❖ сертификатлаш ва лицензиялаш, маъмуриятлар ва бошқалар.	Ҳукумат – истеъмолчиларга (G2C) (электрон ҳукумат): ❖ ижтимоий тизим ❖ хизмат (пенсия, ❖ нафақа, имтиёзлар ва бошқалар); ❖ коммунал тизимлар хизмат курсатиш; ❖ юридик ва маълумотлар, маълумотнома хизматлари; ❖ геоинформациялар тизимлар.	Ҳукумат – ҳукуматга (G2G) (электрон ҳукумат): ❖ сайловлар; ❖ автоматлаштирилган электрон тизимлар; ❖ ҳамкорлик; ❖ божхона; ❖ солиқ; ❖ ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари; ❖ географик ахборот тизимлари.
---------------------------------	---	---	--

манба: муаллиф ишланмаси



2.2.1-расм. Содалаштирилган шаклда электрон тижорат тизимини ташкил этишининг “Business-To-Business” модели.

Business-To-Business моделлари (2.2.1-расм) етказиб бериувчиларга буюртма бериш, туловларни қабул қилиш ва тулаш учун интернетдан фойдаланадиган иккита фирма (компания-

нинг) тижорат жараёнларини тулик автоматлаштирилган узаро таъсирлаш схемасини амалга оширади. Интернет порталлари ёрдамида интернет-тизим (тижоратнинг ташқи жараёни) билан тижорат жараёнларни автоматлашган тарзда узатиш таъминланади.

Business-To-Business моделлари қуйидаги хусусиятларга эга:


1. Тижорат тизимидан интернетга автоматик кириш имконини берувчи шлюзнинг мавжудлиги.

2. Иш жараёнига ва фирма (компаниянинг) тижорат жараёнига маълумотларни киритиш / чиқаришнинг бевосита интеграцияси.

3. Утказилган хабарлар учун умумий стандартлардан фойдаланиш - EDI (Electronic Data Inter exchange).

4. Электрон тижорат тизимида иштирок этадиган фирмаларнинг теъглиги (дистрибутор-дилерлик тури изархияси, ишлаб чиқарувчи-етказиб берувчи) мавжуд эмас.

Business-To-Consumer модели (B2C) товар ва хизматларнинг индивидуал истеъмолчилари булган компаниялар фаолиятига қаратилган, соҳани ифодалайди. Ушбу моделни аъъавий савдодан фарқи каталогдаги маҳсулот ва хизматлар билан бирга етказиб бериш хизматидан фойдаланиб мижозлар фақатгина компьютер ва электрон кредит картасидан фойдаланган ҳолда, уйдан ёки идорасидан чиқмасдан хизматлар ва маҳсулотларни харид қилишлари мумкин. Ушбу моделни амалга ошириш потенциал харидорларни топишга янги имкониятлар очади. Ушбу хусусиятлардан бири (customizing) *фойдаланувчи учун мослаштиришидир*. Бу харидорга такдил этиладиган шундай имконият бўлиб, унинг моҳияти келажакда соғиб олинадиган товарларни истеъмолчининг мустақил равишда лойиҳалаштиришидир. Хусусан, *NIKEiD* онлайн-дуқонининг ҳудудида харидорлар ўзларига мос келадиган пойабзал вариантини лойиҳалашга кодир маълум бир материалдан таглик танлаш, ранги, ҳар қандай ёзувни 8 белгига жойлаштириш. Бундай ҳолда, харидор томонидан яратилган параметр дарҳол компьютер экранда қуриниши мумкин.



2.2.2-р исм. Электрон тижорат тизимининг “Business-To-Consumer (B2C)” тизимини ташкил қилиш модели.

2.2.2-расмда биринчи фирма (компаниянинг) бошқарув тизимига эга боғланиш шлузи сақланади, иккинчи фирма ички назорат тизими интернетга уланмаган. Натижада, бу ҳолда биринчи компания билан автоматик маълумотлар алмашинуви мавжуд эмас.

Бошқа томондан, иккинчи компания ўз раҳбарлари орқали биринчи компания билан "қўлда" мулоқот қилишлари мумкин. Менежерлар баъзи бир интерфейсларни ишлатиб, биринчи фирма билан мулоқот қилишлари мумкин (масалан, браузер). Менежерлар (масалан, электрон почта орқали ёки браузер орқали) биринчи компаниядан керакли маълумотларни олишлари ва кейинчалик уларнинг бошқарув тизимига маълумот киритишлари, ўз тижорат жараёнларини амалга оширишлари мумкин. Иккинчи фирманинг менежерлари биринчи фирманинг истеъмолчилари ҳисобланадилар. Иккинчи электрон тижоратни ташкил қилиш модели - тижоратдан истеъмолчиларга хос хусусиятлари қуйидагилар.

1. Сотувчи (фирма 1) интернет-интерфейси билан интеграцияланган, автоматлаштирилган савдо тизимидан фойдаланиб эмас, балки "қўлда" ўз менежерлари орқали сотади.

2. Сотувчи компаниясининг тижорат жараёни ва онлайн-дўкони ташқи интерфейси ўртасида тўлиқ интеграция мавжуд эмас.

Интернет орқали сиз бирон-бир товарни муваффақиятли сотишингиз ёки муайян хизмат турларини тақдим этишингиз мумкин. Тижорат-то-тижорат бозори Интернет орқали сотиладиган товарлар ва хизматларнинг номи ҳамда турига боғлиқ эмаслиги аниқланди. Шу билан бирга, тижорат-то-истеъмолчи

бозорида етарли иқтисодий фойда келтирмайдиган товарлар ва хизматлар мавжуд.

Электрон тижоратнинг учинчи тури – тижорат-ҳукумат - фирмалар ва давлат ташкилотлари ўртасидаги барча турдаги операцияларни уз ичига олади. Масалан, Қўшма Штатларда режаланган давлат харидлари ҳақидаги маълумот интернетда эълон қилинади. Барча компаниялар уз таклифларини электрон тарзда юборишлари мумкин. Харидларни эълон қилиш билан бир қаторда, маъмурий органлар, масалан, қўшимча қиймат солиғини қайтариш каби операциялар давомида электрон алмашинув имкониятини ҳам таклиф қилиши мумкин. Электрон тижорат тизимини ташкил этишнинг ушбу модели ривожланишнинг дастлабки оосқичида.

2.2.2-жадвалда келтирилган моделлар замонавий илмий адабиётларда кенг муҳокама қилинмоқда, бироқ шуни таъкидлаш керакки, C2B (истеъмолчи-тижорат), C2G (истеъмолчи-ҳукумат), G2B (ҳукумат-тижорат), G2C (ҳукумат-истеъмолчи) каби соҳалар тулиқ куриб чиқилмаган. Бундан ташқари, ушбу соҳалардаги савдо-сотиқ жараёнларида тижорат-жараёнларни амалга ошириш масалалари етарлича таҳлил қилинмаган.

Кундалик ҳаётда ва тижорат жараёнларни амалга оширишда глобал коммуникациялардан фойдаланиш "реал вақтда иқтисодиёт" ва "Электрон тижорат" каби ҳуқуқий тоифаларнинг пайдо бўлишига олиб келди. "Электрон тижорат" ҳуқуқий маънода халқаро ва ички операциялар (қонунлар билан чекланмаган) шаклида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тижорат-лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган барча турдаги муносабатларни қамраб олади: олди-сотди, етказиб бериш, маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битим, савдо ваколатхонаси ёки лизинг, дизайн, консалтинг, инжиниринг, индестияция шартномалари, суғурта, операцион ва концессия шартномалари, банк хизматлари, биргаликдаги фаолнят, саноат ва ишбилармон ҳамкорликни, товарлар ёки йўловчиларни ҳар қандай (ҳаво, денгиз, темир-йўл) транспорти билан ташиш. Бу йўлда амалга оширилган битимлар сони ортиб бормоқда. Мисол учун, Қўшма Штатлардаги Федерал Савдо Комиссияси томонидан тақдим этилган

статистика маълумотларига кура, бугунги кунда электрон тижорат билан савдолар сони ҳар юз кунда икки бараварга кўпайган⁶⁷.

Давлатларга мавжуд ҳуқуқий тусиқларни енгиб утишда ёрдам бериш мақсадида, 1996 йилда Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича БМТ комиссияси электрон савдо бўйича намуна қонуни ишлаб чиқилган (Model Law On Electronic Commerce). Қонун, миллий қонунчиликда давлатлар электрон шаклда сақланган ахборотнинг ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган асосий масалаларини, имзо, асли ва нусхалари, электрон ҳужжатларни сақлаш, шунингдек, уларни суд-медицина далиллари сифатида тан олинishi мумкин бўлган моделдир. Модель қонуни қозғоҳ ҳужжатлари ва рақамли шаклда ахборотнинг тенг ҳуқуқли режимилини таъминлайди.

Шунн таъкидлаш кераки, электрон тижоратни ривожлантириш даражаси электрон айирбошлаш иштирокчиларини тартибга солиш ва ҳимоя қилиш бўйича давлатга юқори талабларни қўяди.

Ўзбекистонда ҳуқуқий ахборот жамиятига кириб боришга қаратилган биринчи қадамлардан бири Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонуни бўлди. Ушбу қонун 14 та моддадан ташкил топган бўлиб, унда электрон тижоратга оид атамаларга аниқлик киритилган. Жумладан, ушбу қонуннинг 3-моддасида электрон тижоратга қўйидагича таъриф берилган: "Ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган, товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар курсатишга доир тadbиркорлик фаолчяти электрон тижоратдир."⁶⁸ Қурилиб турибдики, фақатгина электрон муҳитда товар айирбошлаш электрон тижорат деб аталмайди, бундан ташқари маълум бир ишларни бажариш, масалан, дастурий таъминотни янгилаш ёки янги дастур яратиш, хизматлар курсатиш, масалан, алоқа хизматларини курсатиш ва бош-

⁶⁷ М. Яров С. Успех автоматизации: ключевые факторы // Бизнес-форум IT. 2003. №11. стр 38-41.

Нордстрем К. А., Ридерстрале И. Бизнес в стиле фанк. — СПб: Столбовая школа экономики в Санкт-Петербурге, стр 280.

⁶⁸ Ўзбекистон Республикасининг "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонуни 2004 йил 29 апрелда, 613-П-сон

қалар. Энг асосий шарт бу ерда жараён масофадан туриб ахборот тизимлари орқали амалга оширилишн керак.

Ушбу қонун 2015 йил 22 майда узгартириш ва қўшимчалар киритилгандан кейин 20 моддадан ташкил топган янги “Электрон тижорат туғрисида”ги қонун кучга кирди. Ҳозирда ушбу қонунга асосан электрон тижорат тартибга солиш шундай амалга ошириладиган бўлди.

Ушбу қонуннинг 2-моддасида шундай дейилади: “Электрон тижорат туғрисидаги қонуи ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг электрон тижорат туғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.”⁶⁹ Ушбу қонуннинг иккинчи хат бошига эътибор берсак, унда бу қонун электрон тижоратни халқаро даражага кўтариш учун узгартириш ва қўшимчалар киритилган.

3-моддасига қарайдиган бўлсак, “Ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тузиладиган шартномага (бундан буён матнда электрон тижоратдаги шартнома деб юритилади) мувофиқ амалга ошириладиган товарлар (ишлар, хизматлар) олди-сотдиси электрон тижоратдир.”⁷⁰ 2004 йилги “Электрон тижорат туғрисида”ги қонуннинг ушбу фаолият турига берилган таърифидан анча фарк килади. Олдингисидаги “таббиркорлик фаолияти” тушунчаси “олди-сотдиси” тушунчасига айлан-тирилди. Демак, қонун лойиҳаларимиз борган сари такомиллаштирилиб борилмоқда, токи жаҳон иқтисодиетига интеграциялашиш осонлашиши учун.

2015 йилда қабул қилинган қонунда яна қуйидаги моддалар билан тўлдирилганки, бу моддалар электрон тижорат соҳасини тартибга солишда жуда муҳим аҳамият касб этади. Қонуннинг “Электрон тижоратнинг асосий принциплари” номли 4-моддасида қуйидагилар белгилаб қўйилган:

⁶⁹ “Электрон тижорат туғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси қонунга узгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 2015 й 22 май.

⁷⁰ Ушба маъна

- электрон тижоратда тadbиркорлик фаолиятини амалга ошириш эркинлиги;

- электрон тижоратда шартномалар тузишнинг ихтиёрийлиги;

- электрон тижоратда иштирок этиш шарт-шароитларининг тенглиги;

- электрон тижорат иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиниши.” 4 та асосий принцип орқали ушбу соҳа аниқ белгиланган.

Айнан ушбу қонуннинг 11-моддаси 2-абзацида электрон тижоратни амалга ошириш ҳуқуқи ҳақида берилган. “Электрон тижорат иштирокчиси — товарларни (ишларни, хизматларни) сотувчи давлаг рўyxатидан утказилган пайтдан эътиборан, фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга оширган тақдирда эса тегишли лицензияни олган пайтдан эътиборан электрон тижоратни амалга ошириш ҳуқуқига эга.”⁷¹

15-моддасида электрон тижоратда шартнома тузиш ва уни бажариш тўғрисидаги шартлар аниқ қилиб белгиланган.

“Электрон тижоратдаги шартнома акцептни амалга ошириш йўли билан:

- электрон ҳужжат тарзида,
- электрон хабар тарзида;
- офертда кўрсатилган шартларни бажариш бўйича ҳаракатларни содир этиш орқали тузилиши мумкин.

Электрон тижоратдаги шартнома офертани юборган электрон тижорат иштирокчиси томонидан офертанинг акцепти олинган пайтдан эътиборан тузилган деб эътироф этилади.

Электрон тижоратдаги шартномани бажариш билан боғлиқ ҳужжатлар электрон ҳужжат тарзида ёки қозғалди расмийлаштирилиши мумкин.”⁷² Бундан олдинги қонунда фаолиятнинг ушбу томонлари еритилмаган эди.

Қонуннинг 18-моддасида Электрон тижоратда шахсга доир маълумотлардан фойдаланиш тўғрисида тартиб кел-

⁷¹ “Электрон тижорат тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 2015 й 22 май

⁷² Ушбу маъно

тирилган ва бу билан шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқлари химоя қилинган.

“Агар тарафларнинг келишувида ва (ёки) қонун ҳужжатларида ботиқча қоида назарда тутилмаган бўлса, электрон тижоратда шахсга доир маълумотлардан шартнома мақсадида узга мақсадларда фойдаланиш ҳамда уларни учинчи шахсларга бериш тақиқланади.

Шахсга доир маълумотлардан офертани ва (ёки) рекламани тарқатиш, шу жумладан электрон ҳужжатларни ёки электрон хабарларни оммавий тарзда юбориш орқали тарқатиш учун ушбу маълумотлар эгасининг рёзилигисиз фойдаланишга йул қўйилмайди.”⁷³

Бундан ташқари, 2018 йил 14 майда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев ИҚ-3724-сонли “Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорини қабул қилди. Ушбу қарор электрон тижорат соҳасидаги қўллаб қатнашчилар, вазият ва ҳолатларга ҳуқуқий асос бўлади.

Бизнинг фикримизча, электрон тижорат соҳасида қуйидаги муаммоларни бартараф этиш мақсадга мувофиқ:

- электрон тижорат соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг амалдаги тизими соҳа тараққиётининг жадал суръатлардаги ўзгаришларига мос келмайди ва уз навба-тида аҳоли кенг қатлами ва тадбиркорлик субъектлари учун электрон тижоратдан фойдаланиш имконини таъминламайди;

- маҳаллий тадбиркорлик субъектларига ташқи бозорларда тўлиқ рақобатлашиш, шунингдек, харажатларни оптималлаштириш имконини бермаётган электрон тижорат орқали товарлар (хизматлар)ни экспорт қилишнинг эскирган бюрократик тўсиқлари сақланиб қолмоқда;

- электрон тижоратни ривожлантиришга йўналтирилган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш жараёни лозим даражада йўлга қўйилмаган, бу эса иқтисодиегни рақамлаштириш ва тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг тўхтаб туришига олиб келмоқда,

⁷³ “Электрон тижорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 2015 й. 22 май.

- маҳаллий тулов тизимларининг машҳур хорижий аналоглари билан интеграцияси йўқлиги, мамлакат тadbиркорлик субъектларининг электрон тижорат соҳасидаги етакчи хорижий ташкилотлар билан тулиқ халқаро ҳамкорликда ишлашларига, шунингдек, маҳаллий бозорнинг экспорт салоҳияти ва рақобатбардошлигига таъсир қилмоқда;

- электрон тижорат имкониятлари ва афзалликларини, жумладан, товарлар (хизматлар) учун, айниқса, жойларда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни оммалаштириш даражаси пастлигича қолмоқда, бу эса хуфёна иктисодиёт ҳажмининг ошишига ва давлат бюджетига солиқ тушумларининг камайишига олиб келмоқда;

- амалдаги соликка қўриш тизими электрон тижорат соҳасидаги тadbиркорлик субъектлари, жумладан, ахборот воситачилари фаолиятини кенгайтиришни рағбатлантирмайди, бу эса интернет тармоғи орқали маҳсулотларни хуфёна айирбошлаш ҳажми ошишига олиб келмоқда, шунингдек, ушбу соҳага инвестициялар ва замонавий технологияларни жалб қилишни чекламоқда.⁷⁴

Мамлакатда электрон тижоратни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, товарлар (хизматлар)ни интернет тармоғи орқали реализация қилиш учун замонавий механизм ва тартиб-таомилларни жорий қилиш, маҳаллий тadbиркорлик субъектлари маҳсулотларини экспорт қилиш географиясини кенгайтириш ва ҳажмини ошириш мақсадида қуйидаги янгиликлар киритилди:

- қонун ҳужжатларига мувофиқ электрон тижорат иштирокчилари томонидан хизматлар курсатиш жараёнида ахборот тизимлари томонидан шакллантириладиган, битимлардаги томонларни идентификациялаш имконини берувчи электрон чеклар, қвитанциялар, хабарлар ва бошқа усуллар товарлар (хизматлар) учун туловларни тасдиқловчи қвитанциялар, талоилар, чипталар ва бошқа ҳужжатларга тенглаштирилади,

⁷⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Электрон тижоратни тавал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3724-сонли қарори, 2018 йил 14 май.

- тадбиркорлик субъектлари томонидан электрон тижорат битимларини амалга оширишда туловлар виртуал терминаллар (E-POS) орқали харидорга нақд пулни қабул қилганлиги тўғрисида электрон чек ёки бошқа тасдиқловчи ҳужжатни мажбурий юборган ҳамда инкассация қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда пул маблағларини хизмат кўрсатувчи банкка топшириш шarti билан нақд пул шаклига қабул қилиниши мумкин;

- электрон тижорат субъектлари савдо фаолиятини амалга оширишда тулов терминалларида фойдаланган ҳолда тадбиркорлик субъектларининг корпоратив банк карталари, шунингдек, электрон тулов тизимлари орқали туловларни қабул қилиш ҳуқуқига эгадирлар;

- халқаро тулов тизими орқали туланган ҳолда бутунжаҳон Интернет тармоғи орқали битта инвойс бўйича 5 минг АҚШ долларигача товар (хизмат)ларни экспорт қилишда харидор билан ёзма шартнома тузиш талаб этилмайди ва барча юридик ҳамда жисмоний шахсларга умумқабул қилинган халқаро амалиятга мувофиқ ҳисобот юритган ҳолда Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига ахборот киритмасдан ҳамда почта алоқа хизматлари кўрсатиш қоидаларига мувофиқ юкнинг божхона декларациясини расмийлаштирмасдан амалга оширишга рухсат этилади.⁷⁵

Виртуал терминаллар (E-POS) шу турдаги назорат-касса машиналари ва тулов терминалларига тенглаштирилади. 2018 йил 1 июлдан бошлаб:

- электрон тижорат орқали реализация қилинган товарларни етказиб бериш бўйича хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларига учинчи шахслар (товарларни сотувчилар) учун туловларни кейинчалик уларни белгиланган тартибда инкассация қилиш шarti билан қабул қилиш ҳуқуқи берилди;

- электрон тижорат орқали сотиладиган товарлар (хизматлар) учун уларнинг умумий қийматидан мажбурий 15 фоизли олдиндан тулов тулаш талаби бекор қилинди:

⁷⁵ «Электрон тижорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига узгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 2015 й 22 май

➤ электрон тижорат орқали реализация қилинган товарларни сотувчига ва етказиб берувчига шахсий мулк, ижара ва бошқа фойдаланиш ҳуқуқига асосан тегишли бўлган автомобиль транспортида Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб етказиб беришда шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро автомобилда йуловчилар ва юк ташишларни амалга ошириш учун лицензия олиш талаб қилинмайдиган, қонунчиликда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно қилиб белгиланди;

➤ электрон тижорат орқали дори воситалари ва тиббиёт буюмларини реализация қилиш, фақат сақлаш ва етказиб беришда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш тартиби ва талабларига қатъий риоя қилган ҳамда қонун ҳужжатлари талабларини инобатга олган ҳолда амалга оширишга рухсат этилади.⁷⁶

Курсатиб ўтилган муаммоларни бартараф этиш мақсадида 2018 йил 1-юлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Миллий Реестри ташкил этилди. Миллий реестрга ихтиёрий ва бепул асосда товар (хизмат)ларни электрон тижорат орқали сотишдан олган даромадлари умумий сотилган товарлар (хизматлар) ҳажмининг камида 80 фоизини ташкил этувчи, шу жумладан электрон тижоратда электрон савдо майдончалари, товарларни етказиб бериш, электрон ҳужжатлар ва хабарларни сақлаш хизматларини курсатувчи юридик шахслар ва хусусий тадбиркорлар киритилади. Шунингдек, Миллий реестрга киритилган юридик шахслар ва хусусий тадбиркорлар 2 фоиз ставка бўйича ягона солиқ туловини туловчилар ҳисобланади.

Маълумотга кўра, электрон тижорат телекоммуникация воситалари орқали маҳсулот ва хизматларни тақсимлаш, сотиш ёки сотиб олиш каби фаолиятни қамраб олади. Электрон тижорат тизимининг оммавий ривожланиши интернетни тижорат мақсадларида кенг ишлатиш билан чамбарчас боғлиқ бўлса-да, бу турдаги ҳужалик фаолияти бошқа электрон алоқа воситалари орқали ҳам амалга оширилади, масалан, телефон ва факс орқали, ички компаниялараро мулоқот тармоқларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

⁷⁶ Ушбу мақола

III. БОБ. АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

3.1. Тадбиркорлик – аҳоли фаровонлигини оширишда асосий омил

Ҳозирги замон бозор иқтисодиётида одамларимизнинг тафаккури, дунёқараши, ҳаётга булган муносабати тубдан ўзгарди. Оиласининг фаровонлиги ҳамда турмуш даражаси, энг аввало, ўзига боғлиқ эканлигини тушуниб егишди. Шу сабабдан ҳам, уларнинг аксарияти тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишмоқда.

Мамлакатимизда тадбиркорликнинг жадал ривожланиши-ни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этиш социал-иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. "... биз фақат фаол тадбиркорлик, тинимсиз меҳнат ва интилиш орқали тараққиётга, фаровон ҳаётга эриша оламиз"⁷⁷.

Таби олиш керакки, мамлакатимизни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши тадбиркорлик субъектлари фаолиятида туб ўзгаришлар юз беришига замин яратди.

Иқтисодиётга онд манбаларда тадбиркорлик тушунчасига турли хил таърифлар берилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддасида: "Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, тавakkал қилиб ва ўз мулкни жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият"⁷⁸, дейилган.

⁷⁷ Митрийев Ш.М. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. /Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.

⁷⁸ Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун, 2000 йил 25 май.

Б.Ю.Ходиев ва Ш.Ш. Шодмоновлар муаллифлигида ёзилган “Иқтисодиёт назарияси” дарслигида: “...тадбиркорлик фаолияти шакли, тури ва соҳасидан қатъи назар фойда олиш ва ушбу купаттириш мақсадида амалга ошириладиган иқтисодий фаолиятдир”⁷⁹, деган таъриф берилган.

“Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси”нинг 8-томида “тадбиркорлик” атамаси хусусида: “Тадбиркорлик капитал сарфлаб товар ва хизматлар яратиш билан фойда топишга қаратилган иқтисодий фаолият, бизнеснинг асосий тури; Тадбиркорлик мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва мулксий жавобгарлиги асосида амалдаги қонунлар доирасида ташаббус билан иқтисодий фаолият курсатишдир”⁸⁰, дейилган.

Келтирилган ушбу таърифлардан кўриниб турибдики, тадбиркорликка “даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият”, “фойда олиш нуқтаи назаридан юритилувчи фаолият”, “фойда топишга қаратилган иқтисодий фаолият”, деб қаралган. Бизнеснинг назаримизда, ушбу таърифлар тадбиркорлик фаолиятининг мазмун-моҳиятини тўлиқ очиқ бермайди. Бунда энг муҳим жиҳат “истеъмолчилар талабининг қондирилиши” деган тушунча эътибордан четда қолган.

Ҳозирги замон бозор иқтисодиётида истеъмолчи қирол. Унинг хоҳиш истаги барча тадбиркорларни ҳаракатга келтиради. Тадбиркор қачон фойда қўради? Қачонким, у тақдим этаётган товар (хизмат)лар истеъмолчиларнинг талабини қондиргандан сўнггина фойда қўради.

Шу сабабли тадбиркорлик категориясига таъриф берилганда истеъмолчилар нуқтан назаридан қаралса мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқорида келтирилган фикрлар ва ёндашувларни умумлаштирган ҳолда, биз, тадбиркорлик тушунчасига қўйидаги таърифни беришни лозим топдик: тадбиркорлик – бу таваккалчилик ва ташаббускорлик ҳамда уз мулксий жавобгарлиги

⁷⁹ Ходиев Б.Ҳ., Шодмонов Ш.Ш. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: “Barkamol fayz media”, 2017, 277 бет.
⁸⁰ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 8-т. Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат нашриёти, 2004, 224 бет.

остида истеъмолчилар талабини қондириш орқали фойда топишга қарагилган иқтисодий фаолиятдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасида қайд этилганидек: “Тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир”⁸¹.

Жисмоний шахслар – бу Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахслардир.

Юридик шахслар – бу истеъмолчилар талабини қондириш орқали фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган ҳужалик юритувчи субъект⁸².

Булардан ташқари, тадбиркорлик фаолияти билан давлат ҳам шуғулланиши мумкин. У алоҳида субъект сифатида бевоқифа ўз номидан, шунингдек, унинг номидан маъмурий судудий тузилмалар ёки давлат органлари иштирок этишлари мумкин.

Қонунининг 4-моддасига қура: “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга қонун ҳужжатларида ман этилган бошқа шахслар тадбиркорлик фаолиятининг субъектлари бўлиши мумкин эмас”⁸³.

Мамлакатимизда ҳар бир фуқаронинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун барча иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилган. Бунинг натижасида Ўзбекистонда тадбиркорлик сезиларли даражада ривожланмоқда, уларнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни беқиёс ортиб бормоқда.

⁸¹ Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни, 2000 йил 25 май.

⁸² Юридик шахслар фойда олишни мақсад қилиб олмаган ташкилот(тўғрироғи бўлмаган ташкилот) Бундан ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси, чет эл ёки ариш(қўшма)корхоналар шаклига ҳам бўлиши мумкин.

⁸³ Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни, 2000 йил 25 май.

**Ўзбекистон иқтисодийёт тармоқлари бўйича рухнатдан
ўтган корхоналар ва таъжнлотлар сонн тахлнлн⁸⁴
(фермер ва дехқон хужалнкларнснз)**

(1 январь ҳолатига; мингта)

3.1.1-жадвал

	2016 йил	2017 йил	2018 йил	Ўзгариш, 2018 йил	
				2016 йилга нисбатан, %	2017 йилга нисбатан, %
Жами	278,5	285,3	300,2	107,8	105,2
Шу жумладан:					
қишлоқ. балнк ва ўрмон хужалнк	19,5	20,0	22,6	115,9	113,0
саноат	44,9	46,0	51,4	114,5	111,7
қурилыш	23,3	23,8	25,5	109,4	107,1
савдо	66,3	67,1	67,4	101,7	100,4
ташвиш ва сангаты	10,6	11,5	12,5	117,9	108,7
ақш ва овқатланыш буннча хизматлар	15,6	16,5	18,2	116,7	110,3
эҳборот ва алоқа	7,0	6,9	6,8	97,1	98,
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар курсатыш	8,2	8,4	6,0	73,2	71,4
бошқа турлар	83,0	85,1	89,8	108,2	105,5

⁸⁴Ўзбекистон рақамларда (статистик то'плам). -Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2017. 105 бет; O'zbekiston raqamlarda (t-statistik to'plam). -T.: O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi, 2018, 106 bet.

3.1.1-жалвал маълумотлари далолат берадики, мамлакатимизда, урганилаётган даврда, иқтисодиёт тармоқлари бўйича руйхатдан утган корхоналар ва ташкилотлар сони 21,7 мингтага ёки 7,8 фоизга кўпайган. Энг юқори ўсиш кишлок, балик ва ўрмон хўжалиги, саноат, яшаш ва овқатланиш

бўйича хизматлар, ташиш ва сақлаш, қурилиш тармоқларида кузатилади. Бу даврда ахборот ва алоқа, соғлиқни сақлаш ҳамда ижтимоий хизматлар курсатиш тармоқларида тадбиркорлик субъектлари сони маълум даражада кўскарган.

Ўзбекистонда амалга ошириладиган иқтисодий ислохотлар иқтисодий ривожланиш суръатларини ўзлуксиз ошириб бориш, макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора кўчим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга қараб қолган.

Бугунги кунда, Ўзбекистонда тадбиркорликнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик шакли етакчи ўринни эгаллаб турибди.

3.1.2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, иқтисодиёт тармоқлари бўйича руйхатдан утган кичик корхоналар ва микрофирмалар сони 2018 йил бошида 2016 йил бошига нисбатан 16381 тага ёки 7,2 фоизга кўпайган.

Ўрганилаётган даврда, руйхатдан утган кичик корхоналар ва микрофирмалар таркибида, юқори ўсиш – кишлок, балик ва ўрмон хўжалиги, саноат, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, ташиш ва сақлаш, қурилиш тармоқларида рўн берган. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар курсатиш тармоғида руйхатдан утган кичик корхоналар ва микрофирмалар сони 2018 йил бошида 2016 йил бошига нисбатан 23,5 фоизга кўскарган бўлсада, 2017 йил бошига нисбатан 18,8 фоизга ўсган. Ахборот ва алоқа тармоғи бўйича руйхатдан утган кичик корхоналар ва микрофирмалар сони пасайиш тенденциясига эга.

**Ўзбекистонда иқтисодий фаолият турлари бўйича
руҳатдан ўтган кичик корхоналар ва микрофирмалар
соин таҳлили⁸⁵**

(фермер ва деҳқон ҳужаликларисиз; йил бошига; бирлик)

3.1.2-жадвал

	2016 йил	2017 йил	2018 йил	Ўзгариш, 2018 йил	
				2016 йилга нисба- тан, %	2017 йилга нисба- тан, %
Жами	225 998	225 560	242 379	107,2	107,5
Шу жумладан: :					
қишлоқ, урмон ва балиқ ҳужалиги	19 161	19 596	22 062	115,1	112,6
саноат	44 218	45 339	50 741	114,8	111,9
қурилиш	23 022	23 536	25 208	109,5	107,1
савдо	65 688	66 497	66 865	101,8	100,6
ташиш ва сақлаш	10 189	11 199	12 287	120,6	109,7
яшаш ва овқатла- ниш бўйича хиз- матлар	15 460	16 365	18 037	116,7	110,2
ахборот ва алоқа	6 991	6 681	6 518	93,2	97,6
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни курсатиш	5 897	3 800	4 514	76,5	118,8
бошқа турлари	35 372	32 547	36 147	102,2	111,1

⁸⁵Ўзбекистонда кичик тадбулорлик -Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2018. 55 бет.

Одада бйрон бир соҳа ёки тармоқнинг иқтисодий ўсиши, унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги ҳамда бошқа турли курсатки-лардаги улушининг ортиши орқали ўлчанади. Худди шундай ёндашувни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига нисбатан ҳам қўллаш мумкин.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётнинг асосий турларидаги улуши таҳлили⁸⁶

(фонзда)

3.1.3-жадвал

	2015 йил	2016 йил	2017 йил	Ўзгариш (+,-)	
				2017 йил 2015 йилга нисбатан	2017 йил 2016 йилга нисбатан
Ялпи ички маҳсулот	54,5	57,3	54,9	+0,4	-2,4
Саноат	40,6	45,3	41,2	+0,6	-4,1
Қишлоқ хўжалиғи	98,1	98,2	99,0	+0,9	+0,8
Инвестициялар	35,8	37,0	34,8	-1,0	-2,2
Қурилиш	66,7	66,9	64,8	-1,9	-2,1
Савдо	87,1	89,6	88,4	+1,2	-1,2
Жами хизматлари	57,8	61,4	58,3	+0,5	-3,1
Юк ташиш	53,7	54,2	53,7	-	-0,5
Йуловчи ташиш	87,3	88,8	90,1	+2,8	+1,3
Бандлик	77,9	78,2	78,0	+0,1	-0,2
Экспорт	27,0	26,0	27,2	+0,2	+1,2
Импорт	44,5	46,8	50,2	+5,7	+3,4

3.1.3-жадвалда келтирилган таҳлилий маълумотлар далолат берадики, Ўзбекистон иқтисодиётининг аксарият турлари-

⁸⁶ Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик –Т. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2018,19 бет.

да кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик етакчилиги қилмоқда. Бугунги кунда республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кишлоқ хўжалиги, йўловчи ташиш ва савдодаги улуши энг юкори ҳисобланади

Айни пайтда, иқтисодиётнинг айрим турлари бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши 2017 йили 2016 йилга нисбатан маълум бир даражада пасайган. Аммо иқтисодиётнинг айрим турлари бўйича улуши 2017 йили 2015 йилга нисбатан сезиларли даражада ўсган. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2017 йили 2015 йилга нисбатан 0,4 фоизга кўпайган. Уларнинг иқтисодиётда банд аҳоли сонидagi улуши 0,1 фоизга ортган.

Шунингдек, урганилаётган даврда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг мамлакат умумий экспорти ва импортидаги улушларининг ўсиш тенденциясига эга эканлигини кузатиш мумкин.

Бугунги кунда инвестицияларнинг 1/3 дан кўпроқ қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига йўналтирилмоқда. Бироқ уларнинг улуши, 2017 йили 2015 ва 2016 йилларга нисбатан, мос равишда, 1,0-2, фоизга камайган,

Мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланишида қўрилиш ва пардозлаш материаллари, асбоб-ускуналар, машинасозлик эҳтиёт қисмлари ва ускуналари, электротехника, кимё, фармацевтика маҳсулотлари, истеъмол товарларининг кўплаб турларини ишлаб чиқариш ва бошқалар юкори потенциалга эга соҳалар ҳисобланади.

Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётига қўшадиган ҳиссасининг оширилишини, кичик саноат зоналарининг яратилишини, инвестицион муҳит ва рақобат муҳитини яхшиланишини, кичик бизнес билан давлат-хусусий шерикчилиги доирасида давлат харидлари ҳажмининг кенгайтирилишини, йирик ва кичик корхоналар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг мустаҳкамланишини ва инновацияларнинг тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш орқали қўрилиш мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, етарли экспорт салоҳиятига эга бўлган, бироқ айни пайтда янада ривожланиш учун етарли даражада капиталга эга бўлмаган муваффақиятли ва истиқболли кичик корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш катта аҳамиятга эга. Табиийки, бундай чора-тадбирлар кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида купрок иш урнини яратишга, жаҳон бозорига кириш имкониятларини оширишга ердам бериб, мамкалатнинг экспорт салоҳиятини оширишга ва аҳоли даромадларини ошишига имкон яратади.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг турли тармоқ ва соҳаларида хўжалик фаолияти юритувчи субъект мавжуд бўлиб, 2018 йил 1 январь ҳолатига, уларнинг 80,7 фоизини⁸⁷ кичик корхоналар ҳамда микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликлари-сиз) ташкил этади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг қайси бирлари йирик ёки кичик бизнесга мансублиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги “Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рабатлантириш чора-тадбирлари туғрисида”ги Фармониغا Президентнинг 2003 йил 30 августдаги Фармони билан киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрда 439-сон қарори билан тасдиқланган “Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификацияси”да белгилаб берилган. Бунда иккита белги асосий мезон қилиб олинган: корхона қайси тармоққа мансублиги ва ундаги ишловчилар сони.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар таркибида кичик бизнес субъектлари салмокли ҳиссани ташкил этаётган бўлсада, миллии иқтисодиётда йирик корхоналарнинг роли бекиёс. Чунки, хўжалик юритувчи субъектлар фойдаланишадиган ишлаб чиқариш воситалари: (машина, ускуна ва хоказолар)нинг аксарият қисми йирик корхоналарда тайёрланади.

⁸⁷ Муаллиф томонидан ҳисобланган. Қўрағи: Ўзбекистон рақамларида (statistik to'plam) –Т: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2018, 106, 108 бетлар

Йирик корхоналарда, б.принчидан, фан-техника ютуклари-ни ҳаётга татбиқ этиш асосида юкори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти мавжуд, иккинчидан, янги маҳсулот турларини ихтиро этиш нуктаи назаридан, илмий-қидирув лабораториялари фаолиятини йўлга қўйиш мумкин. Бу йўсиндаг' ишлар, табиийки, мамлакатда фан-техника тараққиётининг ривожланишига йўл очиб беради. Шунингдек, хорижий корхона ва фирмалар билан алоқа урнатилса ҳам йирик корхоналарнинг салоҳияти юқоридир.

Шунини таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари туғрисида"ги Қонунида кичик тадбиркорлик субъектлари, яъна тартибдаги тадбиркорлик, жисмоний шахсларининг юридик шахс ташкил этмаган ҳолда биргаликдаги тадбиркорлик фаолияти хусусида алоҳида моддалар бўлсада, ўрта ва йирик бизнес субъектлари туғрисида бирор-бир қонда йўқ. Ҳолбуки, ўрта ва йирик бизнес субъектлари тадбиркорлик фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, ўрта ва йирик бизнес субъектлари бўйича мезонларни ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари туғрисида"ги Қонунига ўрта ва йирик бизнес субъектлари фаолиятини тавсифлайдиган қондаларни киритиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг тадбиркорлик фаолияти – ижарага бериш ёки қайта сотиш орқали даромад қўриш мақсадида узок муддатли активларни харид қилиш, фонд бозорида корхоналар акцияларини, шунингдек, давлатнинг ҳамда корпоратив типдаги қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш каби турли йўналишларда ҳам намоён бўлмоқда. Табиийки, буларнинг барчаси аҳоли даромадларининг қўпайишига ва унинг турмуш фаровонлигининг ошишига олиб келади (3.1.4-жадвал).

Ўзбекистон аҳолисининг умумий даромадлари таркиби⁸⁸
(фоизда)
3.1.4-жадвал

Йиллар	Умумий даромад-лар	шу жумладан:			
		бирламчи даромадлар			Трансфе-рт ⁸⁹ -лардан даромад-лар
		ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар		мол-мулкдан олинган даромад-лар	
		меҳнат фаолиятдан олинган даромад-лар	шахсий истеъмол учун ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар		
2015	100,0	72,8	2,3	3,1	21,8
2016	100,0	74,3	2,4	3,8	19,5
2017	100,0	68,5	2,2	4,1	25,2

3.1.4-жадвал маълумотларига қура, аҳолининг бирламчи даромадлари таркибида ишлаб чиқаришдан олинган даромадларининг ҳиссаси пасайиш тенденциясига эга: меҳнат фаолиятдан олинган даромадлар 2017 йили 2015 йилга нисбатан 4,4 фоизга, шахсий истеъмол учун ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар эса 0,1 пунктга камайган.

⁸⁸Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика хўжалиги, 2017, 49-50 бетлар; O'zbekiston hududlarining yillik statistik to'plami. –T.: O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi, 2017, 49-50 betlar.

⁸⁹ Аҳолига пенсия, стипендия, ыафака, товои пули ва бошқа социал тўловларни молиялаштириш учун лаллат бюджетидан ажратилган маблағлар.

Айни паитда, мол-мулкдан ва трансфертдан олинган даромадлар, мос равишда, 1,0 ва 3,4 фоизга усган.

Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг ошиб бориши шароитида, аҳолининг мол-мулкдан олинган даромадлари, унинг умумий даромадлари ҳажмининг узгартиришга таъсири сезиларли даражада эмас. Бундай ҳолат мамлакатда урта мулкдорлар синфини шакллантириш ва ривожлантириш борасида муҳим ишларни амалга ошириш заруриятини тўғдиради.

Аҳоли даромадини оширишнинг ҳамда мамлакатда инвестицион жараёнлари молиялаштиришнинг муҳим манбаларидан бири аҳолининг буш маблағларини банкларда аккумуляция қилиш ва уларни инвестицияларга трансформация этиш ҳисобланади. Бу соҳада қилиниши керак бўлган асосий масала аҳолининг банкларга бўлган ишончини ошириш ва депозитларининг юқори ликвидлигини таъминлаш ҳисобланади. Чунки, утган асрнинг 90-йилларида аҳолининг банклардаги депозитлари кескин қадрсизланди ва уларнинг банкларга нисбатан ишончлари йўқолди. Худди шундай фикрни 1992 йили аҳоли ўртасида жойлаштирилган давлат заёмларига нисбатан ҳам билдириш мумкин.

Республикамызда инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга аҳоли маблағларини кенг жалб этиш учун иқтисодий шарт-шароитларни янада яхшилаш механизмларини такомиллаштириш долзарб масала ҳисобланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида таъкидланганидек: “Иқтисодиётни ривожлантиришда аҳоли қўлида тутилган маблағларни инвестиция шаклида ҳаракатга келтириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини кучайтириш муҳим вазифаларимиздан биридир”⁹⁰.

Аҳоли маблағларини иқтисодиётдаги турли инвестиция объектларига йўналтириш ва шу орқали унинг даромадларини ошириш бўйича сезиларли натижага эришиш учун таъсирчан механизмларни жорий этиш зарур бўлади.

⁹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга “Мурожаатномаси” // Халқ сўзи. 2018 йил 28 декабрь

Бизнинг фикримизча, аҳолининг банкларга булган ишончини ошириш учун биринчи галда, улар депозитларининг қадрсизланиш хатари тижорат банклари зиммасида эканлигини Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунида белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Мамлакаат мустақиллигининг дастлабки ун йиллиги ичида кишлоқ аҳолисининг пай бадаллари эвазига шаклланинган ва аҳолига савдо ҳамда бошқа турдаги хизматларни кўрсатиб келган нодавлат ташкилоти – матлубот кооперациясига булган нотақбул муносабатлар, уни барбод килди. Натижада, унга аъзо булиб кирган кишлоқ аҳолиси ўз мулкидан мосуво бўлди. Бу, табиийки, ҳозирги замон бозор иқтисодиетида. “Ҳар бир шахс мулкдор булишга ҳақли”, деган тамойилга чиқди. Амалдаги қонунларга кўра хусусий мулк дахлсиз ҳисобланади.

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, улар мол-мулкнинг дахлсизлигини таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг қафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфрагузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида”ги ПҚ-5780-сон Фармонида муҳим ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Унда барча даражадаги маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги энг муҳим вазифалари этиб белгиланган.

Ушбу Фармонда, шунингдек, аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, барқарор ривожланаётган тадбиркорлик субъектлари сонини янада кўпайтириш бўйича тизимли чоралар кўриш, шунингдек, ўз фаолиятини вақтинча тўхтатган тадбиркорлар билан ишлашни кучайтириш зарурлиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги ПФ-5780-сон Фармони⁹¹нинг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда шуни қайд этиш лозимки, қишлоқ аҳолисини сифатли ва арзон нархларда истеъмол товарлари билан таъминлаш, оила ҳужаликларида етиштирилган ортиқча қишлоқ ҳужалиги маҳсулотларини тайёрлаш (заготовка қилиш), мулкдорлар синфини кенгайтириш мақсадида пай асосида матлубот кооперативларини қайта тиклаш бугунги куннинг ўта долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Маълумки, мамлакатимиз аҳолисининг аксарият қисми қишлоқ жойларида истиқомат қилишади. Бироқ, бу жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш даражаси шаҳар жойларига нисбатан анча паст. Шу сабабдан қишлоқ жойларида тадбиркорликни янада ривожлантириш учун тадбиркорлик билан шуғулланувчи ва шуғулланиш истаги бор шахсларга бизнесни юритишда керак бўладиган (мол-на, маркетинг, ахборот технологиялари ва бошқа) муҳим масалалар бўйича бепул ўқув семинарларини ташкил этиш, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини юритишда тўсиқ бўлаган инфратузилмавий (ичимлик суви, газ, электр энергияси таъминоти, канализация) муаммоларини бартараф этиш учун маҳаллий ҳокимият вакилларининг ишини жонлантириш мақсадга мувофиқдир.

Юқорида келтирилган ҳулосалар ва уларнинг ечими бўйича берилган таклифларни амалда қўллаш, бизнинг фикримизча, мамлакатимизда тадбиркорликнинг янада ривожланишига ва аҳоли фаровонлигининг ошишига ижобий таъсир этади.

3.2. Оилавий тадбиркорликни шаклланиши ва ривожланишининг илмий-назарий асослари

Оилавий тадбиркорликни ижтимоий-иқтисодий моҳиятини очиб бериш ва унга бўлган назарий қарашларни шакллантириш учун оила⁹¹, уй ҳужалиги⁹², оила ҳужалиги⁹³ ва хонадон

⁹¹ Улмасов А. Оила қўлиоди. Тошкент - "Меҳнат" - 1998. Ё Абдуллаев. Макроиқтисодий статистика: 100 савол ва жавоб. - Т.: Меҳнат, 1998 й. 164-бет.; Зерова Н.В. Экономический подход в исследованиях семьи в современных условиях // Вестник МГУ Сер.6. Экономика. 1994. № 6, стр.33.; Шумпетер Й Теория экономического развития. - М.: Мысль 1982. стр. 159;

хўжалиги⁹⁴ каби тушунчаларни тадқиқ қилиш муҳим услубий аҳамият касб этади. Чунки ушбу категориялар оилавий тадбиркорликнинг илк шаклланиш ва ривожланиш оосқишларини ифода этади. Ушбу тушунчалар бир-биридан фарқланиши билан, уларнинг ҳар учаласи ҳам оилалар фаолиятини таҳлил қилиш билан боғлиқ жараён эканлиги олдинги ишларигаизда асослаб берилган эди⁹⁵.

Оилани ижтимоий-иқтисодий категория ҳамда иқтисодий муносабатларнинг асосий субъекти сифатида тадқиқ этиш, ғарб иқтисодий таълимотида кўп йиллар олдин бошланганлигини қайд этиш мумкин.

Фикримизча, бугунги кунда “оилавий тадбиркорлик” тушунчасига албатта “уй хўжалиги” ва “оила хўжалиги” тушунчаларининг таърифларини қараб чиқмоқ лозимдир. Чунки, “оила хўжалиги”, “уй хўжалиги” ва “оилавий тадбиркорлик” тушунчалари (категориялари) тўғрисидаги дунёқараш ғарб иқтисодий қарашлари таъсири остида ва бошқа томондан иқтисодиётнинг таркибий ўзгариши ва тарихий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, иқтисодий муносабатларнинг асосий субъекти сифатида шаклланимўқда. Бироқ, бу иқтисодий тушунчаларни ҳар бирининг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, ижтимоий-иқтисодий жиҳадан моҳияти ҳозиргача тулалигича ёритилган эмас. Бу тушунчаларга нисбатан турлича қарашлар мавжуд.

Дастлабки уй хўжаликлари тараққиёти давомида А.Смитнинг мулоҳазалари диққатга сазовордир. А.Смит омилларнинг сифат жиҳатларига, уларнинг ишлатилишига аҳамият беради,

⁹⁴ Бекқилов Б.Б. Уй хўжалиги иқтисодиёти (Ўқув қўлланма) – Т.: “Fan va texnologiya”, 2014, 132 бет.
Ахмедов В., Қасимовна Т. Домашний хозяйств в переходной экономике // Вопросы статистики. 1998. № 1, стр. 3; Касельникова Р. Занятость в домашних хозяйствах населения // Вопросы экономики. 2005. № 7. 99 бет;

⁹⁵ Пардаев М.Қ. Оила хўжалиги иқтисодиёти ва тадбиркорлик. Самарқанд 2001 й. Маъмурият Т. Оилавий хўжалиқларни шаклланиш ва уларни ривожлантириш. Иқтисод фанлари бўйича химо дилланган диссертациялар ҳақида қисқача маълумот (1992-2001 йиллар). – Т. 2001, 227 бет.; Шодиева Г. Ойча хўжалиги мулк ва дармадини оспиратишуллари // Иқтисод фанлари номводи илми даражасини олиш учун тақдир этилган диссертация – Т., 1999

Вахобов А. Хондон ва иқтисод // Фан ва турмуш № 1, 2000 й, Раузинова И.И. Семейный и надомный бизнес: опыт США // США. Канада: Экономика. Политика. Культура 2001 № 1, стр. 105-118

⁹⁶ Кувондиқов Ш.О. Хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. И.ф. диссертация автор.ферати. – Самарқанд, 2008, 8-9 бет

пировард натижада уй хўжаликларининг даромади ва истеъ-
мол имкониятларини шакллантиради.⁹⁶

Ф.Энгельс⁹⁷, ўзининг “Оила, хусусий мулк ва давлатнинг
келиб чиқиши” номли асарида оила – биргаликдаги иқтисодий
фаолият юритишнинг асоси эканлигини асослаб беради. Унда
у ҳар хил турдаги оилаларни таҳлил қилиб, оила ва аёлларнинг
аъволи, тарихий ўзгаришларини бошидан кечиргани, бу ўзга-
ришлар ўз навбатида ишлаб чиқариш усулининг ривожини, ай-
ниқса, мулкчилик шакллари билан белгиланганлигини кўрса-
тишга ҳаракат қилади. У оила ривожини ибтидоий жамоадан
то XIX асрнинг охиригача қорағигача иқтисоднинг ривожланиши
асносида баён қилади.

А.Чаяновнинг “Крестьян хўжаликларини ташкил этиш”
номли асарида оилавий хўжаликлар тузилиши, уларнинг турли
даражадаги маҳсулот ишлаб чиқариш қобилияти ва ривож-
ланишига таъсир этувчи омиллар чуқур таҳлил этилган. Унинг
фикрича, хўжалик юритувчи оилаларнинг энг муҳим жиҳати
шундаки, улар ҳеч қандай елланма меҳнатга асосланмасдан
оилаларнинг ўз кучига таяниб хўжалик юритишидир, улар ҳам
истеъмолчи хўжаликдир, чунки улар ўз олдига даромад олиш
эмас, балки оиланинг моддий эҳтиёжини қондиришни мақсад
қилиб қўяди.⁹⁸

Ноқлассик йўналиш доирасида 1992 йил Нобель мукофоти
лауреати Г.Беккернинг ишлари катта кизиқиш уйғотади.
Унинг асарларида оилада меҳнат тақсироти оила хўжалиги-
нинг ишлаб чиқариш вазифаларини, оила даромадларининг тақ-
симланишини гендер нуқтаи назаридан тадқиқ этишда муҳим
аҳамият касб этади. Оила бозордаги товар ва хизматларни
фақат истеъмол қилувчи эмас, балки ишлаб чиқарувчи сифати-
да намоён этадиган “Янги уй хўжалиги назарияси” (Г.Беккер,
Дж.Минсер, К.Ланкастер) 60 – йилларнинг ўрталарида пайдо
булди.

⁹⁶ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М. Соцэтизм, 1962, стр. 332.

⁹⁷ Ф.Энгельс. Происхождение семьи, частной собственности и государства. – К.Маркс и Ф.Энгельс. Т.21, стр. 23-178.

⁹⁸ Н.Зверев. А.В.Чаянов о размере семьи и крестьянском домохозяйстве //Вестник статистики, 1991, №7, стр. 47.

Дж.М Кейнс⁹⁹, уз тадқиқотларида ресурсларни асосий етказиб берувчи ва харажат қилувчи гуруҳ сифатида уи хужаликларнинг иқтисодиётдаги иқтисодамчи ролини ўрганишни мўлжаллайди. Уи хужаликларининг даромадлари, истеъмол ва жамғариш хулқи, уларнинг давлат билан узаро алоқадорлиги, хужалик юритишнинг узгарувчан шароитга мослашишини куриб чиқади.

Куришиб турибдики, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари узоқ йиллардан буён иқтисодий назария фанининг предмети бўлиб келган. Тадқиқот объектининг мураккаблиги ва хилма-хиллиги туфайли ушбу муаммоларни турли методологик ендашувлар асосида тадқиқ этиш босқичи давом этмоқда. Бунда ноанъанавий методологик ендашувларни қўллаш зарурлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, оилавий тадбиркорлик жуда қўлаб ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида муҳим роль ўйнаб, иқтисодиёт ва бошқарувга оид тадқиқотларда машҳур мавзу ҳисобланади. Бу борада айрим хорижий тадқиқотчилар оилавий бизнес тушунчасини тадқиқ қилиб, унинг оилавий бўлмаган бизнес билан фарқли хилхатларини очиб беришган¹⁰⁰. Бир қатор муаллифлар оилавий фирмаларнинг узига хос бозор стратегияларини ҳисобга олиб ендашади¹⁰¹. Шунингдек, баъзи тадқиқотлар оилавий бизнесни ташкил этиш, унда молиявий қарорларни қабул қилишнинг узига хос хусусиятларини ўрганишга қаратилган бўлиб, мазкур ишларни оилавий бизнес соҳасида олиб борилган тадқиқотлар ичида муҳим йўналишлар сифатида ажратиб қўриш мумкин.

⁹⁹ Кейнс Дж. Общая теория занятости процента и денег – М.: Прогресс 1948, стр 238-240;

¹⁰⁰ Бархатова П. М. (1999). Семейный бизнес и семья и бизнес // ЭКО. № 2 (http://ecodemo.nyu.ru/jsp/1811-3014403-06-19-13433); Волков Д. А. (2011). Стадии и типичные шквалы развития семейного бизнеса // Российское предпринимательство. Вып. 2, стр 11-16; Чернышків А. (2007) Семейный бизнес, ии как работает с родственниками // Наши власть. Дела и люди. вып. 6 (http://www.vestnik-putra.ru/article-description/04223.html); Anderson R. C. and Reeb D. M. (2003). Founding-family ownership and firm performance: Evidence from the S&P 500 // Journal of Finance, Vol 58 No. 3, pp 1301-1328

¹⁰¹ Королев В. А. (2007) Российский собственник на 20 летнем горизонте: структура собственности, роль семьи и корпоративное управление // Российский журнал менеджмента, № 5 (3), стр 145-174; Aldrich, H. E., & Cliff, J. E. (2003). The pervasive effects of family on entrepreneurship: Toward a family embeddedness perspective. Journal of Business Venturing, 18(5), 573-596; Kelly, E. I., Kossek, E. E., Hammer, L. B., Duriam, M., Bray, J., Cherniack, K., et al (2008). 7 Gettine there from here: Res.arch on the effects of Work-Family initiatives on Work-Family conflict and business outcomes The Academy of Management Annals, 2(1), 305-349

Бу борада Анна Мотилска-Кузманинг “The financial decisions of family businesses” номли мақоласида оилавий фирмаларда молиявий қарорларни қабул қилиш жараёнидаги вазиятлар, тенденциялар ва истиқболли тадқиқот йўналишлари ўрганилган. Ушбу мақолада оилавий бизнесга бўлган қизиқишнинг ўсиб бориши билан молиявий қарорларни қабул қилиш соҳасидаги тадқиқотларнинг камлиги таъкидланиб, оилавий фирмаларда молиявий қарорлар қабул қилиш жараёнини кенг камровли куриб чиқиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратади. Оилавий фирмаларда молиявий қарорлар қабул қилишга қаратилган тадқиқотларнинг катта қисми сармоя тузилишига қаратилганлигига қарамасдан, улар оилавий бизнеснинг ушбу соҳада қандай ишлаши ҳақидаги саволларга аниқ жавоб беролмайди. Бундан ташқари, инвестициявий қарорлар ва дивидендлар сиёсати аниқ ишлаб чиқилмаганлигини асослайди¹⁰².

Суҳайл Султан ўзининг “Analyzing organizational performance of family and non-family businesses using the HPO framework” номли тадқиқот иши оилавий ва нооилавий бизнеснинг ташкилий ва меҳнат фаолиятини қиёсий таҳлил қилишга бағишланган. Тадқиқотда дунёдаги кўпгина бизнеслар оилаларга тегишли эканлиги ва унинг бошқа мулк турига асосланган корхоналардан фарқ қилишини таҳлил этади. Шунингдек тадқиқот ишида бизнеснинг қайси тури яхшироқ? оилавий бизнес эгаси бўлиш ёки оила аъзоси бўлишми? каби саволларга жавоб беришга ҳаракат қилади. Бу борада қайси турдаги бизнесга эга бўлиш ва ишлаш юқори самара беришини муаллифлик нуктаи назаридан баҳолайди. Оилавий бизнеснинг оилавий муносабатларга эга бўлмаган фирмалар билан таққосланганда, бу тадқиқотлар қарама-қарши натижалар кўрсатганлигини таъкидлайди¹⁰³.

Илмий манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, оилавий тадбиркорлик тушунчасига ҳозиргача ягона таъриф берилмаган. Тадқиқотчилар оилавий тадбиркорликнинг моҳиятини

¹⁰² Anna Motylska-Kuzma, (2017) “The financial decisions of family businesses”, Journal of Family Business Management, Vol. 7 Issue. 3, pp.351-373

¹⁰³ Suhail Sultan, Andre de Waal, Robert Goedegebuure. (2017) “Analyzing organizational performance of family and non-family businesses using the HPO framework”, Journal of Family Business Management, Vol. 7 No.3, pp.242-255

унинг муайян бир оилага тегишлилиги, оила бошлиғи томонидан бошқарилиши ва унинг аъзолари меҳнат жараёнини ташкил этишини бош асос қилиб олган ҳолда, уз таърифларини берганлар (3.2.1-жадвал).

Оилавий тадбиркорликка оид тадқиқотларнинг қиёсий таҳлили

3.2.1-жадвал

Муаллифлар	Оилавий тадбиркорлик тушунчасига берилган таъриф	Тадқиқ этилган асосий гоялар
Н.М.Бархагова	Оила бошлиғи томонида; ташқил этилган ва унда оила аъзолари турли лавозимларда ишлайдиган бизнес тури	оилавий бизнесини ташқил этиш ва ривожлантириш муаммолари; оила бошлиғининг уз тадбиркорлик фаолиятига қариндошларини жалб этиши; бизнесда онланинг роли; оилавий бизнесини юриштида уни ташқил этувчиларнинг оила аъзолари ва бошқа ходимлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари; оилавий бизнеснинг оилавий бўлмаган бизнесга нисбатан афзаллиқлари ва камчиликларининг қиёсий таҳлили
А.Черницкий	Соҳибӣ оилавий бизнес деб ҳисоблайдиган бизнес тури	Оилавий бизнеснинг таърифи; оилавий бизнесининг ўзига хос хусусиятлари; оила

		бизнесини юригишда уин таъсисчиси билан оила аъзолари ва бошқа ходимлар уртасидаги узаро муносабатлардаги муаммолар; оилавий бизнеснинг оилавий бўлмаган бошқа турдаги корхоналар билан таққослаганда унинг афзалликлари ва камчиликларининг қиёсий таҳлили
В. А. Королев	Тадбиркорликнинг бир тури бўлиб, унинг фаолиятида оила аъзолари иштирок этадиган хусусий ёки шери.лик компанияси	Оилавий бизнеснинг асосий тушунчалари мажмуасини ишлаб чиқиш; компания турларини таснифлаш; оилавий бизнеснинг стратегик бошқаруви; корпоратив бошқаруви; мерос масалалари; стейкхолдер ёндошуви; Россияда оилавий бизнесининг хусусиятлари
Д. А. Волков	Муваффақият мезони молиявий кўрсаткичлардан иборат бўлмаган, оила томонидан "бир одам бошқаруви"ни назарда тутадиган компания ривожланишининг маълум бир босқичи.	Оилавий бизнес тушунчаси таърифи; оилавий компанияларнинг корпорациялардан афзаллик жиҳатларини аниқлаш; оилавий бизнеснинг узига хос хусусиятларини аниқлаш; оилавий бизнеснинг ривожланиш босқичлари ва ҳаётий циклини таҳлил қилиш.

3.2.1-жадвалнинг давоми

С.О.Кален- лжан, Д.А.Волков	Мавжуд эмас	оилавий тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари; узлуксизлиги ва бизнес мероси; оилавий бизнесни ташкил қилиш ва бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари ва эмпирик тадқиқоти; оилавий бизнес қадриятлари; оила идораси
Ж.Ҳ.Чуа, Ж.Ж.Чрисма н, П.Шарма [34]	Раҳбарлиги ва бошқаруви бир оиланинг аъзолари ёки қўл сонли оилалар томонидан бошқариладиган, бизнесни ривожлантириш концепциясини шакллантириш ва амалга ошириш учун потенциал гурғунликни таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган бизнес бўлиб, оиланинг бир неча авлодлари учун барқарорликни таъминлайди	Россияда капитал эгаларининг эмпирик тадқиқотлари; асосий қадриятлар; оилавий қадриятлар; шахсий қадриятлар, капитал эгаларининг қадриятлар қиёфаси; бизнес ва фаровонлиқнинг авлоддан авлодга ўтиши; қадриятлар ва дунёқарашларни авлоддан авлодга ўтиши; оила ва бизнес ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик стратегияси; хайрия ва ижтимоий масъулият

М.К.Пардаев, З.Н.Курба- нов.	Оилавий мулкка асосланган оила аъзолари иштирок этадиган тадбиркорлик фаолияти	оила даромадларини ошириш ва фаровонлигини таъминлаш масалалари тадқиқ этилган.
Г.М.Шодиева	оилавий мулкка асосланган, оила аъзолари ишти- рок этадиган ва маълум даражада даромад (фойда) олишни кузлаб килинадиган фаолиятга айтилади	Оила ва оила ҳужалиги тушунчасини ижтимоий- иқтисодий моҳиятининг қиёсий таҳлили; оила ҳужалиги мулки ва даромадларини ошириш ва ундан самарали фойдаланиш муаммолари.

Манба: муаллиф томонидан таъминий манбадан таъинли асосда тузилган.

Кўриниб турибдики, оилавий тадбиркорликни ривож-
лантиришга онд назариялар бир неча йўналишларда амалга
оширилиб, ўзига хос ёндашувларни талаб этади. Бундай
мураккаб жараёнларни чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш
эндиликда ноанъанавий методологик концепциялар, масалага
ўзгача ёндашиш тамойилларини кашф этиш заруратини тақозо
этмоқда. Муаммоларни бартараф этишга янги илм соҳаси
сифатидаги синергетик ёндашув принциплари бу жараёнларни
тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этиб, унинг методологик
имкониятларидан кенг фойдаланиш заруратини юзага келтир-
моқда. Синергетика методларини тадбиркорлик соҳасида
қўлланиши унинг ривожига катта хисса қўшиб, тадбиркорлик
фаолиятини ташкил этиш ва юритиш жараёнининг ҳам
“синергетиклиги”, яъни ўзини-ўзи ташкил этиш хусусияти
туғрисидаги ҳолатларни исботлайди.

Синергетика тушунчаси (юнонча “synergetikos” – “ҳамкор-
лик”, “ҳамдўстлик”, “биргаликда ҳаракат”) маъноларини

англатади [2]. Синергетиканинг энг муҳим жиҳати шундаки, у уз-узини бошқарувчи тизимларда фаолият курсатаётган тадқиқотчи-олимлар ишларини маълум бир йуналтишда бириктиришга хизмат қилишидир. Еки бошқача айтганда синергетика мураккаб тизимлари, узини-узи ташкил этиш ҳодисаларини урганаётган билим соҳаларига тааллуқли бўлган, универсал методологик парадигма бўлиб, урганилаётган предмет ва объектга ягона фанлараро ёнлашувни намоён қилади. Шундай экан, 1-жадвалдаги оилавий тадбиркорликка берилган таърифлар, ёндашувлар ҳамда тадқиқ этилган бош муаммо ва назарияларни қиёсий таҳлил қилиш асосида уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиб тизимлаштириш „умкин“:

- оилавий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, унинг ривожланиш босқичлари ва ҳаётий циклини таҳлил қилиш;

- бизнесда оиланинг роли, оила ва бизнес уртасидаги ўзаро ҳамкорлик стратегиялари ҳамда оилавий корхона бошлиғининг оила аъзолари ва бошқа ходимлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари;

- оилавий бизнеснинг оилавий бўлмаган бизнесга нисбатан афзалликлари ва камчиликларининг қиёсий таҳлили;

- оилавий бизнесни бошқариш, бизнеснинг авлоддан-авлодга ўтиши ва мерос масалалари;

- оилавий тадбиркорлик даромадлари ва мулкни қўпайтириш ҳамда бандликни ошириш муаммоларини тадқиқ этишга қаратилган тадқиқотлар.

Оилавий тадбиркорликка оид тадқиқотларни ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

- оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши унинг рақобатбардорлиги ва рақобатдаги устунлиги билан шартланган;

- оилавий тадбиркорликнинг рақобатдаги устунлиги юқори бизнес - маданият мавжуд бўлганда намоён бўлади;

- оилавий тадбиркорликнинг муваффақиятга эришишида "оилавий капитал" ёки "оилавий активлар" зарурий шарт бўлиб, оила аъзоларининг бизнесдаги иштироки эса бизнес - маданиятнинг улкан имкониятлар манбаи ҳисобланади;

– оилавий тадбиркорликнинг узлуксизлигини таъминлаш, кейинги авлод иштирокини зарурат этади.

Шуни таъкидлаш жоизки, куп сонли илмий тадқиқотларга қарамай, оилавий тадбиркорлик назариясини қуйидаги йуналишларда кенгайтириш ва ривожлантириш мақсадга мувофиқ келади:

Биринчидан, оилавий тадбиркорлик муҳим ижтимоий-иқтисодий категория ҳамда ҳаётий зарурат сифатида қўшимча ривожлантирувчи таснифлаш тизимига эҳтиёж сезмоқда.


Иккинчидан, тадқиқот натижаларига асосланиб шундай хулоса қилиш мумкинки, оилавий бизнеснинг моҳиятини аниқлашда ҳамон қарама-қарши фикрлар учрамоқда.

Учинчидан, куп сонли тадқиқотларда оилавий бизнесда ташки аъзолари ва раҳбарининг (оиладан ташқари) роли масаласи тадқиқот методологиясидан четда қолиб, тадқиқот натижаларини синергетика тамойиллари асосида маълум бир йуналишда бирлаштириш ёки умумлаштиришда қийинчиликларни туғдирмоқда.

3.3. Оилавий тадбиркорликнинг ривожланиш тенденциялари ва унинг миллий иқтисодиётдаги ўрни

“Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонунга асосан, иқтисодиётимизда хўжалик фаолиятининг оилавий қорхоналар шаклидаги халқимиз менталитети ва анъаналарига тулик мос келадиган янги ташкилий-ҳуқуқий шакли жорий этилди. Уларга кенг имтиёзлар, преференция ва кафолатлар берилди.

Бундай имкониятлар натижаси, энг аввало оилавий қорхоналарнинг сон жиҳатидан кўпайишида яққол ифодасини топади. Хусусан, мамлакатимизда юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий қорхоналар сони 2013 йилда 424 тани ташкил этган бўлса, 2017 йилда эса 8689 тага етган. Бу эса, 2017 йилда 2013 йилга нисбатан қарийб 2,5 баробарга ёки 36% га ўсганлигини кўрсатиб турибди (3.3.1-расм).



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли ишлардаги маълумотлари асосида тузилди.

3.3.1-расм. Ўзбекистон Республикаси бўйича юридик шахс сифатида давлат рунхатидан утган оилавий корхоналар сони¹⁰⁴.

Маълумотлардан куришиб турибдики, 2012 йилда (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушум битта оилавий корхона ҳисобига уртача 27,6 млн. сўмни ташкил этган бўлса, бу курсаткич 2016 йилда 141,8 млн. сўмни ташкил этган. Ёки 2016 йилда 2012 йилга нисбатан 5,1 бароварга ўсган (3.3.2-расм). Уларнинг товар ва хизматлар сотишдан тушган соф тушуми 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига 679320,3 млн.сўмни ташкил этган. Соф тушумнинг энг юқори курсаткичи Тошкент шаҳрида 323,4 млн. сўмни ташкил этган бўлса, энг паст курсаткич 39,7 млн. сўм бўлиб Сирдарё вилояти оилавий тадбиркорлик субъектларига туғри келган¹⁰⁵.

¹⁰⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

¹⁰⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

– оилавий тадоиркорликнинг узлуксизлигини таъминлаш, кейинги авлод иштирокини зарурат этади.

Шуни таъкидлаш жоизки, куп сонли илмий тадқиқотларга қарамай, оилавий тадбиркорлик назариясини қуйидаги йўналишларда кенгайтириш ва ривожлантириш мақсадга мувофиқ келади.

Биринчидан, оилавий тадбиркорлик муҳим ижтимоий-иқтисодий категория ҳақида ҳаётий зарурат сифатида қушимча ривожлантирувчи таснифлаш тизимига эҳтиёж сезмоқда.


Иккинчидан, тадқиқот натижаларига асосланиб шундай хулоса қилиш мумкинки, оилавий бизнеснинг моҳиятини аниқлашда ҳамон қарама-қарши фикрлар учрамоқда.

Учинчидан, куп сонли тадқиқотларда оилавий бизнесда ташқи аъзолари ва раҳбарининг (оиладан ташқари) роли масаласи тадқиқот методологиясидан четда қолиб, тадқиқот натижаларини синергетика тамойиллари асосида маълум бир йўналишда бирлаштириш ёки умумлаштиришда қийинчиликларни туғдирмоқда.

3.3. Оилавий тадбиркорликнинг ривожланиш тенденциялари ва унинг миллий иқтисодиётдаги урни

“Оилавий тадоиркорлик тўғрисида”ги Қонунга асосан, иқтисодиётимизда ҳужалик фаолиятининг оилавий корхоналар шаклидаги халқимиз менталитети ва анъаналарига тулик мос келадиган янги ташкилий-ҳукукий шакли жорий этилди. Уларга кенг имтиёзлар, преференция ва қафолатлар берилди.

Бундан иикониятлар натижаси, энг аввало оилавий корхоналарнинг сон жиҳатидан қупайишида яққол ифодасини топади. Хусусан, мамлакатимизда юридик шахс сифатида давлат руйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони 2013 йилда 424 тани ташкил этган бўлса, 2017 йилда эса 8689 тага етган. Бу эса, 2017 йилда 2013 йилга нисбатан қарийб 2,5 баробарга ёки 36% га ўсганлигини кўрсатиб турибди (3.3.1-расм).



Манба. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг ташқил йиллардаги маълумотлари асосида тузилди.

3.3.1-расм. Ўзбекистон Республикаси бўйича юридик шахс сифатида давлат рўйхатида утган оловли корхоналар сон¹⁰⁵.

Маълумотлардан куришиб турибдики, 2012 йилда (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушум битта оилавий корхона ҳисобига ўртача 27,6 млн. сўмни ташкил этган бўлса, бу курсаткич 2016 йилда 141,8 млн. сўмни ташкил этган. Ёки 2016 йилда 2012 йилга нисбатан 5,1 бароварга ўсган (3.3.2-расм). Уларнинг товар ва хизматлар сотишдан тушган соф тушуми 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига 679320,3 млн.сўмни ташкил этган. Соф тушумнинг энг юқори курсаткичи Тошкент шаҳрида 323,4 млн. сўмни ташкил этган бўлса, энг паст курсаткич 39,7 млн. сўм бўлиб Сирдарё вилояти оилавий тадбиркорлик субъектларига тўғри келган¹⁰⁵.

¹⁰⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

¹⁰⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

катта. Аммо шуни эътироф этиш керакки, мамлакатимизнинг статистик маълумотларида хизмат билан шуғулланадиган оилавий тадбиркорлик туғрисидаги маълумот умумий хизмат таркибидан берилади. Бугунги кунда хизмат соҳасининг нуфузи ошиб бораётган бир пайтда, ушбу соҳа бўйича маълумотлари статистик тўпламларда алоҳида берилиши мақсадга мувофиқдир.

Оилавий тадбиркорликнинг миллий иқтисодиётдаги ўрни (2017 йил 1 январь толатига)

3.3.1-жадвал

№	Кўрсаткич ва мезонлар	2017 йил
1	оилавий корхоналар сони, (бирлик)	12184
2	оилавий тадбиркорлик ҳисобига яратилган иш уринлари, (минг та)	358,56
3	оилавий корхоналарнинг маҳсулот сотишдан тушган соф тушуми, (млн. сум)	679320,3
4	битта оилавий корхонага туғри келадиган маҳсулот сотишдан тушган соф тушум, (млн. сум)	141,8
5	оила даромадлари таркибида мулк ва тадбиркорлик даромадлари, (%да)	55,2
6	оилаларнинг асосий капиталга киритган инвестицияларининг барча инвестициялар ҳажмидаги улуши, (%да)	12,6 % (8.962 млрд. сум)
7	аҳолининг банклардаги омонатлари ЯИМга нисбатан. (% да)	12,4

Маяба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.


Маълумотлардан кўришиб турибдики, оилавий тадбиркорлик субъектлари мамлакатимиз иқтисодий тараққиётини таъминлашда ўзига хос пойдеворни яратмоқда. Статистик маълумотларга кўра 2017 йилда мамлакатимизда 12184 та оилавий тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатиб, улар-

нинг маҳсулот сотишдан тушган соф тушуми 679320,3 млн. сумни (битта оилавий корхонага туғри келадиган маҳсулот сотишдан тушган соф тушум 141,8 млн.сум) ташкил этган. Улар ҳисобига яратилган иш уринлари 358,56 минг тани ташкил этади. Шунингдек, оила умумий даромадлари таркибида мулкни ишлатиш ва тадбиркорлик фаолияти ҳисобидан олинган даромадлари 55,2 фоизни ташкил этган. Бу рақамлардан куришиб турибдики, оилавий тадбиркорлик нисбатан кичик хужалик ва камгина мулкка эга бўлиши билан бирга миллий иқтисодиёт ривожига ўзига хос аҳамият касб этмоқда.

Республикада оилавий тадбиркорликнинг хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш воситалари шаклидаги мулкларининг йилдан-йилга ўсиши, улар фаолиятининг рақобатбардошлигига асос бўлмоқда. Оила хўжаликларининг асосий капиталга киритган инвестицияларининг барча инвестициялар ҳажмидаги улуши 2017 йилда 12,6 % ёки 8.962 млрд. сумни ташкил этган (3.3.1-жадвал). Худди шундай ўсиш тенденциясини аҳолининг банклардаги жамғармаларида кузатиш мумкин. Шу даврда аҳолининг банклардаги омонатлари ЯИМга нисбатан 12,4 фоизни ташкил қилган. Оила хўжаликлари жамғармалари миқдорининг кўпайиши эса, уларнинг асосий капиталга киритаётган инвестициялар ҳажминини ошириш имконини бermoқда (3.3.1-жадвал). Ушбу таҳлиллар асосида шунини айтиш мумкинки, оила хўжаликлари даромадларининг ўсиши, уларнинг жамғармалари ҳажмига ва инвестицион имкониятларини оширишга хизмат қилади. Бу эса оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг итк босқичлари алгоритмининг ифода этади. Бу жараённинг мубаффақиятли ва узлуксиз кечиши давлат қўллаб-қувватлаш тизимининг самарадорлиги билан баҳоланади.

Юқорида келтирилган курсаткичлар тизим оилавий тадбиркорликнинг миллий иқтисодиётдаги ўрни ҳамда унинг асосий макроиқтисодий курсаткичларининг ифода этиб, улар давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланаётганлиги ва ушбу фаолият рақобатда бир қатор афзалликларга эгаллигидан далолат беради. Хусусан, шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, оилавий тадбиркорлик мулкӣ ва меҳнат муносабатларини соҳасида

узига хос афзалликларга эга бўлиб, бу эса меҳнат жараёнида меники ва сеники деган зиддиятларнинг бўлмаслиги ва меҳнат натижасидан манфаатдорликнинг ҳам бир хил бўлишида яққол намоён бўлади (3.3.4-расм).



Манба: муаллиф томонидан тузилган.

3.3.4-расм. Oilaнинг тадбиркорликнинг мулкний ва меҳнат муносабатларидаги афзалликлари.

3.3.4-расмдан кўриниб турибдики, oilaвий тадбиркорликнинг мулк соҳасидаги афзалликларига асосий капиталга бўлган харажатларнинг тежалиши, тураржойни нотураржойга айлантиришнинг талаб этилмаслиги билан тавсифланса, унинг меҳнат соҳасидаги афзалликларига эса меҳнатни ташкил этиш ва бошқаришда, барча оила аъзоларининг меҳнат фаолиятига жалб қилинишида, ворислик ҳамда ёш авлодни тарбиялаш ва ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришда яққол намоён бўлади. Бошқача айтганда, oilaвий тадбиркорликнинг бундай афзалликлари унинг ракобатбардошлигини ва бир катор устуворлигини таъминтайди. Шу жиҳатлари билан, oilaвий тадбиркорликни ривожлантириш муҳим концептуал аҳамият касб этади.

3.4. Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда دورиж тажрибалари

Оилавий тадбиркорлик қўлаб давлатлар иқтисодиётида етакчи урин эгаллайди. Чунки ҳар қандай давлат фаровонлигининг асосини оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорлик сектори белгилаб беради. Бу борада Америка, Осиё ва Европа мамлакатларининг илғор тажрибаларини курсатиш утиш мумкин. Буюк Британияда у барча фирмаларнинг 75 фоизини қамраб олиб, аҳолининг ярмини иш билан таъминлайди ва ЯИМнинг қарийб 50 фоизини ишлаб чиқаради. Европа Иттифоқи мамлакатларида барча корхоналарнинг 85%, АҚШда эса - 90%ини оилавий корхоналар ташкил этади. Италияда 2-3 кишидан иборат оилавий дунармандчилик корхоналари жами экспортнинг 18 фоизини ташкил қилади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, илғор мамлакатлардаги ҳар қандай хужалик юритувчи субъектлар оилавий ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳам миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашда тобора муҳим урин тугаётган кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу борада, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”нинг 3-устувор йўналишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш вазифаси белгиланган. Зотан, мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланиши кўп жиҳатдан кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликнинг истиқболи билан ҳамбарчас боғлиқдир. Шулардан келиб чиқиб, ушбу соҳани қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмлари жорий қилинмоқда. Хусусан, уларни қўллаб-қувватлашда амалдаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш каби чора-тадбирлар улар фаолиятининг самарадорлигини оширишда муҳим омили сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонунига кўра, оилавий тадбиркорлик чекланган, кам сонли ишчилар билан характерли субъект сифатида таснифланган. Курсатиб ўтилган шароитда, унинг чекланган

имкониятлари доирасида юқори самарадорликка эришиши кийин кечиши тайин. Чунки, бизнесни юритиш жараёнида корхона бошлигининг оила аъзолари ва ёлланма ишчилари ўртасидаги оддий меҳнат тақсимоли масаласи ҳамон ноаниқлигича қолмоқда. Бу эса меҳнат муносабатларининг такомиллашиб, ривожланиб бориши шароитида оилавий тадбиркорликни ташкил этиш ва бошқаришда оила аъзолари ва ёлланма ишчиларининг ролини таснифлаш заруратини келтириб чиқармоқда. Муаммога бундай ёндашиш ҳужалик юритишининг мазкур турида меҳнат жараёнини самарали ташкил этиш роллари тўғри таснифлаш билан боғлиқ деган гипотезани илғи суради.

Оилавий тадбиркорлик моҳиятига кўра, кичик бизнеснинг алоҳида шакли бўлиб, бир оила аъзолари ҳамда уларнинг қариндошлари уз корхоналарининг мулкдорлари ва ходимлари эканлиги билан бошқа турдаги тадбиркорликдан ажралиб туради.

Оилавий тадбиркорликнинг ривожланган мамлакатлар иқтисодиётидаги аҳамиятли роли, ушбу соҳани тадқиқ этишга бўлган қизиқишнинг орттириб боришга сабаб бўлмоқда. Бугунги кунда ушбу соҳа муаммоларига бағишланган халқаро миқёсда ўқта махсус журнал нашр этилмоқда: Journal of Family Business Strategy (Elsevier), Family Business Review (Sage) ва Journal of Family Business Management (Emerald). Шунингдек, университетларда оилавий бизнесга ихтисослашган кафедралар сони ортмоқда ва 40 та мамлакатдан 200 дан ортиқ аъзоларига эга бўлган халқаро оилавий тадбиркорлик тадқиқотлари академияси (International Family Enterprise Research Academy (IFERA)) фаолият юрғутмоқда.

Мазкур тадқиқотда 2000-2017 йилларда нашр этилган оилавий бизнесга оид адабиётларни ўрганиш асосида оилавий тадбиркорликни тадқиқ этишда фойдаланиш мумкин бўлган энг самарали усуллар ҳақида тавсиялар бериш мақсад қилиб белгиланди. Бу борада бизни контент-таҳлилимиз қўйидаги жиҳатларни қамраб олади: тадқиқот услуби, қўлланилган назария, маълумотлар таҳлили ва ишлатилган статистик инструментлар.

Агар оилавий тадбиркорлик соҳасидаги тадқиқотларда қўлланилган назарияларни йирик назарияларга ажратсак, унда ижтимоий фанларда кенг қўлланиладиган институционал ва ижтимоий соҳа иқтисодиёти назарияларидан кенг фойдаланилган. Шунингдек, бу соҳадаги тадқиқотларда ресурслар, бошқарув ва ижтимоий капитал назариялари каби фундаментал назариялар ҳам кенг қўлланилмоқда.

Бу борада хусусий характердаги назариялар ҳам mavjud. Жумладан, агентлик назарияси оилавий бизнесни тадқиқ этишда кенг фойдаланиладиган назария сифатида эътироф этилади. Бу назарияга кура, оилавий бизнес эгаси (мулкдор) ва менежери ўртасидаги муносабатлар чегарасини таснифлашда¹⁰⁶ агентлик муносабатлари назариясидан¹⁰⁷ фойдаланилган. Оилавий бизнесни тадқиқ этишда “оила жанри” назарияси¹⁰⁸, 2000 йилдан буён тадқиқотда қўлланилаётган барқарор оилавий бизнес назарияси¹⁰⁹ шулар жумласидандир. Бундан ташқари, оила ва бизнес тизимларининг ўзаро муносабатидаги турли стратегияларни ва оилавий бизнеснинг бошқа турдаги бизнесдан фарқ қилувчи асосий устуворликларини тушунтиришга ёрдам берадиган янги назариялар¹¹⁰ ҳам пайдо бўлди.

Оилавий бизнесни амалий жиҳатдан урганиш бўйича Credit Suisse (CS)¹¹¹ тадқиқотлари диққатга сазовор. Унинг натижасида 35 та мамлакатдан 920 та йирик оилавий корхоналар рейтингини тузилди. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, рўйхатнинг деярли учдан икки қисмини (64%) Осиё давлатлари ташкил қилади. Буларнинг аксарияти ривожланаётган Осиё давлатларига туғри келади. Ушбу рўйхатда акциялари молиявий бозорларда сотилаётган ва капиталлашуви 1 млрд

¹⁰⁶ Jorissen, A., Liveren, E., Martens, R., & Reheul, A. (2005). Real versus Sample-Based differences in comparative family business research. *Family Business Review*, 18(3), 229-24. Бетлар.

¹⁰⁷ Chrisman, J. J., Kellermanns, F. W., Chan, K. C., & Liano, K. (2010). Intellectual foundations of current research in family business: An identification and review of 25 influential articles. *Family Business Review*, 23(1), 9-26.

¹⁰⁸ Aldrich, H. E., & Cliff, J. E. (2005). The pervasive effects of family on entrepreneurship: Toward a family embeddedness perspective. *Journal of Business Venturing*, 18(5), 573-596.

¹⁰⁹ Stafford, K., Duncan, K. A., Duncan, S., & Winter, M. (1999). A research model of sustainable family businesses. *Family Business Review*, 12(3), 191-208.

¹¹⁰ Harris, D., Martinez, J. I., & Ward, J. L. (1994). Is strategy different for the Family-Owned business? *Family Business Review*, 7(2), 159-174.

¹¹¹ Швейцариядаги иккинчи йирик молиявий ҳисобатлар қўғувчи компания

доллардан ошган ҳамда 20 фоиз акциялари оилаларга тегишли булган компаниялар жой олган.

Credit Suisse тадқиқоти натижаларига кўра "ривожланаётган молия бозорларида куп ҳолатларда мулкка қисман эғаликни кузатиш мумкин". Чунки купгина оилалар вақт ўтиши билан ўз улушларини сотган. Маълумотларга кўра, оилавий компания асосчиларининг фақат учдан бир қисми ўз бизнесини оиласининг иккинчи авлодига, 12 фоизи учинчи ва 3 фоизи эса туртинчи авлодига утказган¹².

Қуйидаги жадвалда дунёдаги энг йирик ва машҳур 15 та оилавий корхоналар рўйхати келтирилган (3.4.1-жадвал).

2. Жаҳондаги энг йирик оилавий корхоналар

3.4.1-жадвал

№	Оила фами- лияси	Компа- ния номи	Фаолият соҳаси	Мам- лакати	Бозор капитал- лашуви
1	Сандозлар	Novartis	Соғлиқни саклаш, дорн- дармон ишлаб чиқариш	Швейцария	279 млрд доллар
2	Хофф- манн- Оэри	Roche	Соғлиқни саклаш, дорн- дармон ишлаб чиқариш	Швейцария	254 млрд доллар
3	Уолтон- лар	Walmart	Истеъмол товарлари	АҚШ	241 млрд. доллар
4	Цукерберг лар	Facebook	Ахборот техноло- гия лари	АҚШ	225 млрд. доллар

¹²² <http://www.credit-suisse.com/press/2013/07/16/13-07-16-01-en.html>

5	Леманлар, Сику- пирлар ва Теллеслар	Anheuser- Busch InBev	Истеъмол товарлари	Бельгия	197 млрд. доллар
6	Элли- сонлар	Oracle	Ахборот техноло- гия лари	АҚШ	192 млрд. доллар
7	Ли	Samsung Electronics	Ахборот техноло- гия лари	Жанубий Корея	174 млрд. доллар
8	Пихи- Порше	Volkswagen	Узоқ муддатли истеъмол товарлари	Германия	120 млрд. доллар
9	Киндер- лар	Kinder Morgan	Энер- гетика	АҚШ	90 млрд. доллар
10	Найтлар	Nike	Узоқ муддатли истеъмол товарлари	АҚШ	88,2 млрд. доллар
11	Тата	Tata Consultancy Services	Ахборот техноло- гия лари	Ҳиндис- гон	80 млрд. доллар
12	Сонлар	SoftBank	Телеком- муни- кация	Япония	72 млрд. доллар
13	Маккес- сонлар	McKesson	Соглиқни сақлаш, дори- дармон ишлаб чиқариш	АҚШ	55 млрд. доллар

14	Квоки	Sun Hung Kai Properties	Молыя	Гонконг	49 млрд. доллар
15	Гоу	Foxconn	Ахборот технологиялари	Тайван	49 млрд. доллар

Манба: муаллиф томонидан тузилган.

Юқоридagi мулохазалардан кўриниб турибдики, оилавий тадбиркорликни тадқиқ қилиш анча мураккаб ва кўп қиррали жараён. Унинг мураккаблиги шундаки, унда бизнесни юритиш билан бирга оилавий муносабатлар уйғунлигини таъминлаш ҳам муҳимдир. Чунки оилавий муносабатлардаги турли низолар бизнеснинг барбод бўлишига олиб келиши мумкин. Оилагаги соғлом ижтимоий-психологик муҳит бизнеснинг муваффақиятини таъминлашга хизмат қилади. Шу ўринда, шунга айтиш жоизки, Credit Suisse тадқиқоти натижаларига кўра, баъзи компаниялар оирорта ҳам авлод томонидан назорат қилинмайди. Бунинг асосий сабаби эса қариндошлар ўртасидаги зиддиятлар ва оилавий муаммолар деб кўрсатилади. Масаланинг бу жиҳатини ўрганишга оид тадқиқотларни ҳали етарли деб бўлмайди.

Оилавий тадбиркорликни тадқиқ этишнинг турли назарий ёндашувларини ўрганиш асосида, уларни қуйидаги йўналишларга ажратиш мумкин:

➤ оилавий тадбиркорликнинг узлуксизлиги (авлоддан-авлодга ўтиши) нуктаи назаридан ёндашувлар;

➤ оилавий тадбиркорликнинг мулкка эгаллик ва бошқарув нуктаи назаридан таснифланиши бўйича ёндашувлар (оилагаги ролларни тақсимлаш) ва бошқалар.

Келтириб ўтилган назарий қарашлар оилавий тадбиркорлик фаолиятида роллар тақсимоти ёки ваколатларнинг аниқ чегарасини етарлича ақс эттирмайди. Бу эса оилавий тадбиркорлик фаолиятида унинг мулкдорлари, ходимлари (аъзолари) ва бошқарувчисининг аниқ ваколатлари чегарасини ифодаловчи мезонларни ишлаб чиқишни талаб қилади. Муаммога

бундай ёндашиш институционал назариядаги мулкый ҳуқуқлар таснифига асосланади.

Бу борада, оилавий тадбиркорликнинг уч ўлчамли моделининг тавсифига кура, оилавий тадбиркорлик фаолиятини самарали ташкил этиш "оила", "мулк", "бошқарув" каби кичик тизимларининг ўзаро нисбатларига боғлиқ экан. Унинг аъзолари ва бошқа иштирокчилари ролларини таснифлаш уларнинг «оила», «мулк» ва «бошқарув» компонентларига канчалик алоқадорлигидан келиб чиқади (3.4.1-расм).



3.4.1- расм. Оилавий тадбиркорликнинг уч ўлчамли модели¹¹³.

Ушбу (3.4.1-расм) уч ўлчамли моделдаги муносабатлар тизимини қуйидагича таснифлаш мумкин:

1) бизнесга жалб қилинмаган ва оила активларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмаган оила аъзоси (оилавий корхонанинг акцияларига эга эмас);

2) оилавий бизнесни бошқаришда ва фаолиятида иштирок этмайдиган ҳамда оиланинг аъзоси ҳисобланмаган сармоядорлар;

3) бизнесда иштирокчи бўлмаган ва оиланинг аъзоси ҳисобланмаган ходимлар;

¹¹³ Taggart, R., & Davis, J.A. (1996). "Bivalent attributes of the family firm", *Family Business Review*, 9(2), 199-208.

4) оилавий корхона ходими бўлмаган ва бошқарувда иштирок этмайдиган оилавий акциядорлар (бизнес ҳамкорлар, таъсисчилари);

5) оилавий бизнесда банд бўлган ва уни бошқаришда иштирок этадиган оила аъзолари, лекин унинг таъсисчилари эмас;

6) оилавий бизнесда уз улушига эга бўлган ходимлар (оила аъзоси бўлмаган);

7) оилавий бизнеснинг ҳамкорлари бўлган ва унинг бошқарувида жалб этилган оила аъзолари.

Ушбу моделни ташкил этувчи ҳар бир кичик тизимларнинг вакиллари оилавий бизнесни ривожлантиришдан шахсий манфаатларини кўзловчи ўз нуқтаи назарига эга. Булар бизнес жараёнида турли низо ва муаммолар ҳамда фикрлар тўғрисида тарафларнинг кўринишида рўй бериши мумкин.

Самардорликни ривожлантиришга оид хорижий таъсирларни ўрганиш асосида, Ўзбекистон Республикасининг "Оилавий таъсирдорлик тўғрисида"ги Қонунига узгартириш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилди. Жумладан, 1-боб. Умумий қондалар (5-моддаси); 2-боб. Оилавий корхонани ташкил этиш ва давлат рўйхатидан утказиш (8, 9 - моддалари); 3-боб. Оилавий корхонанинг маҳал унинг иштирокчиларининг қирри ва жавбдорлигини (12, 14-моддалари); 7-боб. Ўз унловчи қондалар (30, 31-моддалари).

3.5. Оилавий таъсирдорликни куллаб-қувватлашда самардорликни баҳолаш

Ўзбекистонда ҳолининг бандлиги ва даромадларининг таъсирдорлигини таъминлашга доир вазифаларини ҳал этишда тобора муҳим ўрин тутаятган кичик бизнес ва оилавий таъсирдорликни куллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга янада устувор аҳамият берилмоқда. Бу борада, "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси" ¹¹⁴ да

¹¹⁴ Ўзбекистон Республикасини Президентининг Фарёули Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. 2017 йил 7 февраль. ПФ - 4947-сон.

муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шунингдек, 2018 йилни “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилиниши – кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш, соҳага тўлиқ эркинлик бериш, бу йўлда ғов бўлиб турган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этишдан далолат беради. Зотан, мамлакатимиз иқтисодийотининг жадал суръатларда ривожланиши, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати юксалиши қўл жихатдан кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликнинг истикболи билан чамбарчас боғлиқдир. Шулардан келиб чиқиб, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган аниқ мақсадли “**Ҳар бир оила – тадбиркор**” дастури ҳам қабул қилинди.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, улар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги муаммоларни бартараф этишга қаратилган кенг куламли ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Жумладан, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тўдан такомиллаштириш мақсадида 2019 йил 14 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тўдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорини қабул қилиниши, Ўзбекистон Фармонида ҳозирги кунда асосий тадбиркорлик фаолиятига кенгрок ва фаол жалб этишга қўлқўл қўйишга боғлиқ навбатда давлат қўлқўл қўйиш тадбиркорлик билан муносабат қилишнинг амалий ва шаффоф тизими мавжуд эмаслиги билан боғлиқ бўлган бир қанча салбий омиллар санъатсозликни курсатиб ўтилган.¹¹³ Хусусан:

биринчидан, тадбиркорларни ҳаётини ва мувожажатларини кўриб чиқишнинг ягона тизими мавжуд эмас, бу эса юзага келаётган масалаларни тўлиқ қамраб олиш ва тезкорлик билан ҳал этиш имконини бермаяпти, тадбиркорларнинг муаммолари ва мувожажатларини ҳал этишга юзакли муносабатда бўлиш ҳолатлари мавжуд;

¹¹³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тўдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони (2019 йил 14 июл)

иккинчидан, мавжуд тизимли муаммоларни таҳлил қилиш буйича ишларнинг самарали амалга оширилмаслиги аҳолининг тадбиркорлик фаоллигини ошириш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш масалаларини сифатли ҳал қилиш имконини бермаяпти;

учинчидан, тадбиркорликни ривожлантиришга ва қулай инвестиция муҳитини шакллантиришга тўққинлик қилувчи муҳим муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш буйича вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг таъсирчан механизми мавжуд эмас;

тўртинчидан, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари томонидан тадбиркорлар билан бевосита мулоқот қилишга, шунингдек, уларнинг қонуний талабларини аниқлаш ва тезкорлик билан ҳал қилишга ҳамда муаммоларни бартараф этишга етарлича эътибор берилмаяпти;

бешинчидан, тадбиркорларнинг мурожаатлари билан ишлашда, айниқса, жойлашда бюрократик тўсиқлар ва ғовлар учраб турибди, **“Ҳар бир оила – тадбиркор”** дастури ва тадбиркорларнинг кичик ва урта бизнесни ривожлантиришга йўналтирилган ташаббусларини ўз вақтида амалга ошириш, ушбу жараёнга ёшлар ва хотин-қизларни жалб қилиш, барқарор янги иш ўринлари яратиш, аҳоли турли тоифаларининг моддий фаровонлигини ошириш барча даражадаги ҳокимликлар ва уларнинг раҳбарлари томонидан зарур даражада қўллаб-қувватланмаяпти.

Ўз-ўзидан равшанки, бундаё муаммоларнинг мавжудлиги тадбиркорлик муҳитини яхшилаш, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожланишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Бу каби муаммоларни бартараф этиш эса тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлигини баҳолашни зарурат этади.

Иқтисодий адабиётларда кичик бизнесни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат мақсадли дастурларини баҳолашга қаратилган турлича услубий ёндашувлар

мавжуд¹¹⁶. Бундай ёндашув моҳиятига қўра, давлат дастурларини баҳолашда мультипликатив самара принциpidан келиб чиқши керак, яъни дастур вазифаларининг бажарилиши, бошқа ижтимоий - иқтисодий муаммоларнинг ҳам ҳал этиш имконини бериши керак. Мухтасар қилиб айтганда, кичик бизнеснинг ривожланиши бандлик ва даромадлар даражасини оширади. даромадларнинг ошиши товар ва хизматларга булган талабнинг ортишига, бу эса ўз навбатида таклифнинг ортишига олиб келади. Шу тариқа ушбу вазифаларнинг кетма-кет ва узвий боғлиқликда ҳал этилиши, пировад мақсадга, яъни ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва аҳоли турмуш сифатининг ошишига олиб келади.

Маълумотларга қўра, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашга 2018 йил якунига қўра 30648,8 млрд.¹¹⁷ **сўм кредит ажратилган**, шундан оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга 608,4 млрд.¹¹⁸ **сўм еки ажратилган жами кредитларнинг 21,8 фоизи туғри келади**. Худди шу таҳлил даврида, Самарканд вилояти тижорат банклари томонидан “Ҳар бир оила – тадбиркор” дасгури бўйича 4723 та лойиҳага 101 миллиард 699 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилган¹¹⁹. Булар натижасида, янгидан ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари сони 2,3 бараварга ўсган¹²⁰. Маълумотлардан қўриниб турибдики, оилавий тадбиркорлик субъектлари мамлакатимиз иқтисодий тараққиетини таъминлашда ўзига хос пойдевори яратмоқда. Шулардан келиб чиқиб, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурларни баҳолашда қўлланиладиган “натижадорлик” ва “самарадорлик” тушунчаларининг моҳиятини очиб беришни мақсадга мувофиқ деб билдик

Иқтисодий алабиётларда натижадорлик тушунчасининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини очиб беришнинг турли ёнда-

¹¹⁶Поттн С.А. Комплексный анализ оценки эффективности управления программами поддержки малого предпринимательства. Фундаментальные исследования. №10, 2013, 249 с

¹¹⁷“Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг статистик бюллетени” –Т., 2019. (www.cbu.uz/uz-publications/bulleten/)

¹¹⁸Ушбу сонда

¹¹⁹Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Самарканд вилоят бошқармаси маълумотлари

¹²⁰Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва хизм қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида” ги Фармони (2019 йил 14 май).

шувларини учратиш мумкин. Натижадорлик – бу дастурий хужжатларда қўйилган мақсадлар ва эришилган натижалар уртасидаги алоқадорликдир¹²¹, шунингдек, барча натижалар белгиланган мақсадларга қанчалик мос ёки мос келмаслигини баҳолашдир¹²². Самарадорликни классик таърифига қўра, самарадорлик - натижанинг харажатга нисбати билан аниқланади¹²³. Шунга қўра, ушбу нисбат аҳамияти қанча катта бўлса, самарадорлик ҳам шунча юқори бўлади

Натижадорлик кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурларини баҳолашга ҳам татбиқ этилган. Бунда қуйидаги кўрсаткичлар тизими таклиф этилган¹²⁴:

1. кичик корхоналар сони;
2. кичик корхоналарда иш билан банд бўлганлар;
3. кичик корхоналарнинг асосий капиталга киритган инвестициялари ҳажми;
4. кичик корхоналар обороти;
5. кичик корхоналарда иш ҳақи фонди.

Ушбу кўрсаткичлар динамикаси кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурлари ижросининг натижасини ифодалайди. Бунда қуйидаги формуладан фойдаланилган:

$$R = \frac{F}{P}; \quad (1)$$

Бу ерда, R – натижадорлик, F – дастурлар ижросининг ҳақиқатдаги кўрсаткичлари қиймати; P – дастурларнинг режа кўрсаткичи қиймати; бунда, агар $R \geq 1$ бўлса дастур натижадор, $R < 1$ бўлса дастур натижадор ҳисобланмайди.

Бироқ шунини таъкидлаш жоизки, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурлари натижадорлигини баҳолашга оид ёндашувлар ҳамон мавжуд эмас. Шу боис оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурлари натижадорлигини баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланишни таклиф этамиз:

N_1 – оилавий корхоналар сони;

¹²¹ Преследование региональных диспропорций. Опыт России, Германии и некоторых стран ЕС – М.: ЗАО Изд-во «Экономика», 2009, стр. 159

¹²² Результативность и эффективность бюджетных расходов монография. – М.: Финансы, 2009, стр. 720.

¹²³ Уша дола.

¹²⁴ Попов С.А. Комплексный анализ оценки эффективности управления программой поддержки малого предпринимательства. Фундаментальные исследования. №10, 2013, 22-9 с

N_2 — яратилган иш уринлари сони;

N_3 — оила умумий даромадлари таркибида мулк ва тадбиркорлик даромадлари ҳиссаси;

N_4 — оилавий корхона соф тушуми;

N_5 — ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши.

Ушбу натижадорликни баҳолаш курсаткичларининг ҳар бири (1) — формула ёрдамида алоҳида ҳисобланади. Бирок дастурнинг умумий натижадорлиги ($N_{\text{дастур}}$) куйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$N_{\text{дастур}} = \frac{N_{\text{ОКлар сони}} + N_{\text{иш урини}} + N_{\text{даромад улуши}} + N_{\text{соф тушуми}} + N_{\text{ЯҲД}}}{5}; \quad (2)$$

Бу ҳолда, дастурнинг натижадорлигини баҳолашда оилавий тадбиркорликни ривожланишини ифодоловчи курсаткичлардан фойдаланиш мумкин (3.5.1-жадвал).

Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурлари натижадорлигини ифодоловчи курсаткичлар¹²⁵

3.5.1-жадвал

№	Мезон ва курсаткичлар	2017 йил
1	Оилавий корхоналар сони, (бирлик)	12184
2	Оилавий тадбиркорлик ҳисобига яратилган иш уринлари, (минг та)	358,56
3	Оилавий корхоналарнинг маҳсулот сотишдан тушган соф тушуми, (млн. сум)	679320,3
4	Оила даромадлари таркибида мулк ва тадбиркорлик даромадлари, (% да)	55,2
5	Оилаларнинг асосий капиталга киритган инвестицияларининг барча инвестициялар ҳажмидаги улуши, (% да)	12,6 % (8.962 млрд. сум)
6	Аҳолининг банклардаги омонатлари ЯИМга нисбатан, (% да)	12,4

¹²⁵ Ҷамоиятнинг ҳаёт сифати ва кўпчилик аъзолари асосида муаллиф томонидан тузилган

Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизими натижадорлигини баҳолашга тизимли ёндашилиб, микро даражада (алоҳида оилавий корхоналар даражасида) баҳоланди. Бунда сервис соҳасидаги оилавий тадбиркорлик субъектлари даромадига (соф тушум) таъсир қилувчи омилларнинг эконометрик таълили амалга оширилди.

Тадқиқотлар кўрсатдики, оилавий тадбиркорлик субъектларининг соф тушумига қуйидаги омиллар таъсир этиши мумкин:

- x_1 – солиқ ставкаси;
- x_2 – йиллик қайта молиялаштириш ставкаси;
- x_3 – меҳнатга ҳақ тўлаш фондидаги ягона ижтимоий тўлов;
- u – ҳисобга олинмаган омиллар;
- y – соф тушум.

Ушбу омилларнинг натижавий белгига таъсирини ифодаловчи назарий моделимиз чизикли регрессия тенгламаси кўрилишида бўлди. Бунда функциянинг чизикли эканлиги Gretl дастурий таъминотида Remsi test орқали аниқланли.

$$y = \beta_0 + \beta_1 x_1 + \beta_2 x_2 + \beta_3 x_3 + u, \quad (3)$$

Бунга кўра, натижавий белгининг ўзгаришига x_1 ва x_2 омилларнинг таъсири катта ва қолган омиллар эса унча катта аҳамиятга эга эмаслиги кўринди. Бунда регрессиянинг барча гурдаги тенгламаларида соф тушумнинг барча омилларга турли даражада боғлиқлиги аниқланди ва бу боғланганда $R = 0,925$.

Баҳоланган моделимиз қуйидаги кўринишга эга:

$$y = 2,35 - 0,28x_1 - 1,68x_3; \quad (4)$$

Ушбу ҳосил қилинган тенгламанинг иқтисодий моҳиятини аниқлаш мақсадида эластиклик коэффиценти ҳисобланди. Бунга кўра, ягона солиқ ставкаси (x_1)нинг 1 %га камайиши, соф тушумнинг 0,28 %га ошишига, шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов (x_3)нинг 1 % га камайиши эса соф тушумни 1,68 %га кўпайтишига олиб келади.

Мавзуга методологик ёндашилиб, шундай ҳулосага келиндикки, “натижадорлик” ва “самарадорлик” тушунчалари ўзаро узвий боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи мустақил

категориялардир. Шу асосда ушбу тушунчаларнинг тадқиқ этилаётган муаммога таъбиқан ҳар бирининг моҳияти очиб берилди. Бунга кура, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлиги деганда мақсадли давлат дастурларини амалга ошириш ҳисобига эришилган натижаларнинг, шу натижаларга эришиш учун барча манбалардан сарфланган харажатларга нисбати тушунилади. Шунингдек, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизими натижадорлиги – давлат дастурларининг ижроси билан боғлиқ бўлиб, дастурнинг қўйилган мақсадларга эришганлик даражасини ифодалайди. Самарадорлигининг натижадорликдан фарқи шундаки, у нисбий қиймат бўлиб, натижанинг шу натижага эришишга қилинган харажатиго нисбати билан характерланади. Ёки бошқача айтганда, самарадорлик чекланган ресурслардан энг юкори натижаларга эришиш билан боғлиқ мураккаб иқтисодий-ижтимоий муносабатларни акс эттиради.

Умумий хулоса урнида шуни айтиш жоизки, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлиги ижтимоий-иқтисодий курсаткичларда ифодаланиб, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш билан боғлиқ жараенларда намоён бўлади. Шу жиҳатдан қараганда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган дастурларни баъолаш муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этади.

IV БОБ. АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШДА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЙУЛЛАРИ

4.1. Инвестицияларнинг социал-иқтисодий моҳияти ва аҳамияти

Мамлакатимизни 2017-2021 йилларда социал-иқтисодий ривожлантиришнинг диққат-маркази — аҳоли фаровонлигини ва юксак турмуш даражасини таъминлашга, мавжуд ресурс ва салоҳиятдан самарали фойдаланган ҳолда барқарор ва рақобатбардош миллий иқтисодиётни шакллантиришга қаратилган. Бу борада амалга оширилган кўплаб чора-тадбирлар қаторида юқори кўшимча қийматга эга бўлган тайер маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ҳамда хизматлар кўрсатувчи соҳаларни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида юқори кўшимча қийматга эга бўлган тайер инновацион маҳсулотлар яратиш қўламининг кенгайиши — ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларининг янги қўринишларини жорий қилишга, иш ўринларини ташкил этиш ҳамда ташқи алоқаларнинг кенгайишига шароит яратди. Бу эса ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида инвестицион фаолликнинг янада кучайишини талаб қилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирга қадар “инвестиция” тушунчаси моҳиятини мамлакатимизнинг иқтисодиёт соҳаси олимлари турлича талқин қилиб келадилар.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатига “инвестиция” атамаси — мамлакатимизнинг аралаш иқтисодиётга ўтишининг дастлабки йилларида (ўтган асрнинг 80-йиллари охирида) хорижий тиллардан кириб келди. Унгача, назария ва амалиётда, “капитал қўйилма” ёки “капитал харажат” атамалари кенг ишлатилар эди. Аммо “инвестиция” ва “капитал қўйилма” атамалари бир хил тушунча эмас, яъни синоним сўз эмас.

“Инвестиция” атамаси “капитал қўйилма” атамасига нисбатан кенг мазмунли ва кенг қамровли тушунчадир.

Капитал қўйилмалар – асосий воситаларни янгилаш ва кенгайтиришга сарф этиладиган маблағлардир. Инвестиция эса тадбиркорлик фаолияти ва бошқа турдаги фаолият объектларига келгусида фойда олиш ёки социал самарага эришиш мақсадида инвесторлар томонидан киритиладиган барча турдаги моддий, молиявий ва интеллектуал бойликларга айтилади.

Инвестиция қўйиш объекти – капитал қўйилмалар объектига нисбатан кенгрок. Капитал қўйилмалар объектига фақат асосий воситалар (моддий бойликлар) кирса, инвестиция объектига айланма маблағлар, облигация ва бошқа молиявий ресурслар, шунингдек, мулклардан фойдаланиш ҳамда эгалик қилиш ҳуқуқлари, илмий техника маҳсулотлари, «ноу-хау», кадрлар тайёрлаш ва бошқалар кирази.

Демак, капитал қўйилмалар инвестицияларнинг бир қисми ҳисобланади. Уларнинг таркибида капитал қўйилмалардан ташқари бошқа унсурлар ҳам мавжуд. Шу сабабдан, капитал қўйилмалар тушунчаси айнан инвестициялар тушунчасини аниқлатмайди.

“Инвестиция” атамаси махсус луғатларда ва адабиётларда ҳозиргача турлича изоҳланади ва таърифланади. Иқтисодиётга оид аксарият адабиётларда таъкидланишича, “инвестициялар” атамаси латин тилидаги “invest” сўзидан келиб чиққан бўлиб “қўйиш”, “маблағни сафарбар этиш” маъносини беради. Айрим адабиётларда эса, “инвестиция” атамаси – “ўраш”, “қийинтириш”, “ясантириш” деган маъноларни аниқлатади, дейилади.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида: “Инвестиция (лот. Investio – ўраш) – иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида ўз мамлакатада ёки чет элларда турли тармоқларга, ижтимоий-иқтисодий дастурларга, инновацион, тадбиркорлик лойиҳаларига узоқ муддатга капитал киритиш (қўйиш)”¹²⁶,

¹²⁶ Ўзбекистон миллий энциклопедияси 4-жилд 3-бўлим – Қошиқил Тажрир Лайлати М.Азминов, Т.Давидов, Т.Долматов ва б. – Т. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат истилоҳи китоби, 2002, 145 бет

дейилган бўлса Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 9 декабрдаги “Инвестиция фаолияти тугрисида”ги (янги таҳрирда) қонуннинг 3-моддасида “инвестициялар — қонун ҳужжатларида тақиқланмаган тадбиркорлик фаолияти ва бошқа турдаги фаолият объектларига киритилган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар”, дейилади. Б.Ю.Ходиев ва Ш.Ш. Шодмоновлар муаллифлигида ёзилган “Иқтисодиёт назарияси” дарслигини а: “Инвестициялар – асосий ва айланма капитални қайта тиклаш ва қўлайтиришга, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга қўйилган сарфларнинг пул шаклидаги қўри-нишидир”¹²⁷, деган таъриф берилган.

Бизнинг фикримизча, бу таърифлар қайсидир даражада инвестиция тушунчасига мос келсада, унинг маъ-нун-моҳиятини тулиқ очиб бермайди, чунки ҳар қандай дас-тур, лойиҳа еки объектга киритилган капитал иқтисодий ёки социал самара бермаслиги мумкин. Амалиётга тугалланмаган қўрилиш, ижобий натижасиз якунланган айрим илмий тадқиқот ишлари ва ҳоказолар ҳам учраб туради. Ҳолбуки, инвесторлар ижобий натижа – иқтисодий ва социал самара олиш мақсадида иқтисодиётнинг турли тармоқларига, шунинг-дек, махсус дастурларни ва лойиҳаларни амалга ошириш учун капитал киритишади.

“Инвестицияларни молиялаштириш масалалари” номли монографияда: “Инвестициялар” атамаси лотин тилидаги “invest” сўзидан келиб чиққан бўлиб “қўйиш”, “маблағни са-фарбар этиш” маъносини беради. Кенг маънода инвестициялар қўлайтириб қайтариб олиш мақсадларида капитални боғлашни билдиради”¹²⁸, дейилган. Шунингдек, ушбу монография муал-лифи Д.Ғ.Ғозиевнинг таъкидлашича “... инвестициялар аниқ ва ноаниқ, лекин эҳтимоли бор рисклар остида капитални муайян жараён ва вақтга боғлаш бўлиб, унинг ҳозирги қийматини сақлаш, капиталлаштириш ва жамғарини мақсадига

¹²⁷Ходиев Б. Ю., Шодмонов Ш.Ш. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: “Barkamol fayz media”, 2017, 454 бет

¹²⁸Ғозиев Д. Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: Молия 2003. 10 бет

каратилади”¹²⁹. Айнан шундай фикрлар “Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш” ўқув қўлланма муаллифи Ҳ.Ҳ. Имомов томонидан ҳам билдирилган¹³⁰.

Р.Х.Карлибаеванинг қаламига мансуб “Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш” номли ўқув қўлланмада: “Инвестициялар” атамаси лотин тилидаги. “invest” сўзидан олиingan бўлиб, пул сарф қилмоқ, қўймоқ маъносини англади.

Инвестициялар – аниқ ёки ноаниқ, лекин эҳтимоли бор рисклар шароитида капитални муайян жараёнларга, муайян вақтда боғлаш бўлиб, унинг жорий кийматини сақлаш, капиталлаштириш ва жамғаришни таъминлаш мақсадида молиявий ва реал активларга мақсадли қўйилма қилиш жараени”¹³¹, дейилади.

Юқорида келтирилган фикрлар қайсидир даражада ўхшаш. Уларда асосий эътибор иқтисодиётга сафарбар этилаётган капиталнинг ҳозирги кийматини сақлаш ва уни капиталлаштириш жиҳатларига қаратилган.

“Молия: Корхоналар молияси” номли дарслик муаллифлари: “Инвестиция лотинча “investire” (кийинтириш, ясантириш), немисча “investition” сўзидан келиб чиқиб, қисқача узок муддатга ишлаб чиқаришни кенгайтириш, даромадни орттириш, фойда олиш учун қандайдир ишга ёки корхонага капитал маблағ қўйишни билдиради”¹³², деган фикрни илгари суришган. Бизнинг фикримизча, бу таъриф ҳам камчиликдан ҳоли эмас.

Маълумки, корхоналар инвестицияларни нафақат ишлаб чиқаришни кенгайтириш, даромадни орттириш ва фойда олишга йўналтиришади, айни пайтда, улар социал аҳамиятга эга бўлган объектларга: ходимларга хизмат кўладиган турар жойлар, бошқа, спорт муассасалари ва бошқа маданий-маиший хизмат кўрсатувчи объектлар учун ҳам маблағ сарфлашади.

¹²⁹Ғозиев Д.Ф. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. –Т.: Молия 2003, 28 бет.

¹³⁰Имомов Н.Н. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. (O'quv qo'llanma) – T.: IDIU, 2010, 17 bet.

¹³¹ Karlibayeva R.X. Investitsiyalarni tashkil etish va noliy. 'ashtirish. Oliy o'quv yurtidan uchun o'quv qo'llanma. – J.: Cho'lpon, 2011, 5 bet.

¹³² Mo'hiya. Korxonalar mo'hiyasi. Darshlik / J.R.Zaynalov, S.S.Aliyeva, Z.O.Axromov va boshqalar. – T.: Iqtisod-mo'hiya, 2018, 134-141 betlar.

Бундан ташқари, ишлаб чиқариш ва хизмат курсатиш соҳаларига инвестициялар киритиш ички ҳамда ташқи бозорларни, инсонлар учун зарур бўлган, сифатли товар (хизмат)лар билан тўйинтириш имкониятини туғдиради. Буни ҳам инвестицияларнинг социал самараси деб баҳолаш мумкин.

Шу ўринда “социал” атамасига қисқача изоҳ бериш зарур бўлади. “...аксарият иқтисодий адабиётларда “социал самарадорлик” атамаси “ижтимоий самарадорлик”¹³³, “социал” тусдаги хизматларга эса “ижтимоий хизматлар”, деб қаралади.

“Ижтимоий” атамаси – жамият, умумий, жамоатчилик каби маъноларни англатади. Масалан, ижтимоий ишлаб чиқариш (жамият миқёсидаги ишлаб чиқариш), ижтимоий фанлар (жамият туғрисидаги фанлар), ижтимоий тузум (жамият тузилиши) ва ҳоказо.

С.И. Ожегов томонидан тайёрланган “Словарь русского языка” номли луғатда “социал” тушунчасига қуйидагича изоҳ берилган: “Социальный. -ал, -ое. Общественный, относящийся к жизни людей и их отношениям в обществе”¹³⁴. Бундан кўриниб турибдики, “социал” атамаси ижтимоий тавсифга эга бўлиб, у инсонлар ҳаётига ва уларнинг жамиятдаги муносабатларига тааллуқлидир.

Ҳар қандай ҳўжалик юритувчи субъект фаолияти ва унинг натижаси умумжамят аҳамиятига эга. Бироқ бизнинг фикримизча, аҳолига қўрсатилаётган хизматларга “социал хизматлар”, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг инсонлар меҳнати ҳамда турмуш шароитларини яхшилашга, уларнинг камол топишига йўналтирилган фаолияти натижасига эса “социал самарадорлик”, деб алоҳида урғу бериш мақсадга мувофиқдир”¹³⁵.

¹³³Рус тилидаги адабиётларда қўлланиладиган “социально-экономическая эффективность” аталган ўзбек тилида “иқтисодий-иқтисодий самарадорлик”, деб утирилган. Шунингдек, рус тилидаги “Экономика социальной сферы”, деб номланган ўқув адабиёти ҳам ўзбек тилида “Иқтисодий соҳа иқтисодийлиги”, деб таъкид қилинган.

¹³⁴Ожегов Сергей Иванович. СЛОВАРЬ РУССКОГО ЯЗЫКА. Ок. 57000 слов. Пол. Ред.-ра филос. наук, проф. Н.Ю. Швердупов. - 12-е изд. - М. Рус. яз., 1978, стр. 692.

¹³⁵ШамшоваЗ., АхримовЗ. Ўзбекистон банклари фаолиятининг социал-иқтисодий самарадорлигини оширишда инновацион хизматларнинг роли // Ўзбекистон Республикаси китоб ва сўз ҳўжалиги вазирлиги, Самарқанд китоб ҳўжалиги институти ва Жалубли Корея Республикасининг Калвон Университети ҳамкорлигида ташкил этилган халқаро назирали-амалии конференция хабариятлари. - Самарқанд, СамҚҲИ, 2015, 142-145 бетлар.

Социал самарадорлик инсоннинг ҳар томонлама камол топишига ёрдам берадиган тадбирлар оркали намоен бўлади. У меҳнат ва турмуш шароитлари яхшиланишида, ходимлар малакасини оширишда акс этади. Шунингдек, социал самарадорлик – аҳоли жон бошига товар (иш ва хизмат)лар истеъмол қилинишининг, пенсия ва нафакалар миқдорининг ҳамда кадрлар тайёрлаш учун сарфланаётган маблағларнинг ўсишида ҳам ўз ифодасини топади.

Демак, инвестициялар ўз мазмун-моҳиятига кура иқтисодий ёки социал самара келтириши лозим. Самара келтирадиган мулкӣ ва интеллектуал бойликлар (инвестиция)лар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

- пул маблағлари, банклардаги мақсадли жамғармалар, пайлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар;

- ҳаракатдаги ва ҳаракатда бўлмаган мулклар (бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар);

- муаллифлик ихтиролардан фойдаланиш ҳуқуқларидан (ноу-хау) ташқил топган мулкдорлик ҳуқуқлари, бошқа интеллектуал бойликлар;

- ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари ҳамда мулкчилик ҳуқуқлари;

- бошқа бойликлар.

Шундай қилиб, “Инвестиция” деганда келгусида даромад (фойда) олиш ёки социал самарага эришиш мақсадида қонун доирасида иқтисодиётнинг турли соҳалари ва тармоқларига инвесторлар томонидан қўйиладиган барча турдаги мулкӣ, молиявий ва интеллектуал бойликлар тушунилади.

Бошқача айтганда, инвестициялар – мулкчиликнинг ҳар хил қўринишларидаги моддий, молиявий ва номоддий бойликларни иқтисодий-социал самарадорликка эришиш мақсадида муомалага киритишдир.

Берилган таърифдан келиб чиқган ҳолда қуйидагиларни қайд этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- инвестициялар мамлакатнинг қонунчилигига зид бўлмаган ҳар қандай фаолиятга жалб этилиши лозим;

- инвестициялар албатта иқтисодий ёки социал самара келтириши зарур.

Акс ҳолда капитал сарфлашнинг иқтисодий моҳияти йўқолади. Инвестициялар, нафақат узок муддатга, балки қисқа муддатга ҳам сарфланиши мумкин (масалан, давлатнинг қисқа муддатли ёки корхоналарнинг облигацияларни сотиб олишга сарфланган қисқа муддатли молиявий инвестициялар). Улар мулкӣй (моддий, молиявий) ва интеллектуал бойликлар кўринишига эга бўлади.

Маълумки, моддий, молиявий ва номоддий бойликларни ишлий иқтисодиётнинг у ёки бу соҳаларига жойлаштириш, улардан фойдаланиш жараёнида иқтисодий муносабатлар юзага келади. Шу боисдан ҳам инвестиция иқтисодий категориялар сирасига киради. Бизнинг фикримизча, у турли субъектлар томонидан (қонунчиликка зид бўлмаган фаолиятларга) иқтисодий ёки социал самара олиш мақсадида мулкӣй ва интеллектуал бойликларни кўритиш ҳамда улардан фойдаланиш жараёнида инвестиция фаолияти иштирокчилари ўртасида вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни ифодалайди.

Иқтисодиётга инвестицияларни жалб этиш – ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланиб, корхоналарда инновацион муҳитни яхшилаш билан бирга, истиқболда технологик жиҳатдан янги, сезиларли даражада такомиллашган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарини шакллантиришга, ички ва ташқи бозорлар устун инновацион маҳсулотлар етказиб беришга, қолаверса, мамлакатдаги социал муҳитга ижобий таъсир этади.

4.1.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатимизнинг социал-иқтисодий ҳолатини акс эттирувчи барча асосий кўрсаткичлар ўсиш тенденциясига эга. 2017 йил 2015 йилга нисбатан иқтисодиётда бандларнинг ўртача йиллик сонининг ўсиши доимий аҳоли сонининг ўсишига нисбатан 0,1 пунктга, ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 28,0 фоизга, аҳоли жон бошига умумий даромадлар 43,7 фоизга, ўртача ойлик пенсия миқдори 27,1 фоизга, аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот 42,9 фоизга юкори бўлган. Бундай натижаларга эришишда, табиики, мамлакат иқтисодиётига кўритилаётган инвестицияларнинг роли катта.

**Ўзбекистон Республикасидаги социал-иқтисодий ҳолатининг
акс эттирувчи асосий кўрсаткичлар¹³⁶**

4.1.1-жадвал

г/р	Кўрсаткичлар	Ииллар			2017 йилда 2015 йилга нисбатан ўзгариш, фондда
		2015	2016	2017	
1	Доимий аҳоли соии (йил охирига), минг киши	31575,3	32 120,5	32 656,7	103,4
2	Иқтисодиётда бандларнинг уртача йиллик соии, минг киши	13058,3	13 298,4	13 520,3	103,5
3	Шу жумладан нодавлат секторида	10717,0	10 968,0	11 182,0	104,3
4	Декабр ойида уртача ойлик номинал ҳи- собланган иш ҳақи, минг сум ¹³⁷	1549,6	1 752,2	1 983,3	128,0
5	Аҳоли жон бошига уму- мий даромад- лар, минг сум	3930,4	4 762,5 5	5 649,6	143,7

¹³⁶Ўзбекистон раҳамларида (статистик тўплам). -Т: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2017, 23бет, О'zbekiston raqamlarida (statistik to'plam). -Т: O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi, 2018, 23bet.

¹³⁷Қўллок хўжалиги корхоналари ҳамда кичик тадбиркорлиқси

6	Пенсия ва ижтимоий нафақа олувчи шахслар сони (йил охирига), минг киши	3203,9	3 324,23	3 488,9	108,9
7	Декабр ойида тайинланган уртача ойлик пенсия миқдори, минг сум	438,2	494,2	556,8	127,1
8	Ялпи ички маҳсулот:				
	-жамми, млрд. сум	171808,3	199993,4	254043,1	147,9
	-аҳоли жон бошига, минг сум	5489,3	6 279,6	7 843,9	142,9

Инвестицияларнинг ҳажми ва унинг суръатлари бир канча омилларга боғлиқ:

- инвестициялар ҳажми аҳоли даромадининг миқдори ҳамда олинган даромадни истеъмол ва жамғармага тақсимланишига боғлиқ (аҳолининг уртача даромади паст бўлган пайтда унинг асосий қисми истеъмолга сарфланади ва аксинча аҳоли даромадининг ўсиб бориши, унинг жамғарма қилишга ажратиладиган қисмини купаитиради).

- инвестициялар ҳажмига банк кредитининг фоиз ставкаси ҳам ўз таъсирини ўтказали. Чунки, инвестициялаш жараёнида банк кредитидан ҳам фойдаланилади. Инвестор оладиган соф фойда меъёри кредитнинг фоиз ставкасидан юқори бўлган тақдирда, инвестиция унинг учун даромадли ҳисобланади;

• инвестициялар ҳажмига инфляция даражаси ҳам таъсир қилади (инфляция канчалик юқори бўлса, инвесторнинг келажакдаги фойдаси шунчалик кадрсизланади ва инвестицияларнинг рағбатлантирувчи омиллари қисқариб боради).

Мамлакатимиз иқтисодиётига киритилаётган инвестициялар таркибидаги ўзгаришларга танқидий назар билан қаралганда, мавжуд имкониятлардан ва салоҳиятдан унумли фойдаланилмаётганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Ўзбекистонда молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар¹³⁸ (жамига нисбатан фоизда)

4.1.2-жадвал

Кўрсаткичлар	2015 йил	2016 йил	2017 йил
Асосий капиталга киритилган инвестициялар – жами	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича:			
• республика бюджети	4,5	4,6	5,1
• корхона ва аҳоли	52,9	51,4	44,5
• банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	11,8	11,5	13,3
• чет эл инвестициялари ва кредитлари	19,9	22,1	25,1
• давлат мақсадли жамғармалари, тиклашиш ва тараққиёт жамғармаси, болалар спортини ривожлантириш жамғармаларини қўшган ҳолда	10,9	10,4	12,0

4.1.2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ўрғинаётган даврда жами инвестициялар таркибида республика бюджети, банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, чет эл

¹³⁸Ўзбекистон рақамларида (статистик тўплам) –Т. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2017, 164 бет,Ўзбекистон рақамларида (statistik to'plam) –Т. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2018,165 бет

инвестициялари ва кредитлари ҳамда давлат мақсадли жамғармалари, тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, болалар спортини ривожлантириш жамғармаларининг улушлари ўсиш тенденциясига эга. Энг юқори ўсми чет эл инвестициялари ва кредитларига тўғри келади. Уларнинг улуши 2017 йили 2015 йилга нисбатан 5,2 фоизга ошган. Бироқ жами инвестициялар таркибида мамлакатимизнинг ички манбаларидан фойдаланиш даражаси паст, яъни уларнинг улуши 80,1 фоиздан 74,9 фоизга тушган. Корхона ва аҳоли инвестицияларининг улуши ҳам 8,4 фоизга қисқарган. Табиийки, бундай ҳолатни ижобий део бўлмайди.

Ривожланган давлатлар қаторидан урин олишни мақсад қилиб қўйган Ўзбекистон учун иқтисодиётга, нафақат ташқи инвестицияларни, балки ички инвестицияларни кенгроқ жалб этиш зарур бўлади.

Ички инвестициялар ҳажмини кўпайтиришда – аҳоли жамғармаларини тижорат банкларига жалб этиш ва уларни инвестицияларга трансформация қилиш ҳамда акциядорлик жамиятларининг давлат улушига тегишли кимматли қо-оз-ларни аҳолига сотиш муҳим манба ҳисобланади.

Аҳоли жамғармаларини тижорат банкларига жалб этиш учун эса, унинг банк тизимига бўлган ишончини ошириш зарур бўлади. Бу масалада ривожланган давлатлар амалиётини Ўзбекистонда ҳам қўллаш фойдалидир. Масалан, Японияда банк тизимининг умумий ресурсларида аҳоли жамғармалари 70 фоизни ташкил этади. Бу мамлакатда аҳоли жамғармаларининг ликвидлигини юқори даражада таъминлаш мақсадида қўйилган маблағларнинг қайтарилмаслик хатари молия-кредит институтлари зямасига юкланади¹³⁹. Аҳоли жамғармаларига нисбатан бундай ёндашув замонавий бозор муносабатлари талабларига мос келади.

“Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган.

¹³⁹Каримов Н.Г. Иқтисодий модернизацияда аҳолида инвестицияларни молиялаштиришнинг ёнор механизмларини такомиллаштириш // Стратегия модернизации и обеспечения долгосрочного устойчивого экономического роста. Форум экономистов Узбекистана – Т/ «СМИ-АСИА», 2011, 63 бет.

Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, узбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболага бўлмайди”¹⁴⁰.

Маълумки, ҳар қандай давлат дунёдан ажралган ҳолда – жаҳон тажрибаларини урганмасдан, дунёнинг етакчи давлатларидаги илм, фан ва техника соҳасида эришилган ютуқлардан хабардор бўлмасдан ва уларни қабул қилмасдан ўз миллий иқтисодиётини ривожлантириши мумкин эмас.

Шу сабабдан ҳам, Ўзбекистон иқтисодиётининг келгуси тараққиётини таъминлашда, иқтисодиёти юксак даражада ривожланган давлатлардаги замонавий техника ва технологияларни жалб этишда хорижий инвестициялар муҳим аҳамият касб этади.

4.2. Миллий иқтисодиётга жалб этилаётган хорижий инвестициялар ҳажмининг ортиб бориши

Бугунги кунда мамлакат иқтисодиётини юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун ички ҳамда ташқи инвестицияларни жалб қилиш нечоғлик катта ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини деярли ҳар бир мутахассис ва ҳужалик юритувчи субъект яхши англаб етди.

Миллий иқтисодиётга йирик ҳажмда инвестицияларни жалб этиш, авваламбор, аҳоли бандлиги, унинг иш ҳақи ва даромадларини ошириш каби энг муҳим социал муаммоларни ечиш имкониятини беради. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция киригаётган субъектларни иқтисодий рағбатлантириш ва зарурий шаронтларни яратиб бериш ута муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Шунга қўра, ҳозирги кунда республикаимиз иқтисодиётига инвестицияларни, хусусан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенгроқ жалб этиш уларнинг мамлакатимизда утказилаётган иқтисодий ислохотларнинг самарали ижросини

¹⁴⁰ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисида Мурожаатномаси. “Халқ сўзи. 2018 йил 29 декабрь.

таъминлашнинг муҳим асосига айланганлигини тушуниб олиш қийин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек: “Бугунги кунда юртимизда, чет эл инвестициялари ҳисобидан киймати 23 миллиард долларлик 456та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Келгуси йилда тадбиркорлик, бизнес учун янада қулай муҳит яратиш, янги иш уринлари ташкил этиш, аҳоли даромадларини қупайтириш, пенсия таъминотини яқшилаш бўйича ҳам кўп ишлар қилишимиз лозим.

Шуларнинг барчасини ҳисобга олиб, 2018 йилда бошлаган ишларимизни мангикий давом эттириш ва юксак босқичга кўтариш мақсадида, мен қириб келаётган янги – 2019 йилга “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб ном беришни таклиф этаман.

... иқтисодиётимиз ривожининг муҳим шарт бўлган фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттираимиз.

2019 йилда барча манбалар ҳисобидан қарийб 138 триллион сўмлик ёки 2018 йилга нисбатан 16 фоиз кўп инвестицияларни ўзлаштириш мўлжалланмоқда.

Бу борада туғридан-туғри хорижий инвестициялар миқдори жорий йилга нисбатан қарийб 1,5 баробар оширилиб, 4,2 миллиард долларга етказилади. Натижада 142 та замонавий корхона ишга туширилади”¹⁴¹.

Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, чет эл инвестицияси жалб қилиниши назкур давлатларнинг юксак даражада тараққий этишида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлган. Қуйида берилган жадвалда мамлакатимизга жалб қилинган хорижий инвестициялар, шунингдек, туғридан-туғри қиритилган инвестицияларни йиллар бўйича ўзгариш динамикаси келтирилган (4.2.1-жадвал).

¹⁴¹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.

**Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган хорижий
инвестициялар ва кредитлар динамикаси¹⁴²**

4.2.1-жадвал

Курсаткичлар	Йиллар			Узгартиш	
	2015	2016	2017	2016 йилда 2015 йилга нисбатан (фоиз)	2017 йилда 2016 йилга нисбатан (фоиз)
Чет эл инвестициялари ва кредитлари (млрд.сум).	8309,5	10 611,4	17 146,5	127,7	161,6
Ялпи ички маҳсулот (млрд.сум).	171808,3	199993,4	254 043,1	116,4	127,0
Чет эл инвестициялари ва кредитларининг ялпи ички маҳсулотга нисбати (фоиз)	4,8	5,3	6,7	+0,5	+1,4

4.2.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этилаётган чет эл инвестициялари ва кредитлари ҳам ўсиш тенденциясига эга 2017 йилида чет эл инвестициялари ва кредитлари ҳажми

¹⁴²Ўзбекистон рақамларида (статистик тўплам) –Т. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2017,23-24бетлар, O'zbekiston raqamlarida (statistik to'plam) –Т. O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi, 2018,23-24betlar

биргана 2016 йилга нисбатан 61,6 фоизга ошган. Уларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбати ҳам ўсиш тенденциясига эга: 2016 йили 2015 йилга нисбатан 0,5пунктга ўсган бўлса, 2017 йили 2016 йилга нисоати 1,4пунктга кўп бўлган. Шунингдек, чет эл инвестициялари ва кредитлари ҳажмининг ўсиши мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмининг ўсиши даражасидан ортиқ

Сўнгги йилларда мамлакат иқтисодийётига киритилаётган чет эл инвестициялари ва кредитлари ҳажмининг ўсиши тўғрида, тўғри инвестициялар ҳажмининг ортиши натижасида рўй бермоқда.

Ўзбекистонда асосий капиталга киритилган чет эл инвестицияларининг турлари таҳлили¹⁴³

(фоизда)

4.2.2-жадвал

	2015 йил	2016 йил	2017 йил	Ўзгариш (+,-)	
				2017 йил 2015 йилга нисбатан	2017 йил 2016 йилга нисбатан
Жами инвестициялар ва кредитлар	100,0	100,0	100,0	-	-
шу жумладан:					
тўғридан-тўғри инвестициялар ва кредитлар	73,8	69,3	74,5	+ 0,7	+ 5,2
ҳукумат кафолати эстидаги инвестициялар ва кредитлар	26,2	30,7	25,5	- 0,7	- 5,2

¹⁴³Ўзбекистон рақамларида (статистик тўплам). -Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2017, 170 бет. O'zbekiston raqamlarida (statistik to'plam). -T.: O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi, 2018, 171 bet.

4.2.2-жадвал маълумотлари далолат берадики, Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган жами хорижий инвестициялар таркибида туғридан-туғри инвестициялар ва кредитларнинг улуши 2017 йили 74,5 фоизга тенг булган. Бу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан 0,7 пунктга, 2016 нисбатан эса 5,2 фоизга ортган. Айни пайтда, ҳукумат кафолати остидаги инвестициялар ва кредитлар улуши пасаймоқда.

Бундай ҳолат, бизнинг фикримизча, ижобийдир. Чунки, чет эл инвестициялари ва кредитлари таркибида давлат кафолати асосида олинган хорижий инвестициялар мамлакатнинг ташқи қарзини оширади.

Чет эллик инвесторларнинг узоқ муддатга мулжалланган инвестицион лойиҳаларни тузишларида мамлакатимиздаги сиёсий барқарорлик мавжудлиги асосий омиллардан бири бўлмоқда. Бундан ташқари, жалб этилган чет эл инвестициялари ва кредитлари учун кафолатлар тақдим этиш, солиқ ва божхона таърифлари бўйича имтиёзлар, заём ва фоиз ставкаларини субсидиялаш каби шарт-шароитлар яратилмоқда, ўнлаб қонуний ҳужжатлар амал қилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, мамлакат иқтисодиётига киритилаётган инвестициялар, жумладан, чет эл инвестициялари ва кредитлари ҳажмининг ўсиши Ўзбекистонда фаол инвестиция сиёсатининг олиб борилаётганидан дарак беради.

4.2.3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2019 йилги инвестицион дастурда белгиланган капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажми 112251млрд. сўмни ташкил қилиб, уларнинг 34,4 фоизи ички инвестицияларга, 65,6 фоизи эса хорижий инвестициялар ва кредитларга туғри келмоқда.

Инвестицион дастурига кўра бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан аҳолининг ичимлик сув таъминотини яхшилаш учун 1101 миллиард сўм, шунингдек, Оролбуйи ҳудудини ривожлантиришга 243миллиард сўм маблағ йўналтирилиши кўзда тутилган.

2019 йили капитал қўйилмаларнинг 3,5 фоизи бюджетдан, 17,1 фоизи корхона ва аҳоли маблағлари эвазига молия-

лаштириш режалаштирилган. Бў курсаткичлар 2017 йилга нисбатан, мос равишда, 1,6 – 27,4 фоизга пасайган.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилдаги инвестиция дастурида кузда тугилган капитал қўйилмаларнинг асосий параметрлари^{1, 4}

4.2.3-жадвал

	Молиялаштириш манбалари	2019 йилга прогноз, млрд. сум	Жамига нисбатан фонзда
	Жами капитал қўйилмалар	112 251	100
	Шу жумладан:		
1	Марказлашган инвестициялар	41 641	37,1
1.1	Бюджет маблағлари	3960	3,5
1.2	Бюджетдан ташқари маблағларнинг йуналтирилиши	7 701	6,9
1.3	Ўзбекистон Республикасининг тикланиш ва тарақиёт фонди (сум эквивалентида)	7 702	6,9
1.4	Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолати остида хорижий инвестициялар ва кредитлар	22 278	19,8
2	Марказлашмаган инвестициялар	70 610	62,9
	Шу жумладан:		
3.1	Корхона маблағлари	18 222	16,2
3.2	Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	17 193	15,3

¹⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрда “Ўзбекистон республикасининг 2019 йилга мувофиқлаштирилган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4067-сонли Қарори

3.3	Туғридан-туғри хорижий инвестициялар ва кредитлар (сум эквивалентида)	34 213	30,5
3.4	Аҳоли маблағлари	983	0,9

Бундай ҳолат инвестицияларни молиялаштиришнинг умумий ҳажмида хорижий инвестициялар ва кредитлар салмоғининг ошиши билан боғлиқ.

Ўтиш даврини бошидан кечираётган давлатларда инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда жамъи инвестициялар таркибида ташқи манбалар улушининг ўсиб бориши табиий ҳолдир.

Ўзбекистоннинг инвестицион жозибadorлигини ва инвестиция муҳитига таъсир кўрсатиувчи ижобий омиллардан бири сифатида сиёсий ва макроиқтисодий барқарорликни ва инвесторлар ҳуқуқларининг ишончли кафолати таъминланганини келтириш лозим.

Маълумки, маҳаллий ва хорижий сармоядорлар нафақат мамлакатдаги ички сиёсий барқарорликни, балки қўшни давлатлардаги мавжуд ҳолатни ҳам алоҳида эътиборга олишади.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви дунё мамлакатларининг инвестиция фаолиятини ҳам тубдан ўзгартириб юборди. Шу боис, мамлакат иқтисодиётининг инвестицион жозибadorлигини ошириш ва миллий иқтисодиётга киритилаётган инвестицияларнинг ҳажмини ҳамда иқтисодий самарадорлигини ошириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Мамлакат иқтисодиётига хорижий инвесторлар ҳамда маҳаллий тадбиркорлар капиталини жалб этиш учун қўлай инвестиция муҳитини тавора яхшилаб бориш ўта муҳимдир. Инвесторлар – хорижий ёки маҳаллий бўлишидан қатъи назар, улар мамлакат иқтисодиётига капитал киритишдан олдин, ундаги ишлаб чиқариш шароити, экспортга имкон ва хомаше ресурсларининг мавжудлиги билан бир каторда солиқ турлари ва ставкаларига ҳам эътибор қаратишади. Шу сабабли, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ҳамда маҳаллий корхоналар учун солиқ ставкаларини қўшни мамлакатларда амал қиладиган

солик ставкаларидан юкори бўлмаслигини таъминлаш зарур. Акс ҳолда, хорижий инвесторлар мамлакатимиз иқтисодиётига капитал киритишга кизиқиш билдирмайдилар, шунингдек, маҳаллий тадбиркорлар ўз капиталини хорижга олиб чиқиб кетишга ёки тадбиркорлик қобилиятини чет элларда намоён этишга ҳаракат қилишадилар.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида инвестициялар учун мамлакатлараро учли курашнинг бўлиши табиий. Шу сабабдан ҳам Ўзбекистонда ички ва ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш, иқтисодиётга ички ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жалб қилинишини таъминлайдиган муҳит (шарт-шароитлар)ни такомиллаштириш, маблағларни устувор (локоматив) тармоқларга сафарбар қилиш ҳамда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боглик йўналишларда мужассам эгиш-фаол инвестиция сиёсатининг асосий тамойили ҳисобланади. “Биз фақат инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришга эришамиз”¹⁴⁵.

4.3. Ўзбекистон иқтисодиётининг инвестицияларни жалб этувчанлигини ошириш йўллари

Иқтисодиётимизга киритилаётган инвестицияларнинг йилдан-йилга ўсиб боришида юртимиздаги мавжуд инвестицион шароит ва қулай инвестиция муҳити алоҳида аҳамият касб этаётганини таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек: “Биз 2018 йилга «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» деб ном бериб, Давлат дастури доирасида 21 триллион сўм ва 1 миллиард долларга тенг 76 мингта лойиҳани амалга оширганимиз ўтган йили яхши ният билан бошлаган ишларимизнинг натижасини кўрсатиб турибди.”¹⁴⁶.

¹⁴⁵ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномаси. “Халқ сўзи”, 2018 йил 29 декабрь.

¹⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномаси. – Халқ сўзи, 2018 йил 23 декабрь.

Ҳозирги замон бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари муҳим инвестиция институти ҳисобланади. Чунки иқтисодиётни таркибий қайта қуриш ва модернизация қилиш, корхоналарда ишлаб чиқаришни технологиялар билан қантa жихозлaш мақсадида қўйиладиган инвестицияларни маблағлар билан таъминлашни банклар иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. 2019 йилги Инвестиция дастурига 171⁹³ миллиард сўм маблағ айнан тижорат банклари томонидан кредит маблағлари ва бошқа қарз маблағлари иқтисодиётга йуналтирилиши кутгилмоқда. Ушбу рақам умумий инвестицияларнинг 15,3 фоизини ташкил этади.

Мамлакатимизда инвестицион жараёнларни янада фаоллаштиришда банк тизимининг роли алоҳида аҳамият касб этиб бормоқда.

4.3.1-жадвал маълумотларидан кўрнниб турибдики, Марказий Банк томонидан рўйхатга олинган кредит ташкилотлари сони 2019 йилнинг 1 март ҳолатига 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 17 тага ёки 16,3 фоизга ўсган. Бу даврда тижорат банклари сони 1 тага ёки 3,6 фоизга ортган. Шунингдек, нобанк кредит ташкилотлари сони ҳам 16 тага ёки 21,1 фоизга, давлат улуши бор акциядорлик тижорат банклари сони 2 тага ёки 18,2 фоизга қўпайган. Тижорат банкларининг филиаллари ҳамда мини-банклар сони ҳам ўсиш тенденциясига эга. Булар, мос равишда, 0,7 ва 14,7 фоизга ошган.

Ўзбекистон Республикасида кредит ташкилотлари ва банклар таркибий бўлиналари¹⁴⁷

(бирликда)

4.3.1-жадвал

т/п	Кредит ташкилотлари ва банклар	01.03.20 18 йил	01.03.20 19 йил	Ўзга- риш, фоизда
1	Марказий Банк томонидан рўйхатга олинган кредит ташкилотлари	104	121	116,3

¹⁴⁷Кредит ташкилотлари ва банклар таркибий бўлиналари сони: <http://www.cbu.uz/uz/statistics/bankstat/>

	Шу жумладан:			
	-тижорат банклари, шундан:	28	29	103,6
	Давлат улуши мавжуд банклар	11	13	118,2
	Блиқа банклар	17	16	94,1
	-нобанк кредит ташки- лотлари шундан ¹⁴⁸	76	92	121,1
	Микрокредит ташкilotлари	30	37	123,3
	Ломбардлар	46	55	119,6
2	Тижорат банклари фи- лиаллари, жами ¹⁴⁹	864	870	100,7
	шундан. Халқ банки	197	196	99,4
3	Мини-банклар	996	1142	114,7

Банк муассасалари тармоғининг кенгайиб бораётгани банклар ўртасидаги рақобат муҳитининг кучайиши ҳамда банк хизмат турлари сифати ва қўламининг ошиб боришига имкон берди.

Мамлакат иқтисодиётининг таркибий қисми ҳисобланган қимматли қоғозлар ва лизинг хизматлари бозори мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Ривожланган мамлакатларда қимматли қоғозлар бозори иқтисодий фаолликни акс эттирувчи муҳим индикаторлардан бири саналади. Бунда энг аҳамиятли жиҳат қимматли қоғозлар бозори ёрдамида жамғармаларни инвестицияларга айлантириш имконияти вужудга келади.

Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг муҳим жиҳати — инвестиция жараёнида йирик транснационал компанияларнинг фаол иштироки. молия бозорининг юқори ривожланганлиги, хусусан, қимматли қоғозлар муомаласининг кенг тарқалганлиги, турли жамғармаларнинг инвестиция фаолиятига жалб қилиш механизмининг юқори даражада таркиб топанлиги билан ажралиб туради.

¹⁴⁸ Нобанк кредит ташкilotларининг филиаллари мавжуд эмас.

¹⁴⁹ Тижорат банкларининг хорижий давлатдаги филиаллари мавжуд эмас.

Иқтисодийни модернизациялаш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида қимматли қоғозлар бозорининг ролини ошириш иқтисодий ривожланишнинг муҳим йуналишларидан бўлиб ҳисобланади. Бу эса, уз навбатида инвестицияларни фаол жалб қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, иқтисодий муносабатларни жадаллаштириш, нофаол жамғармаларни муомалага киритиш ва энг муҳими, иқтисодий усишни таъминлашда таъсирчан аҳамиятга эга.

Қимматли қоғозлар бозорининг инвестиция жараёнидаги иштирокини кенгайтириш бозорнинг рақобатоатқоқчилиги, ишончлилиги, барқарорлиги, даромадлиги каби омиллар билан белгиланади.

“Бугунги кунда мамлакатимизда 603 та акциядорлик жамияти фаолият юритаётган бўлса, уларнинг 486 тасида давлат улushi 52 триллион сўмни ташкил этмокда.

Экнлғи-энергетика, нефть-газ, кимё, транспорт ва банк соҳаларида давлат иштироки юкори даражада сақланиб қолаётгани уларни бозор механизмлари асосида ривожлангириш, инвестициялар жалб этишга тускинлик қилмокда.

Давлат активлари тартибсиз бопқарилаётгани ҳам самарадорликка салбий таъсир кўрсатмокда. Масалан, ҳозирги вакгда 972 та давлат корхонаси активларининг атиги 21 фоизи Давлат рақобат кўмитаси томонидан, қолган 79 фоизи вазирлик ва идоралар ҳамда хўжалик бирлашмалари томонидан бопқарилмокда.

Бундай ёндашув сўнгги 27 йил давомида давлат корхоналарини қандай аҳволга олиб келгани ҳеч кимга сир эмас. Авиасозлик саноати каби бутун бир соҳа йўқ бўлиб кетди”¹⁵⁰.

Қимматли қоғозлар чиқариш, инвестицияларни молиялаштиришда марказлашган маблағлар ва банк кредитлари ҳиссасининг пасайишига олиб келади.

Қимматли қоғозлар ва кредит бозори пул маблағларига эҳтиёжи бўлан корхоналарга пул маблағларини тақсимлаб корхоналарнинг молиявий ҳолатини барқарорлаштиради.

¹⁵⁰ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олиби Маълимига Мурожаатномаси. “Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.

Корхоналар инвестицион фаолиятга (акциядан ташқари) облигацияларни чиқариш йули билан ҳам маблағларни жалб этишади. Облигацияларни чиқариш ва уларни жойлаштириш бирмунча қисқа вақт ичида корхоналарга зарур маблағларни туплаш имконини беради.

Облигациялар буйича операциялар акцияларникига нисбатан камроқ хавф-хагарга эга. Шу сабабдан облигацияларга туланадиган фоиз акциялар буйича туланадиган дивидендга нисбатан пастроқ бўлади. Корхоналар учун облигация чиқаришга нисбатан, акция чиқариш қўлайроқ ҳисобланади. Чунки, олинадиган соф фойда миқдорига қараб, акциялар буйича туланадиган дивиденд миқдорини ўзгартириши мумкин, облигациялар буйича туланадиган фоиз қатъий белгиланган бўлади.

Республикада биржа бозори сифатида “Тошкент” республика фонд биржаси ва банкларида савдо тизимлари фаолият курсатмоқда.

“Тошкент” республика фонд биржасининг биржа обороти курсаткичлари таҳлили¹⁵¹

4.3.2-жадвал

Т/р	Курсаткичлар	2016 йил	2017 йил	Ўзгариш (+ўсдиш, – пасайдиш), фондда
1	Биржада қимматбаҳо қўғозлари муомалада бўлган акциядорлик жамиятлари сони	141	99	– 29,8
2	Шартномалар сони, донa	3080	2572	– 16,5
3	Қимматбаҳо қўғозлар сони, млн. донa	689,1	1551,6	+ 125,2
4	Шартномалар суммаси, млрд. сум	299,8	298,6	– 0,4

¹⁵¹ “Тошкент” республика фонд биржасининг биржа обороти курсаткичлари таҳлили” по итогам 2017 года

4.3.2-жадвал маълумотлари далолат берадики, 2017 иили 2016 йилга нисбатан биржада қимматбаҳо қоғозлари муомалада бўлган акциядорлик

жамиятлари сони ҳамда шартномалар сони, мос равишда, 29,8 ва 16,5 фоизга қисқарган. Айни пайтда, бу даврда қимматбаҳо қоғозлар сони 862,5 млн.донага ёки 25,2 фоизга купайган, шартномалар сони эса 1,2 млрд. сумга ёки 0,4 фоизга камайган.

4.3.3-жадвалда келтирилган маълумотларидаи кўриниб турибдики, 2017 йилда қимматбаҳо қоғозлар муомаласи бўйича тузилган шартномаларнинг сони ва уларнинг умумий суммалари ҳудудлар бўйича кескин фарқ қилади. Корхоналар акцияларининг олди-сотдиси бўйича тузилган шартномаларнинг 90,47 фоизи Тошкент шаҳрига, 3,46 фоизи Фарғона вилоятига тўғри келган. Бу кўрсаткич Самарқанд вилоятида – 0,20 фоиз бўлган. Ҳудудлар кесимида қимматбаҳо қоғозлар муомаласи бўйича тузилган шартномаларнинг сони ва уларнинг умумий суммаларидаги фарқ,

улардаги акциядорлик корхоналарнинг сонига ва муомалага чиқаришган қимматбаҳо қоғозлар қийматига бевосита боғлиқ. Шу сабабли, бизнинг

2017 йилда Ўзбекистонда қимматбаҳо қоғозлар муомаласи бўйича тузилган шартномаларнинг ҳудудлар бўйича тақсими¹⁵²

4.3.3-жадвал

№/р	Ҳудудлар номи	Шартнома-лар сони, дона	Шартномалар суммаси, минг.сум	Ҳиссаси, жамига нисба-тан фоизда
1	Андижон вилояти	302	442794,2	0,15
2	Бухоро вилояти	21	1291382,5	1,43

¹⁵² <http://www.birzha.uz> "Биржевое обслуживание" по итогам 2017 года

4.3 3-жадвалнинг давоми

3	Тошкент шаҳри	1078	270114779,3	90,47
4	Жиззах вилояти	5	3006,7	0,00
5	Қорақалпоғистон Республикаси	1	4001,4	0,00
6	Қашқадарё вилояти	4	98,9	0,00
7	Навоий вилояти	102	1028110,0	0,34
8	Наманган вилояти	4	454700,0	0,15
9	Самарқанд вилояти	218	598420,3	0,20
10	Сурхондарё вилояти	3	230665,0	0,77
11	Сирдарё вилояти	104	1710829,8	0,57
12	Тошкент вилояти	195	8819797,8	2,95
13	Фарғона вилояти	533	10329265,9	3,46
14	Хоразм вилояти	2	1451265,7	0,49
	Жами	2572	298555107,5	100,0

фикримизча, Самарқанд вилоятида акциядорлик жамиятларининг ташкил этилиши учун шарт-шароитлар яратилса, мақсадга мувофиқ булар эди. Шунинг таъкидлаб ўтиш ўринлики, инвестицион мақсадларга йуналтирилувчи маблағлар танқислиги шароитида лизинг – инвестицион фаолиятни фаоллаштирувчи муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Лизинг – молиявий-кредит муносабатларининг шакллари-дан бири ҳисобланади. Унинг асосида корхоналар ишлаб чиқариш воситаларини махсус ташкил қилинган лизинг компанияларидан узоқ муддатга ижарага олишади.

Бугунги кунда Ўзбекистондаги лизинг бозорида “O‘zagrolizing” ДЛК, “Uzbek Leasing International A.O.” АЖ, “O‘zavtosanoat-Leasing” МЧЖ ЛК, “Nano Lizing” МЧЖ, “China Leasing Group” МЧЖ лизинг компаниялари ҳамда бир қатор тижорат банклари – “Asaka bank” АТБ, “Kapital bank” АТБ,

“Ipoteka bank” АТИБ, “KDB bank Uzbekistan”, “Trust bank” ХАБ фаол иштирок этишмоқдалар.

Лизинг бозори қатнашчиларининг улуши¹⁵³

4.3.4-жадвал

Т/р	Лизинг бозори қатнашчилари	Йиллар				
		2013	2014	2015	2016	2017
1	Лизинг компаниялари					
2	-мулк қиймати, млрд сум	560.2	592.6	668.2	630.8	963.8
3	-улуши, фоизда	69.6	71.7	78.5	64.8	62.0
4	Банклар					
5	-мулк қиймати, млрд сум	244.9	233.6	183.0	342.3	589.8
6	-улуши, фоизда	30.4	28.3	21.5	35.2	38.0
	Жами	805.2	826.2	851.2	973.1	1553.6

4.3.4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2017 йил якунлари бўйича лизинг берувчилар орасида лизинг бозорининг тақсимланиш тенденцияси олдинги йиллардаги каби сақланиб қолди. Унга кўра бозорнинг 62 фоиз лизинг компанияларига тегишли. Тижорат банкларига тўхталадиган бўлсак, 2016 йил якунлари билан солиштирганда, банклар лизинг хизматларини тақдим этиш ҳажмини 247,5 млрд сумга оширган. Уларнинг улуши 38 фоизни ташкил қилди.

Агар лизинг портфелининг лизинг берувчилар бўйича тақсимланиши кўриб чиқиладиган бўлса, унда портфелнинг 78,2 фоиз лизинг компаниялари улушига тўғри келишини кўрамыз. 2018 йил боши ҳолати бўйича лизинг портфелининг суммаси 2 трлн. 684 млрд сумни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич амалдаги қонунчиликда тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган лизинг хизматларининг суммаси банк биринчи

¹⁵³ 2017 йил якунлари бўйича Ўзбекистондаги лизинг хизматлари секторининг обзори – Т. “Ўзбекистон лизинг берувчилар Уюшмаси”, 2018, 3-4 бетлар

даражаси капиталининг 25 фоиздан ошмаслиги лозимлиги кузда тутилгани билан тавсифланиши мумкин.

Мамлакат бозорида амалга оширилган лизинг операциялари хажмлари ҳудудлар бўйича бир текис эмас. 2017 ил якунлари бўйича лизинг операцияларида Самарканд вилоятининг улуши 5,4 фоизгина бўлган. Айни пайтда, бу кўрсаткич Тошкент шаҳрига – 35,6 фоиз, Тошкент вилоятига - 10,6 фоиз ва Сирдарё вилоятига - 9,7 фоиз тўғри келмоқда.

Ўзбекистонда, шу жумладан, Самарканд вилоятида истеъмол лизингини янада ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадга мувофиқдир.

Лизинг – ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технологиялар билан қуроллантиришга, жаҳон стандартлари даражасидаги истеъмол товарларни ишлаб чиқаришга, бозорларни сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга ва республика экспорт салоҳиятини янада оширишга шароит яратади.

Тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида бири қўшма корхоналар ҳисобланади. Қўшма корхоналар ташкил этиш корхона ва ташкилотларнинг чет эллик шериклар билан алоқасини юксалтиради, мамлакат ҳудудида хорижлик тадбиркорликларга кенг шароит яратади, мамлакат ҳудудига хорижий инвестицияларини жалб этади.

Ҳозирги кунда хорижлик ишбилармонлар Ўзбекистонни ўзлари учун қулай ва ишончли шерик деб ҳисоблайдилар, чунки республикада хорижий инвесторлар учун қулай инвестицион муҳит яратилган. Натижада уларда ўз сармояларини республикада жойлаштириш ва биз билан ҳамкорлик қилиш истаги ортиб бормоқда. Республикада яратилган қулай инвестицион муҳитнинг асосий омиллари – республикадаги қулай сиёсий барқарорлик, бой хомашё ресурсларининг мавжудлиги, қўшма тадбиркорликнинг ҳуқуқий асоси яратилганлигидир.

Хорижий корхоналарни ташкил этиш орқали чет эл инвестицияларини жалб қилиш бугунги кунда кенгайиб бормоқда. Ўзбекистонда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар иқтисодиётнинг турли соҳаларида ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар¹⁵⁴

(дона)

4.3.5-жадвал

Ҳудудлар	1 январь 2018 йил ҳолатига	1 январь 2019 йил ҳолатига
Республика буйича	5517	7560
Шу жумладан:		
Самарканд вилояти	280	396

4.3.5-жадвал маълумотларидан куринадики, республикада 2019 йил 1 январь ҳолатида фаолият курсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони 7560 тани ташкил этди. Утган йилнинг шу даврига нисбатан 2043 тага ёки 37,0 фоизга усган. Самарканд вилоятида эса фаолият юритаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони, урганилаётган даврда, 116 тага ёки 1,4 баробарга ортган.

Давлат статистика қўмитаси таркатган маълумотларга қура, ушбу корхоналарнинг асосий қисми Россия Федерацияси, Туркия Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Корея Республикаси ҳиссаларига тўғри келади.

Шунингдек, хорижий капитал иштирокидаги фаолият курсатаётган корхоналарнинг 4006 таси қўшма, 3554 таси эса хорижий корхоналар ҳисобига тўғри келади.

Биргина 2018 йилда хорижий капитал иштирокидаги янги ташкил этилган корхоналарнинг сони 2385 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич эса утган йилнинг шу даврига нисбатан 1522 тага қўпайган.

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрадиган бўлсак, асосан 728 таси саноат, 654 таси савдо, 229 таси қурилиш, 190 таси кишлок, ўрмон ва балиқ хўжалиги ва 297 таси бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келади¹⁵⁵.

¹⁵⁴ Ўзбекистонда хорижий капиталга эга 5517 корхона ишламоқда. // www.kun.uz. Ўзбекистон, 2018 йил 12 январь. Ўзбекистонда хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони маълум қилинди. // www.kun.uz.

¹⁵⁵ Ўзбекистон, 2019 йил 15 январь.

¹⁵⁵ Ўзбекистонда хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони маълум қилинди. // www.kun.uz. Ўзбекистон, 2019 йил 15 январь.

Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарни ташкил этишда муҳим омиллардан бири – бу мамлакатда эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарининг мавжудлигидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 августдаги “Эркин иқтисодий зоналар самарали фаолият кўрсатиши учун вазирликлар, идоралар ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мувофиқлаштиришни кучайтириш ва уларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари туғрисида” ги Қарори, энг аввало, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратишга, янги рақобатдош ишлаб чиқаришлар ташкил этишга, уларнинг муҳандислик коммуникациялари ва зарур инфратузилма билан таъминланган алоҳида ҳудудларда тупланишини таъминлашга йўналтирилган бўлиб, бу мазкур соҳада давлат сиёсатининг сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилганидан далолатдир.

Соҳада ҳали айрим муаммолар: электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви ва канализация тизими билан тулик таъминланмаганлиги, шунингдек, айрим туманларда кичик саноат зоналарини ташкил этишда ишлаб чиқариш корхоналарининг бир-бирига ва аҳоли яшаш жойларига нисбатан белгиланган санитария талабларига жавоб бермаслиги каби ҳолатлар мавжуд.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларга хорижий, аввало, туғридан-туғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш, давлат мулки хусусийлаштирилган объектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир кўплаб вазифалар белгиланган. Мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этиш борасида олиб борилаётган ишлар бунда муҳим аҳамият касб этмокда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги 3607-сон "Самарқанд вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан вилоятининг шаҳар ва туманларидаги 16 та буш турган объектлар негизида 14 та кичик саноат зонаси ташкил этилди.

Кичик саноат зоналарида тадбирқорларнинг бизнес лойиҳалари ва ишлаб чиқариш имкониятларини амалиётга татбиқ этишларн учун барча шароит яратилган.

Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши баёни қабул қилинган кундан эътиборан, кичик саноат зонаси иштирокчилари икки йил муддатга юридик шахсларга солинадиган мол-мулк солиғи ва фойда солиғи, шунингдек, ягона солиқ тўловидаи озод қилинади.

Солиқ имтиёзлари кичик саноат зонаси иштирокчилари томонидан энг кам иш ҳақининг 2000 бараваридан кам булмаган миқдорда инвестиция киритиш шарти билан тақдим этилади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 30 фоизи экспортга чиқарилса, имтиёзлар муддати узайтириб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14-15 апрель кунлари Самарқанд вилоятига ташрифи давомида берган топшириқлари асосида Каттакўрғон шаҳрида 2018-2019 йилларда саноат, кишлоқ хўжалиғи, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга оид 4 та инвестиция лойиҳаси киритилган¹⁵⁶.

Каттакўрғон шаҳар иқтисодиётини кўтариш, аҳолини доимий иш билан таъминлаш ва ишлаб чиқариш сўрЪатини ошириш мақсадида маҳаллий қорхона ва ташкилотларда олиб борилган тулпунтириш ишлар натижасида бир қатор қорхоналарга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ишлаб чиқариш ускуналари шаклида) олиб кирилди. Уларнинг айримлари 4.3.6-жадвалда келтирилди.

2018 йилнинг март ойида "Каттакўрғон Ёғ-мой" акциядорлик жамиятига Хитой давлатидан рўйхатдан ўтган "Quinco (Fujian) Machinery Industrial Co.Ltd" (масъулияти чекланган жамият) хорижий ҳамкори томонидан ишлаб чиқариш соҳаси

¹⁵⁶1,1,ps //samarqand.uz/ /samarqand-viloyati-kattakurgon-sha

буйича 150,0 минг АҚШ доллари миқдорида 5 литрлик ПЭТ идишларда ёғ маҳсулотларини қadoлаш асбоб-ускунаси киритилди. Бугунги кунда ушбу лойиҳа тулиқ ишга туширилди.

Шунингдек, 2018 йилининг апрель ойида жами киймати 1 221,0 минг АҚШ доллари миқдорида инвестициялар киритилди. Жумладан:

Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон шаҳрида 2018-2019 йилларда туғридан-туғри хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилган кичик саноат корхоналари¹⁵⁷

4.3.6-жадвал

Кичик саноат корхоналари	Лойиҳа қиймати	Хорижий инвесторлар маблағлари	Ишлаб чиқариладиган маҳсулот тури	Ишлаб чиқариладиган маҳсулот даражаси
"Kattakurgal Charm" қўшма корхонасининг	5 614,0 млн. сум, шундан 1 013,0 млн. сум маҳаллий инвесторнинг ўз маблағи	568,0 минг АҚШ доллари	Тери маҳсулотлари	Лойиҳанинг йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 12 000,0 млн. сумни
"Metal Solution Technologies" масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхона	12 045,0 млн. сум, шундан 1 515,0 млн. сум маҳаллий инвесторнинг ўз маблағи,	300,0 минг АҚШ доллари	Сантехник фитинглар	Лойиҳанинг йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 80 000,0 млн. сумни

¹⁵⁷<https://samarkand.uz/> /samarkand-viloyati-kattakurgon-sha

• “ClassicMotor” масъулияти чекланган жамиятига Хитой давлатида руйхатидан утган “Shangqiu Sihai Energy Technology Co.Ltd” (масъулияти чекланган жамият) томонидан ишлаб чиқариш соҳаси бўйича жами қиймати 300,0 минг АҚШ доллари миқдорида асбоб-ускуна киритилди;

- “Mega Mebel Trade” масъулияти чекланган жамиятига Хитой давлатида руйхатдан утган “Shandi Crulin Machinery Co.Ltd” (масъулияти чекланган жамият) хорижий инвестори томонидан мебель ишлаб чиқариш соҳаси бўйича жами қиймати 159,0 минг АҚШ доллари миқдорида асбоб-ускуна киритилган бўлиб, ушбу лойиҳа тулиқ ишга туширилди;

• “Machenery Co.Ltd” (масъулияти чекланган жамият) хорижий инвестори томонидан мебель ишлаб чиқариш соҳаси бўйича жами қиймати 159,0 минг АҚШ доллари миқдорида асбоб-ускуна киритилган бўлиб, ушбу лойиҳа тулиқ ишга туширилди;

• “Каттақўрғон чарм” Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасига корхона таъсисчилари, яъни Ўзбекистон томонидан Ғуфқаро Исломов Икром ва Исломов Умрзоқ ҳамда Хитой томонидан “Chantsinsinsyan” савдо компанияси ҳамкорлигида корхонага жами қиймати 761,0 минг АҚШ долларлик терини қайта ишлашда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар киритилди;

• “Qo‘rg‘on Universal Biznes” масъулияти чекланган жамиятга 2018 йилнинг июнь ойида Германия давлатидан руйхатдан утган “Homag Co.Ltd” (масъулияти чекланган жамият) хорижий инвестори томонидан жами қиймати 36,0 минг евро ва Чехия давлатида руйхатдан утган “Akword Co.LTD” масъулияти чекланган жамият хорижий инвестори томонидан жами қиймати 2,75 минг АҚШ доллари миқдорида мебель ишлаб чиқариш соҳаси бўйича асбоб-ускуна киритилди.

Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида 2018 йилда 2 та хорижий инвестор томонидан жами 480,0 минг АҚШ доллари миқдорида туғридан-туғри хорижий инвестициялар жалб қилинган¹⁵⁶.

¹⁵⁶ sampayank.uz/uz/node/769

Амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ кичик саноат зоналари иштирокчиларига қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

- ўз маблағлари ҳисобига қурилган бино ва иншоотларга (ёки уларнинг қисмларига) мулк ҳуқуқини ўрнатилган тартибда расмийлаштириш;

- инвестиция ва бошқа ижтимоий мажбуриятларни тўлиқ бажарган тақдирда, бироқ кичик саноат зонаси иштирокчиси мақомини олган давридан бошлаб камида 5 йил муддат ўтгандан кейин, уларига берилган бинолар ва иншоотларни (ёки уларнинг қисмларини) хусусийлаштириш;

- реконструкция қилиш ёки капитал таъмирлашни ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширган тақдирда, бироқ кичик саноат зонаси иштирокчиси мақомини олган давридан бошлаб камида 3 йил муддат ўтгандан кейин, бинолар ва иншоотларни (ёки уларнинг қисмларини) хусусийлаштириш.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, ташкил этилаётган кичик саноат зоналари қатнашчилари икки йил муддатга ягона солиқ туловидан озод этилади. Агар имтиёزلарнинг амал қилиш муддати давомида корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот умумий ҳажмининг камида 30 фоизи экспорт қилинса, мазкур имтиёзлар яна икки йилга узайтирилади. Шунингдек, уларга давлат бинолари имтиёзли узоқ муддагли ижарага ёки “ноль” қийматда берилади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда яратилган инвестицион муҳит ва инвестициялашдаги устувор йўналишлар – иқтисодий сифат жиҳатдан юқори даражага кўтаришга, мамлакатнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини мустаҳкамлашга, аҳолига муносиб турмуш шароитларини яратишга ва республиканинг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олишига замин яратиши керак.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Монография муаллифлари ўзбекистонда хизмат курсатиш соҳасини модернизациялаш ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш масалаларини урганиш асосида ўз тақлифларини ишлаб чиқишдн ва қуйидаги хулосаларга келишди:

1. Хизмат курсатиш соҳаси модернизацияси ўзлуксиз ва узоқ давом этадиган ижтимоий-иқтисодий жараён. Уни амалга оширишда иқтисодий усул суръатлари охири беш йил ичида 7-8 фоиздан кам бўлмаган ҳолда утиш тавсия этилади. Шунингдек, хизмат курсатиш соҳасининг модернизациялаш сиёсати унинг тармоқлари ўртасидаги мувозанатига таъсир этади. Шунинг учун хизмат курсатиш соҳасини модернизациялаш сиёсатини яхлит бир тизим сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Уни иқтисодиётнинг муҳим категориялари билан алоқасини таъминлаш керак.

2. Модернизациялаш сиёсатини мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти учун фақат икки томонлама караш лозим: биринчидан, модернизациялаш иқтисодиётни ЯИМ ҳажмини ошиши, меҳнат унумдорлигининг ўсиши, аҳоли даромадларининг кўпайиши, аҳоли турмуш даражасини яхшиланиши каби барқарор макроиқтисодий мувозанатни таъминлайди; иккинчидан, мамлакатнинг иқтисодий беқарорлигини келтириб чиқариш, жумладан, янги технологияларнинг кириб келиши оқибатида иқтисодиёт тармоқларида ишчи кучига бўлган талаб камайиб боради, тадбиркорларнинг бозор талабига мослашиши қийинлашади, инвестицияларни қайси соҳага киритиш муаммоси пайдо бўлади.

3. Мамлакатимизда ҳар бир фуқаронинг тадбиркорлик фаолияти билан шўгулланиши учун барча иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилган. Бунинг натижасида Ўзбекистонда тадбиркорлик сезиларли даражада ривожланмоқда, уларнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни бекиёс ортиб бормоқда.

Ҳозирги замон бозор иқтисодиётида истеъмолчи кирол. Шу сабабли тадбиркорлик категориясига таъриф берилганда истеъмолчилар нуқтаи назардан қаралса мақсадга мувофиқ бўлади.

Тадбиркорлик – бу таваккалчилик ва ташаббускорлик ҳамда уз мулккий жавобгарлиги остида истеъмолчилар талаб-ни қондириш орқали фойда топишга қаратилган иқтисодий фаолиятдир.

4. Бугунги кунда, Ўзбекистонда тадбиркорлиkning кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик шакли етакчи ўринни эгалаб турибди. Уларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2017 йили 2015 йилга нисбатан 0.4 фоизга кўпайган, шунингдек, миллий иқтисодиётда банд аҳоли сонигаги улуши 0,1 фоизга ортган.

5. Мамлакатимизда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар таркибида кичик бизнес субъектлари салмоқли ҳиссани ташкил этаётган бўлсада, миллий иқтисодиётда йирик корхоналарнинг роли бекиёс.

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунида кичик тадбиркорлик субъектлари, яъна тартибдаги тадбиркорлик, жисмоний шахсларнинг юридик шахс ташкил этмаган ҳолда биргаликдаги тадбиркорлик фаолияти хусусида алоҳида моддалар бўлсада, ўрта ва йирик бизнес субъектлари тўғрисида бирор-бир қоида йўқ. Ҳолбуки, ўрта ва йирик бизнес субъектлари тадбиркорлик фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, ўрта ва йирик бизнес субъектлари буйича мезонларни ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунига ўрта ва йирик бизнес субъектлари фаолиятини тавсифлайдиган қоидаларни киритиш мақсадга мувофиқдир.

6. Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг ошиб бориши шароитида, аҳолининг мол-мулкдан олинган даромадлари, унинг умумий даромадлари ҳажмининг ўзгаришига таъсири сезиларли даражада эмас. Мамлакат аҳолисининг мол-мулкдан олган даромади 2017 йил 2015 йилга нисбатан 1,0 фоизга ўсган ҳолос. Бундай ҳолат мамлакатда ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш ва ривожлантириш

борасида муҳим ишларни амалга ошириш заруриятини туғдиради.

7. Аҳоли маблағларини иқтисодиётдаги турли инвестиция объектларига йўналтириш ва шу орқали унинг даромадларини ошириш бўйича сезиларли натижага эришиш учун таъсирчан механизмларини жорий этиш зарур бўлади.

Бизнинг фикримизча, аҳолининг банкларга бўлган ишончини ошириш учун биринчи олдда, улар депозитларининг қадрсизланиш хатари тижорат банклари зиммасида эканлигини Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти" тўғрисидаги Қонунида белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

8. Мамлакатимиз аҳолисининг аксарият қисми қишлоқ жойларида истиқомат қилишади. Бироқ, бу жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш даражаси шаҳар жойларига нисбатан анча паст. Шу сабабдан қишлоқ жойларида тадбиркорликни янада ривожлантириш учун тадбиркорлик билан шуғулланувчи ва шуғулланиш истаги бор шахсларга бизнесни юритишда асқотадиган (молия, маркетинг, ахборот технологиялари ва бошқа) муҳим масалалар бўйича бепул ўқув семинарларини ташкил этиш, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини юритишда тўсиқ бўлаётган инфраструктурaviй (ичимлик суви, газ, электр энергияси таъминоти, канализация) муаммоларини барҳараф этиш учун маҳаллий ҳокимият вакиллариининг ишини жонлантириш мақсадга мувофиқдир.

9. Оилавий тадбиркорликка оид муаммоларни тадқиқ этиш асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

- оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши унинг рақобатбардошлиги ва рақобатдаги устунлиги билан шартланган;
- оилавий тадбиркорликнинг рақобатдаги устунлиги юқори бизнес - маданият мавжуд бўлганда намоён бўлади;
- оилавий тадбиркорликнинг муваффақиятга эришишида "оилавий капитал" ёки "оилавий активлар" зарурий шарт бўлиб, оила аъзоларининг бизнесдаги иштироки эса бизнес - маданиятнинг улкан имкониятлар манбаи ҳисобланади;

- оилавий тадбиркорликнинг узлуксизлигини таъминлаш, кейинги авлод иштирокини зарурат этади.

10. Оилавий тадбиркорлик назариясини қуйидаги йўналишларда кенгайтириш ва ривожлантириш мақсадга мувофиқ келади:

Биринчидан, оилавий тадбиркорлик муҳим ижтимоий-иқтисодий категория ҳамда ҳаётини зарурат сифатида қўшимча ривожлантирувчи таснифлаш тизимига эҳтиёж сезмоқда.

Иккинчидан, тадқиқот натижаларига асосланиб шундай хулоса қилиш мумкинки, оилавий бизнеснинг моҳияти аниқлашда ҳамой қарама-қарши фикрлар учрамоқда.

Учинчидан, куп сонли тадқиқотларда оилавий бизнесда ташқи аъзолари ва раҳбарининг (оиладан ташқари) роли масаласи тадқиқот методологиясидан четда қолиб, тадқиқот натижаларини синергетика тамойиллари асосида маълум бир йўналишда бирлаштириш ёки умумлаштиришда қийинчиликларни туғдирмоқда.

11. Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга синергетик ёндашув тамойилларини қўллаш:

- оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизими синергетик ёндашувни талаб этиб, унинг самарали амал қилиши “кооперация”, “қўмаклашish”, “ҳамкорликда”, “биргаликда”, “ҳамжиҳатликда ҳаракат” “ўз-ўзини бошқариш”, “ўз-ўзини ташкиллаштириш” ва “ўзаро таъсир” каби механизмларга асосланади;

- оилавий тадбиркорликнинг беқарор фаолият кўрсатиши натижасида унинг янги сифат босқичига ўтишга имкон излаши бифуркация жараёнини намоён этади. Урганилаётган тизимда бу ҳолат куп жиҳатдан молиявий омилларга боғлиқ бўлиб, “оилавий тадбиркорлик – молия институтлари”нинг ўзаро самарали ҳамкорлигини йўлга қўйишни талаб этади. Бунинг натижасида тизим кейинги бифуркация нуқтасигача илгариланма ривожланишини давом эттиради;

- ҳар бир оилада тадбиркорликни йўлга қўйиш, уларнинг ўз-ўзини иш билан бандлиги ва фаровонлигини таъминлайди. Бу эса оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши орқали қўллаб ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳам ўз ечилини

топиб, давлатнинг тартибга солиш бўйича функцияларини ҳам сезиларли даражада қисқарилишига олиб келади. Бу жараёнлар синергетиканинг “ўз-узини ташкиллаштириш” ва “узуро таъсир” хусусиятларини намоён этади;

- оилавий тадбиркорликни синергетик ендашув асосида қўллаб-қувватлашда улар манфаатини ҳимоя қилувчи уюшмаларга бирлашиши ва ишлаб чиқаришни кластер асосида ташкил этиш катта аҳамият касб этади. Бу эса синергетик самарани ошириб, “Оилавий корхоналар уюшмаси” ва “Оилавий корхоналар кластери”ни тузишни, тақозо қилади.

12. Оилавий тадбиркорликда “натижадорлик” ва “самарадорлик” тушунчалари узуро узвий боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи мустақил категориялардир:

- оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлиги деганда мақсадли давлат дастурларини амалга ошириш ҳисобига эришилган натижаларнинг, шу натижаларга эришиш учун оарча манбалардан сарфланган харажатларга нисбати тушунилади;

- оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизими нагжадорлиги — давлат дастурларининг ижроси билан боғлиқ бўлиб, дастурнинг қўйилган мақсадларга эришганлик даражасини ифодалайди.

- самарадорликнинг нагжадорликдан фарқи шундаки, у нисбий қиймат бўлиб, натижанинг шу натижага эришишга қилинган харажатига нисбати билан характерланади. Ёки бошқача айтганда, самарадорлик чекланган ресурслардан энг юкори натижаларга эришиш билан боғлиқ мураккаб иқтисодий-ижтимоий муносабатларни акс эттиради.

13. Аҳоли бандлигини таъминлашда ва ларомадларини оширишда, республикализ ҳудудлари, шаҳар ва туманларидаги энг муҳим социал муаммоларни ечишда инвестицияларнинг роли беқиёс.

Инвестиция — бу келгусида даромад (фойда) олиш ёки социал самарага эришиш мақсадида қонун доирасида иқтисодиётнинг турли соҳалари ва тармоқларига инвесторлар томонидан қўйиладиган барча турдаги мулкый, молиявий ва интеллектуал бойликлардир.

Мамлакат иқтисодиётига хорижий инвесторлар ҳамда маҳаллий тадбиркорлар капиталини жалб этиш учун қулай инвестиция муҳитини табора яхшилаб бориш ўта муҳимдир. Шу сабабли, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ҳамда маҳаллий корхоналар учун солиқ ставкаларини қўшни мамлакатларда амал қилаётган солиқ ставкаларидан юқсри бўлмаслигини таъминлаш зарур. Ақс ҳолда, хорижий инвесторлар мамлакатимиз иқтисодиётига капитал киритишга қизиқиш билдирмайдилар, шунингдек, маҳаллий тадбиркорлар ўз капиталини хорижга олиб чиқиб кетишга ёки тадбиркорлик қобилятини чет элларда намоён этишга ҳаракат қиладилар.

Фойдаланилган адабиётлар

I. Ўзбекистон Республикасининг Қонунилари

1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни, 1998 йил 30 апрель.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Қонуни, 1998 йил 30 апрель.

1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” Қонуни, 2000 йил 25 май.

1.5. Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуни, 2012 йил 26 апрель.

1.6. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги (янги таҳрирда) Қонуни, 2014 йил 9 декабрь.

1.7. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонуни, –Т.: 2015 йил 22 май.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги “Туғридан-туғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қушимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги “Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва уларнинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 378-сонли Қарори.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги

“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сонли Фармони.

2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги 3607-сон “Самарқанд вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3724-сонли Қарори, 2018 йил 14 май.

2.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4067-сон Қарори.

2.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

2.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида”ги ПФ-5780-сон Фармони.

III. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва маърузалари

3.1. Мирзиёев, Ш. М. Танқидий таҳлил қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. –Т.: “Ўзбекистон”, 2017.

3.2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.

IV. Махсус илмий адабиётлар ва ўқув қўлланмалар

5.1. Anderson, R. C. and Reeb D. M. (2003). Founding-family ownership and firm performance: Evidence from the S&P 500 // Journal of Finance, Vol.58 No. 3, pp. 1301-1328.

5.2. Anna Motylska-Kuzma, (2017) "The financial decisions of family businesses", *Journal of Family Business Management*, Vol. 7 Issue. 3, pp.351-373.

5.3. Бархатова Н. М. (1999). Семейный бизнес и семьи в бизнесе // ЭКО, № 2 (<http://ecotrends.ru/subscribe/1841-2014-03-06-10-13-03>)

5.3. Батухин Е. Call-центр в концепции CRM // *Sales business/ Продажи*. 2004, №3.

5.4. Бозоров Д. Синергетика парадигма. Монография. "Тафаккур"

5.5. Быков В.А. Электронный бизнес и безопасность. - М.: Радио и связь. 2000.

5.6. Багисв Г.Л., Асаул А.Н. Организация предпринимательской деятельности. Учебное пособие/ Под общей ред. проф. Г.Л.Багиева. - СПб.: Изд-во СПбГУЭФ, 2000.

5.7. Вьдев Д. Российские реалии и перспективы. Рынок систем управления предприятием // *Connect. Мир связи* 2001 №12 42-44.

5.8. Benavides-Velasco, C.A., Quinana-Garcia, C. and Guzman-Papa, V. (2013), "Trends in family business research", *Small Business Economy*, Vol. 40, pp. 41-57.

5.9. Волков Д. А. (2011). Стадии и жизненные циклы развития семейного бизнеса // *Российское предпринимательство*, вып. 2, 11-16с.

5.10. Гамидов Г.С. и др. Основы инноватики и инновационной деятельности - С-Пб.: Политехника, 2000.
нашришти. – Т.: 2010.

5.11. Daily C. M. and Dollinger M. J. (1992). An empirical examination of ownership structure in family and professionally managed firms // *Family Business Review*, Vol.5 No.2, pp.375-386.

5.12. Imomov H. H. Investitsiyalarni taslikil etish va moliyalashtirish. (O'quv qo'llanma) –Т.:TDIU, 2010.

5.13. Календжян С. О., Волков Д. А. (2011). Развитие семейного предпринимательства в России // *Экономическая политика*, № 5, 148-154 с.

5.14. Каримов Н.Ф. Иктисодиётни модернизациялаш шароитида инвестицияларни молиялаштиришнинг ёздор муханизмларини такомдлаштириш. // *Стратегии модернизации и*

обеспечения долгосрочного устойчивого экономического роста. Форум экономистов Узбекистана. – Т.: «СМИ-АСИА», 2011.

5.15. Karlibayeva R.X. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Oliy o'quv yurtlari uchun o'quv qo'llanma. –Т.: Cho'lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2011.

5.16. Kotlar, J., Fang, H., De Massis, A. and Frattini, F. (2014), "Profitability goals, control goals, and the R&D investment decisions of family and nonfamily firms", Journal of Product Innovation Management, Vol. 31 No. 6, pp. 1128-1145.

5.17. Kelly L. M., Atharassiou N. and Crittender, W. F. (2000). Founder Centrality and Strategic Behavior in the Family-Owned Firm // *Entrepreneurship Theory and Practice*, no. 25(2), pp. 27-42.

5.18. Королев В. А. (2007). Российские собственники на 20-летнем горизонте: структура собственности, роль семьи и корпоративное управление. // *Российский журнал менеджмента*, № 5 (3), 145-174 с.

5.19. Курганов А. Результативность поддержки малого бизнеса // *Государственная служба* 2009 № 1, 83–85с.

5.20. Копачев А.А., Электронная коммерция как фактор инновационного развития деятельности предприятия - Санкт-Петербург. 2009.

5.21. Кредит ташкилотлари ва банклар таркибий булинмалари сони. <http://www.cbn.uz/uz/statistics/bankstats/>.

5.22. Лихтенберг Г. К. Деградация философии. - М., 2004.

5.23. Материалы семинара по вопросам инновационной культуры. ЮНЕСКО - Париж. 28 февраля 1-марта. 2002.

5.24. Мамагов Ф. Кичик бизнесни куллаб-қувватлаш тизимини синергетик ёндашув асосида такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. - Т., 2012.

5.25. Мирзаев Қ.Ж. Агросервис хизматлари самарадорлигини оширишнинг методологик масалалари. Монография. – Т.: "IQTISOD-MOLIYA" нашрияти, 2010.

5.26. Moliya: Korxonalar moliyasi. Darslik / J.R.Zaynalov, S.S.Alieva, Z.O.Axrorov va boshqalar. –Т.: Iqtisod-moliya", 2018.

5.27. Муродова Д. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш механизмини такомиллаштириш йўналишлари. Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики: материалы IV-го Форума экономистов

(Часть II) / под общ. ред. д-ра А.М. Садыкова. – Т: ПРООН, ИПМИ, 2012.

5.28. Муратов С. Успех автоматизации: ключевые факторы // Бизнес-форум, 1 т., 2003, №11.

5.29. Нордстрем К.А., Риддерсгале И. Бизнес в стиле фанк. — СПб.: Стокгольмская школа экономики в Санкт-Петербурге. 280с.

5.30. Ожегов Сергей Иванович. СЛОВАРЬ РУССКОГО ЯЗЫКА. Ок. 57000 слов. Псд. Редд-ра филол. наук, проф. Н.Ю. Швердовой. 12-е изд. – М.: Рус. яз.. 1978.

5.31. Пардаев М.Қ., Курбонов З.Н. Оила бизнеси ва тадбиркорлиги. -Самарканд: СамКИ, 1999.

5.32. Пардаев О.М. Махсулотларни сақлаб сотиш хизматлари самарадорлигини оширишнинг ташқилий-иқтисодий механизмлари. –Т.: “Fan va texnologiya”, 2017.

5.33. Пардаев М.Қ., Мирзаев Қ.Ж., Пардаев О.М.. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Уқув кулланма. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2014, 384 б.;

5.34. Попов С.А. Комплексный анализ оценки эффективности управления программами поддержки малого предпринимательства. Фундаментальные исследования №10, 2013.

5.35. Поливаев В. E-commerce: штрихи к портрету // CONNECT! Мир связи. 2004, №6.

5.36. Соловяненко Н. И. Приоритеты законодательства в области электронной коммерции // Мир электронной коммерции 2000 № 1.

5.37. Suhail Sultan, Andre de Waal, Robert Goedegebuure, (2017) "Analyzing organizational performance of family and non-family businesses using the HPO framework", Journal of Family Business Management, Vol. 7 No.3, pp.242-255.

5.38. Тачиназаров С. Хизмат курсатиш соҳасини ривожланишида синергетик ёндошувнинг намоён бўлиш хусусиятлари.// “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. №5, сентябрь-октябрь, 2016 йил (www.iqtisodiyot.uz).

5.39. Успенский И.В. Энциклопедия Интернет-бизнеса - СПб: Питер, 2001.

5.40. Xodiyev B.Y., Shodmonov Sh.Sh. Iqtisodiyot nazariyasi: Darslik. – Т.: “Barkamol fayz media”, 2017.

5.41. Черницкий А. (2007). Семейный бизнес, или как работает с родственниками // Наша власть. Дела и лица, вып. 6. (http://nashavlast.ru/article_description/64/223.html)

5.42. Chrisman, J.J., Chua, J.H., Kellermanns, F.W., Matherne, C.F. III and Debicki, B.J. (2008), "management journals as venues for publication of family business research", *Entrepreneurship Theory and Practice*. Vol. 32 No. 5, pp. 927-934.

5.43. Шавкатов Э., Каримов З. Тижорат банклари фаолиятининг социал-иқтисодий самарадорлигини оширишда инновацион хизматларнинг роли. // Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти ва Жанубий Корея Республикасининг Кангвон Университети ҳамкорлигида ташкил этилган халқаро назарий-амалий конференция материаллари. –Самарқанд: СамҚХИ, 2015.

5.44. Шодиева Г.М. Оила хўжалиги фронтирининг ошириш муаммолари ва уларнинг ечимлари. Монография – Т.: Фан 2006.

5.45. Эрнандо де Сото Х. Загадка капитала. Почему капитализм торжествует на западе и терпит поражение во всем остальном мире - М.: «Олимп-Бизнес», 2002.

5.46. Электронный маркетинг: Учеб, пособие / под ред. Т.П. Данько, Н.Б. Завьяловой, О.В. Сатиновой. - М.: ИНФРА -М, 2003.

5.47. Ўзбекистондаги лизинг хизматлари секторининг обзори (2017 йил якунлари бўйича). –Т.. “Ўзбекистон Лизинг Бериувчилар Уюшмаси”, 2018.

5.48. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 4-жилд. Зебунисо – Кониғил Таҳрир ҳайати М.Аминов, Т.Даминов, Т.Долимов ва б. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2002.

5.49. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 8-т. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат нашриёти, 2004.

5.50. Ўзбекистонда хорижий капиталга эга 5517 корхона ишламоқда. // www.kun.uz. Ўзбекистон. 2018 йил 12 январь.

5.51. Ўзбекистонда хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сонини маълум қилди. // www.kun.uz. Ўзбекистон. 2019 йил 15 январь.

5.52. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари. - Т.: Молия, 2003.

V. Statistik tупламлар

5.1. O'zbekistonda kichik tadbirkorlik. –T.: O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi, 2018.

5.2. Uzbekiston raqamlarda (statistik tупlam). –T.: Uzbekiston Respublikasi Davlat statistika kўmitasi, 2017.

5.3. O'zbekiston raqamlarda (statistik to'plam). –T.: O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi, 2018,

5.4. Uzbekiston hududlarining yillik statistik tуплами. –T.: Uzbekiston Respublikasi Davlat statistika kўmitasi, 2017.

5.5. O'zbekiston hududlarining yillik statistik to'plami. –T.: O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi, 2018.

VI. Internet saytlari ma'lumotlari

6.1. sampayarik.uz/uz/node/269

6.2. <https://samarkand.uz/.../samarqand-viloyati-kattaqorgon-sha>

6.3. <https://uzse.uz/analitics> Биржевое обозрение” по итогам 2017 года

6.4. www.stat.uz Uzbekiston Respublikasi davlat statistika kўmitasi sayti.

МҲНДАРИЖА

КИРИШ	3
I. БОБ. ХИЗМАТ КУРСАТИШ СОҲАСИ ҲОЛАТИ ВА УНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ	
1.1. Хизмат курсатиш соҳаси модернизацияси ва норасмий бандлик.....	7
1.2. Хизмат курсатиш корхоналарининг модерни- зациялаш ҳолатини баҳолаш.....	24
1.3. Хизмат курсатиш корхоналарини модернизация- лаш жараёнлари тадқиқи.....	39
1.4. Хизмат курсатиш корхоналарини модернизация- лашнинг техник-иқтисодий усулнини аниқлаш	54
II. БОБ. ХИЗМАТ КУРСАТИШ КОРХОНАЛАРИДА САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ ЙУЛЛАРИ	
2.1. Хизмат курсатиш корхоналари самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва курсаткичлари.....	68
2.2. Хизмат курсатиш корхоналари самарадорлигини оширишда электрон тижоратнинг ўрни	75
III. БОБ. АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	
3.1. Тадбиркорлик – аҳоли фаровонлигини оширишда асосий омил.....	95
3.2. Оилавий тадбиркорликни шаклланиши ва ривож- ланишининг илмий-назарий асослари.....	106
3.3. Оилавий тадбиркорликнинг ривожланиш тенден- циялари ва унинг миллий иқтисодиётдаги ўрни.....	118
3.4. Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда хориж таърибалари.....	125
3.5. Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда самарадорликни баҳолаш.....	132

IV БОБ. АХОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШДА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЙУЛЛАРИ

4.1. Инвестицияларнинг социал-иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.....	140
4.2. Миллий иқтисодиётга жалб этилаётган хорижий инвестициялар ҳажмининг ортиб бориши.....	151
4.3. Ўзбекистон иқтисодиётининг инвестицияларни жалб этувчанлигини ошириш йуллари.....	158
Хулоса ва таклифлар.....	173
Фойдаланилган адабиётлар.....	179

**ХИЗМАТ КУРСАТИШ СОҲАСИНИ
МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА АҲОЛИ
ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ:
МУАММО ВА ЕЧИМЛАР**

Монография

Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2019

Муҳаррир: М.Хайитова
Тех. муҳаррир: Ф.Тишабоев
Мусаввир: А.Шушунов
Мусахҳил: Н.Ҳасанова
Компьютерда
саҳифаловчи: Н.Раҳматуллаева

Е-mail: tipografiyacent@mail.ru Тел: 245-57-63, 245-61-61.
Нашр.л.и.д. АД№149, 14.08.09. Босишга рухсат этилди 25.10.2018.
Бичимп 6^ах84 1/16 «Times Uz» гарнитурасп. Офсет усулида босилди.
Шартли босма табағи 11,5. Нашр босма табағи 11,75.
Тиражи 50. Бўлорма № 194.

«Fan va texnologiyalar Markazining boshqaruvchisi» да chop этилди.
100066, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.

